



© "Yoshlik" № 3 (255) 2012-y.

O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,
"Kamolot" yoshlar ijtimoiy harakati muassisligidagi
yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali
1982-yildan chiqa boshlagan.



Jamoatchilik kengashi raisi:
Abdulla ORIPOV

Jamoatchilik kengashi:
Najmiddin Jiyanov
Abulqosim MAMARASULOV
Minhojiddin MIRZO
Feruza MUHAMMADJONOVA
Ahmad OTABOYEV
Shuhrat SIROJIDDINOV
Ahmad USMONOV

Bosh muharrir:
Sobir O'NAR

Bosh muharrir o'rinbosari:
Luqmon BO'RIXON

Mas'ul kotib:
Akbarali MAMASOLIYEV

Tahrir hay'ati:
Bobur ALIMOV
Iqbol MIRZO
Abduqayum YO'LDOSHEV
Abdusaid KO'CHIMOV
Sirojiddin SAYYID
Alisher NAZAR
O'rozboy ABDURAHMONOV

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining
kompyuter markazida sahifalandi.

Manzilimiz:
Toshkent. sh.
O'zbekiston shohko'chasi, 16-"a" uy.
E-mail: yoshlik-xatlar@rambler.ru
Tel/faks: (8371) 227-0-227,
245-5-793, 245-0-552

MUNDARIJA

BUGUNNING GAPI Alisher NAZAR. O'zingizdan uyalasizmi?	2
ADIB XONADONIDA Xosiyat BOBOMURODOVA. "Avvalo iste'dod zarur".	8
NAZM Sirojiddin SAYYID. Bag'ring dashting kabi keng, Mehring – tandir noningday. G'ayrat MAJID. Bu kun ishq mavsumi. Dilaruz TO'RAQULOVA. Menga muhabbatni o'rgatgin, Egam. Akmal SAYYID. Sohir saharlardan so'rayman seni.	4 28 35 38
NASR Luqmon BO'RIXON. Bir tomchi yosh. Qissa. G'ulom KARIMIY. Arslonxon minorasi. Hikoya. Dilorom DILXOH. Kuyuktut. Hikoya.	12 30 58
ADABIY ALOQALAR IYNKYONG O. O'zini yaratgan qahramon.	26
TADQIQOT Adhambek ALIBEKOV. Zilol satrlar.	36
PUBLISISTIKAZ Muhammad ALI. Kenja qiz haqida hikoya.	40
JARAYON Odinabonu QULMURODOVA. "Qush tili" tilsimlari.	45
MUSHOIRA Bahor ilhomlari.	48
NEVARAKULCHA Rushana NAZAROVA. Ey, beg'ubor yoshligim. Dilnavoz NAJIMOVA. Yashnar bu O'zbekiston.	47 61
JAJJI TADQIQOT Yulduz NAFASOVA. She'riyatda lirik kechinma. Dildora ISAQOVA. Soddalik jozibasini.	56 63
MUNOSABAT Shohida ESHMAMATOVA. Burch barchaga barobar.	62
YELPUG'ICH Ilhom ZOIR. Qog'oz puli. Hajviya.	64

Bosishga 05. 04. 2012 yilda ruxsat berildi. Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyat hisob tobog'i 8,7. Indeks 822.
ISSN 0207-9137. Jurnal 2007 yil 4 mayda Matbuot va Axborot agentligi tomonidan № 0253 raqami bilan ro'yxatga olingan.
Jurnaldan ko'chirib bosilganda "Yoshlik"dan olindi" deb izohlanishi shart.
"O'qituvchi" NMIU bosmaxonasida chop etildi. Buyurtma № 55-12. Adadi 4600 dona.
Toshkent shahri, Yunusobod tumani, Yangishahar ko'chasi, 1-uy.



Алишер НАЗАР

ЎЗИНГИЗДАН УЯЛАСИЗМИ?

Уят ҳисси... Бу ғоятда ноёб туйғу, тўғрими? Агар у бу қадар камёб бўлмаганида нима бўларди? Олам гулистон бўларди! Мисол учун, Ватан ҳақида шеър ясаб ўтирган шоир қоғоздаги тизмаларига қараб қизариб кетарди. Сохта сатрлари қошида хижолат бўларди. Ватан ҳақида шунчаки ёзиб бўлмаслигини, бу сўзнинг залворини ҳар қандай елка ҳам кўтаролмаслигини ҳис қиларди. Бу муборак калом қаршисидаги масъулиятдан қўрқиб, ёзув столидаги нимарсаларини ғижимларди-да, бурчакка улоқтирарди. Эртаси куни эса “Танланма” тўпламингизда Ватан ҳақида шеър йўқ экан, ёзиб келинг”, деган ноширдан қўлёзмасини қайтариб оларди.

Анча йиллар бурун бир ижодкор аканинг номи унвон олувчилар руйхатига тиркалди. Шўрликнинг илинжи умидга, умиди ишончга айланиб унвон шарпасини бедор бўлиб кутди. Не ҳасратки, рўйхат катта идоралар эшигидан қайтиб чиққач, инфаркт бўлди-қолди. Чунки унинг номи “олувчилар” руйхатидан тушиб қолган экан. Бир оз кўнгилчан ҳамкасблари бечорага ачинишди. Аммо бу соддалар билмасдики, унга унвон берсалар ҳам шу дардга гирифтор бўларди. Чунки бу дард ўлгур ҳаддан ташқари қувончда ҳам зоҳир бўлади-да.

Аслида у жуда яхши одам эди. Эшитяпсизми, бор-йўғи яхши одам эди, холос! Лекин ҳар бир яхши одамга мукофот бериб бўлмайди-ку! У буни тушунмасди. Чунки у кишимда ҳам ўзидан, ўз ижодидан уялиш ҳисси андак камёб эди. У ўзини сал кам даҳо ижодкорлар қаторига кўярди. Тўғрироғи, унда шундай оламшумул даъволар пайдо бўлишига баъзи бир уятсиз...шунослар сабабчи эди. Қуюққина зиёфат устида ёзилган “тақриз”лар, “сўзбоши”лар уни шу куйга солиб қўйганди.

Ўзидан уялиш ҳисси шунинг учун ҳам лозимки, инсонда бирор нарсани “меники” дейишдан аввал

бунга маънавий ҳақим борми деган андиша юзага чиқади. Уялиш туйғуси инсонни бедор қилиб қўяди. Бу кечинманинг қудрати шундаки, агар у зоҳир бўлса, юмшоққина курсида “йўқ”ни “бор” қилиб имзо чекаётган амалдорнинг ҳам қўллари қалтираб кетади. “Ўл-е, – дейди унга ички бир овоз, – қачонгача халқнинг ноини “туя” қиласан? Бир куни ҳамма нарсанинг жавоби борлигини билмайсанми?” Аввалига у буни эшитмасликка олади. Қўлига қоғоз-қаламни олиб нималарнингдир режасини тузгиси келади. Даҳолар мисол бир нуқтага тикилиб чуқур-чуқур ўйга ботмоқчи бўлади. Аммо начора, юксалмаган одам теранлашолмайди. У энди ўзини чалғитмоқ илинжида атайин трубкани олиб кимларгадир дағдаға қилади. Кимларнидир топшириқни бажармагани учун койиб беради. Шу билан виждонига сув сепмоқчи бўлади. Лекин кошки бу “сув” ичкаридаги “ўт”ни ўчирса. Вақт ўтган сари ички овоз баланд пардаларда жаранглай бошлади. Натижада бу амалдор нима қилади, биласизми? “Менинг бу лавозимда ўтиришга маънавий ҳақим йўқ” дейди. Қўлига кишан солиб олиб чиқиб кетмасдан бурун тинчгина ўзи чиқиб кетади.

Ўзидан уялиш ҳисси инсонни ўз-ўзига ҳисобот беришга мажбур қилади. Кечкурун кўк чойни ичиб, мия бир оз ором олгач, чеккароққа ўтиб колхознинг бухгалтеридай ўзингизни ҳисоб-китоб қилишга тушасиз. “Қирқ йиллик кадрдон эди-я”, “Билиб қолса нима бўлади?”, “Бу ҳам майли, манави арзимас пул учун шунча ёлғон ишлатиш шартмиди? Буниси-чи?” Кўрпани жаҳл билан ғижимлаб, бошингизга буркаб оласиз. Қани энди бу бош кўрпанинг ичида тинчий қолса. Қийналасиз. Эрталабгача бурга талаб чиқади. Бироқ начора, бошни ташлаб кетиб бўлмаса!

Лекин сиз англадингизми, йўқми, барибир бахтлисиз. Сизга бу изтироблар муборак бўлсин! Ахир қийналмай ўтиб кетсангиз нима бўларди?

Бир нотаниш йигит билан узоқ сафарга чиққандик. Қайсидир манзилда у-бу олиш учун мухташам бир магазинга кирдик. Қайтиб чиққач, ҳамроҳим кўлидаги қимматбаҳо конфетни кўрсатиб: “Қанча туришини биласизми?” деди. “Биламан, бу жуда қиммат” дедим. “Кассирнинг ёнига борсам, пул олиш ўрнига қайтимини олинг деб яна шунча пул бериб юборди. Ўзиям Худо берди-да, ака”, деди оғзи қулоғида.

Ўзини-ўзи ҳисоб-китоб қилаётган одам, сиз менинг ўша нотаниш ҳамроҳим ўрнида бўлиб қолсангизу, сизга ҳам шунақа қилиб Худо “бериб” турса нима бўларди? Шунисига шукур қилмайсизми? Шукур қиласиз, чунки ўзидан уялиш ҳисси инсонга шукр қилиш неъматини беради.

Ўзидан уялиш ҳисси, инсоннинг сўзи билан амалини уйғунлаштиради. Ўзидан уяладиган одам, сўзидан ҳам уялади. Ўзи амал қилмаган сўзларни айтишдан кўрқади. Чунки бундай сўзлар унинг юзига бир неча марта тарсаки тортиб юборган. У шундан кўрқади.

Бир пайтлар Пайғамбар алайҳиссалом ҳам умматларига шундай панд этган эканлар: “Одамлар орасида аввалги пайғамбарлардан сақланиб қолган бир гап шуки: агар уялмасанг, хоҳлаган ишингни қил!” Аслида Муҳаммад алайҳиссаломгача ўтган пайғамбарларнинг деярли барча кўрсатмалари маънодан узилган эди. Лекин инсондаги уят, ҳаё мангу ўчириб бўлмайдиган мерослар ичида қолди.

Бизнинг миллий фожиаларимиз ҳам айнан СЎЗ билан АМАЛ икки кутбга ажралиб қолган замонлардан бошланган. Агар тарихга диққат қилинса, бугунги илм-фан тараққиётининг пойдевори ер юзига Исломот таълимоти келганидан кейин беш аср ичида барқарор бўлди. Не саодатки, бу тараққиётнинг илк ғиштларини қўйганлар бизнинг буюк боболаримиз эди. Шу замандан чиққан улуг зотлар дунё аҳлига муаллим бўлдилар. Аммо вақт ўтган сари жамиятда сўз билан амал ўртасида тафовут пайдо бўла бошлади. Одамлар дину диёнатдан узоқлашиб, эзгулик ҳақидаги давватлар уларнинг бўғизларидан нарига ўтмай қолди. Амал йўқолди, ҳалоллик сўзда қолди, холос. Ҳазрат Бобур “Бобурнома”да 1393-1394 йиллар кечмиши ҳақида ёзар экан, Самарқанддек мўътабар шаҳарнинг маънавий аҳволини тасвирлайди ва лаънатлар айтади. Бу даврга келиб одамлар ўспирин болаларини ҳатто кўчага чиқаришга ҳам кўрқиб қоладилар. Чунки беклар ва бекзодалар иймонли инсон тилга олишга ҳам ҳазар қиладиган ахлоқсизликларга шўнғиб кетган эдилар. Эл-юрт, дин ва мамлакат тақдири ҳеч кимни қизиқтирмай қўйганди. Сабаби, жамиятда сўз билан амал бирлиги йўқолиб қолган эди. Натижада жаҳолат бошланди.

Ўзидан уялиш ҳисси инсон кўнглида қарор топса, у аста-секин ижтимоийлашиб боради. У бир кун шундай улканлашадики, энди бу одам ўзини Миллат ва Ватан олдида ҳам масъулиятлиман деб билади. Мана шу масъулият – миллатнинг саодати, Ватаннинг шаъни-шавкатиدير. Қайсики миллат хор бўлган

бўлса, мана шу масъулият эсдан чиққан замонларда бўлган.

Бизнинг ўтган асрлардаги фожиаларимиздан яна бири мана шу масъулиятсизлик эди. Қўқон хони Худодёрхон Хўжанд орқали Тошкентга қочиб кетаётганда олтин, кумуш, лаъл, жавоҳирлар тўла сандиқлари бир карвон бўлди. Хон ўзи билан халқнинг ор-номуси, эрки ва эртанги кунини ҳам сандиққа жойлаб кетаётганди. Бухоро амири тахтдан кетаётганда хазинасида 34 номдаги минглаб қимматбаҳо буюмлар рўйхатга олинган. Уларнинг умумий қиймати миллион-миллонларни ташкил этарди. Рўйхатга олинмаган бойликлар ҳам сонсиз-саноксиз эди. Афсуски, улар вақтида чор тарафда бўридек пайт пойлаётган душманни кўролмадилар. Халқнинг пешона терини сандиққа жойлаб, хазинанинг устида илондек кулча бўлиб ётиб олдилар. Натижада, жафокаш халқ бу масъулиятсизлик аламини асрлар бўйи чекиб яшади.

Бугун дунёнинг мана ман деган мухташам музейларини бизнинг маданий бойликларимиз бебаб турибди. Агар биз уларнинг бари талаб кетилган деб хулоса қилсак, адашамиз. Бу бебаҳо бойликларнинг кўпчилиги XIX-асрнинг иккинчи ярми, XX-аср бошларида Бухоро амирзодалари, беклари томонидан қиморга тикиб юборилган. Ажнабий саводагарлар уларни алдаб қиморда ютиб олишган. Юзлаб нодир қўл-ёзмалар, қимматбаҳо китоблар ва бошқа осори-атиқалар ким ошди савдосига чиқарилган. Миллатнинг қалби ҳисобланган бу бойликлар олдида бирор кимса зиғирча масъулият туймаган.

Бу тарздаги маънавий тушқунликдан қайғуга тушган Фитрат ёзади: “Эй улуг Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди? Нечук кунларга қолдинг? Ер юзининг бир неча полвонлари бўлган ботир туркларинг қани? Нечун чекиндилар? Нечун кетдилар? Кураш майдонларин ўзгаларга нечун қўйдилар? Нечун...” Аммо Фитрат ҳазратлари бу саволларнинг жавобини ўзлари жуда яхши биларди. Фитрат билан ҳаммаслаб бўлган Вадуд Маҳмуд “Туркистон” газетасининг 1923 йил 24 декабр сонидан юртнинг маънавий-маърифий қиёфасига назар ташлар экан: “Бўза, май ва умуман кайф берадурғон ичкиликларининг зарарли бўлиши тўғрисида сўзлаб ўлтириш ортиқчадир... Бу нарса Туркистоннинг бутун шаҳар ва қишлоқлариға ёйилғон. Ҳатто баъзи бир зиёлилар ва хотинлариға ҳуррият тарафдори бўлғон кимсалар ўз оилалари билан ҳам “расман” ичишмакка бошлағонлар”, деб ёзади.

Дарвоқе, тарих бизга ибратлари билан қадрли. Шунинг учун ҳам мулоҳазаларимизда кечмиш кунларимизга бирров назар ташладик. Бу билан бировга маломат қилмоқчи эмасмиз. Зеро, ҳазратим айтганларидек: “Ҳар кимки жафо қилса, жазо топқусидир”. Қозилик қилмоқ бизга тан эмас. Бизнинг таъмаимиз ХУЛОСА чиқармоқдир.

Ва ниҳоят, ўз-ўзидан уялиш шунинг учун ҳам лозимки, киши бу ҳиссиёт қаршисидан ўз аксини кўриб туради. Бу “кўзгу” шафқатсиздир...



Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Бағринг даштнинг каби кенг, Меҳринг - тандир нонингдай

САМАРҚАНД ОСМОНИ

Боқиб Самарқанднинг боғ-гулзорига,
Шу улуг кунларни сезиб тургандай –
Гўё булутларнинг оқ тулпорида
Соҳибқирон бобо кезиб юргандай.

Аввал осмонларда яралгай зафар,
Сўнг Ерга туширгай руҳ озодалар –
Дунёга келгайдир мард ва музаффар,
Темурхон юртида Темурзодалар.

* * *

Бу гулшан узра ёмғир келгусидир,
Сенигдек тоза гул бир келгусидир.

Қадинг гул қаддию, гул банди – белинг,
Бағоят инжа тасвир келгусидир.

Лабу холу хату мижгонларингдин
Умрбод етгучи сир келгусидир.

Умидворман умрбод – зулфларингким
Дилу жонимга занжир келгусидир.

Тишингни бир кўрарга – кулганинг пайт
Ҳама дуру жавоҳир келгусидир.

Топилмас сен каби раъно, агарчи
Араб, Эрону Кашир келгусидир.



Сенинг ҳусну жамолинг бирла, эй ёр,
Ажиб гулчеҳра тақдир келгусидир.

Жаҳон ичра жаҳон бўлгай бу жоним,
Ики кўзинг жаҳонгир келгусидир.

Менга Фарҳод ила Мажнун – биродар,
Навоийдек улуг – пир келгусидир.

КИМ ТИЛНИ БИЛУР – ЭЛНИ БИЛУР

(Аваз Ўтар газалига мухаммас)

Гар ушбу Ватан бизга азал ота макондур,
Султонларидин шаъни анинг рўйи жаҳондур.
Ким тилни билур – элни билур, шонига шондур,
Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур,
Тил воситаи робитаи оламиёндур¹.

То ёғмасалар бошингиза таънаю тошлар,
Тошдин ҳам қатиқ бўлгусидир илм ила бошлар,
Эй сиз, қорақўзу қорасочу қорақошлар,
Ғайри тилини саъй қилинг билгали ёшлар,
Ким илму ҳунарлар билаки андин аёндур.

Бўлмас кишига кўрку ҳусн сўзни гулидек,
Ҳар тилни билув – дилни билув, дилни – элидек,

¹ Оламиён (форс.) – олам аҳли



Тилни йўли ҳам шоҳ жаҳонгирни йўлидек,
Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек,
Билмакка они зайрат этинг, фоида кондур.

Ҳақ сизга берибмиш сувингиз ҳам далангизни,
Ўз боғингизу, қир-адирингиз, лолангизни,
Тенг айлаб жаҳон аҳлига куч-ҳафсалангизни,
Илму фан уйига юборинглар болангизни,
Онда ўқуғонлар бори яктойи замондур.

Умр ўтгусидур сув каби ё сувдаги хасдек,
Дилбандларингизнинг бари дарёйи ҳавасдек,
Илм олмасалар умр бўлур тийра қафасдек,
Зор ўлмасун онлар даги тил билмай Аваздек,
Тил билмаганидан они бағри тўла қондур.

Қ А Р З

Яратгандан олар жонлар қарзим бор.
(Халқ мулки)

Устоз чинорлардан қанча дарс олдим,
Улар токи борлар –
Мен ҳам ўлмайман.
Ёзувчилар боғидан кўп қарз бўлдим,
Сиз хижолат бўлманг,
Ўзим тўлайман.

Кўклам чоғларида оқ тунлар аро,
Оппоқ ўрик янглиғ ичдан гуллайман.
Мен ўз тоғларимдан қарзман бир дарё,
Сиз хижолат бўлманг,
Ўзим тўлайман.

Ҳануз ёд айласам – бағрим бўлар хун,
Ҳинд ё Кобул десам – жунжикар бадан.
Эй, сен дунёйи дун,
Эй, сен даҳри дун,
Ҳазрати Бобурдан қарзсан бир Ватан.

Сен ҳам барчамизга юз йиллик дарссан,
Шу миллат хурмати,
Сўзнинг хотири,
XX аср, сен биздан қарзсан
Бир Чўлпон, бир Фитрат ва бир Қодирий.

Ҳар бир яхшиликни дилдан қўллайман,
Осмон, варақларинг бунчалар мовий.
Шоирлик қарзимни ўзим тўлайман,
Пушкин тўламайди ва ё Навоий.

МАРД ДЎСТ

Фахриддин Низомиддинов
хотирасига



Умр – учқур тулпор эрур,
Умр отдир – шошагон.
Инсон асли чавандоздир,
Инсон асли – чопагон.
Нечун келиб кетди – билмас
Кимсаларнинг кўплари.
Ҳаёт асли бир улоқдир,
Яшамоқ – бир кўпқари.
Мард кетса лек тоғлар титрар,
Гумбурлайди осмонлар.
Фахриддиндай мард йўқ эди,
Дўст йўқ эди, ёронлар.

Отхонада ер депсиниб
Жийрон қашиқа йиғлайди.
Емга боқмас қорабайир,
Ичдан қақшаб йиғлайди.
Отлар мисол ёш тўколмас
Дунёнинг жонзотлари.
Элдан аввал мотам тутмиш
Фахриддиннинг отлари.
Уларнинг ҳам ёлларини
Куйдирар шу армонлар:
Фахриддиндай мард йўқ эди,
Дўст йўқ эди, ёронлар.



Сўнг кун бориб отасининг
Қабрига салом берган.
Ёнингизга келаман, деб
Лафз берган, калом берган.
Худо берган дард билан ҳам
Дўсту қадрдон бўлиб,
Оғриқларга жисму жони
Очиқ дастурхон бўлиб.
Дард ҳам чеккан бўлса керак
Неча бора афғонлар:
Фахриддиндай мард йўқ эди,
Дўст йўқ эди, ёронлар.



Ҳаётни ҳеч хижил қилмай,
 Ўлимга ҳам тик қараб.
 Ўз жонига азоб бериб,
 Ўлимни-чи, эркалаб.
 Дўсту ёрнинг даврасида
 Ўлтурса-да билмайин.
 Ўлимни ҳам меҳмон каби
 Пешвоз олган жилмайиб.
 Ажал ҳамон айтса керак
 Чок айлаб гирибонлар:
 Фахриддиндай мард йўқ эди,
 Дўст йўқ эди, ёронлар.

Бу дунёда кезиб мен ҳам
 Бир нимани илгадим.
 Зору нолон қулунлардай
 Келар гоҳо йиғлагим.
 Уюр-уюр бедов отлар
 Гуррос ўтиб бородир.
 Душманларим харидору
 Дўстлар сотиб бородир.²
 Дилдан кечар – ўртаганда
 Айрилиқ, пушаймонлар:
 Фахриддиндай мард йўқ эди,
 Дўст йўқ эди, ёронлар.

Ярқираган чўққиларда
 Виқор қолгай, қор қолгай.
 Мард изидан – бир танти эл,
 Номус қолгай, ор қолгай.
 Ҳаёт давом этар мангу,
 Узилмагай киприқлар.
 Мард изидан – боғлар қолар,
 Йўллар қолар, кўприқлар,
 Сўйлар ранжу заҳматларин
 Кўрган қасру қўрғонлар:
 Фахриддиндай мард йўқ эди,
 Дўст йўқ эди, ёронлар.

Сангардакда ҳар йил баҳор
 Гуллаганда ўриқлар.
 Ўтганларни бир-бир эслаб,
 Ёд айлашар тириқлар.
 Эзгу ишлар одамзоднинг
 Мангуликка отидир.
 Ҳаёт бошдин оёқ ному

Яхшиларнинг ёдидир.
 Дуо айлаб ўтар қўмсаб
 Неча-неча инсонлар:
 Фахриддиндай мард йўқ эди,
 Дўст йўқ эди, ёронлар.

ФУКУСИМА, 2011.11.03.

Эй одамзод, ўксима,
 Чернобил, Фукусима –
 Қаттол қалғаларингдир,
 Оғриқ яраларингдир.

Бағрингда минг ўра бор,
 Аҳволига қара, бор:
 Қора қути, қора гор,
 Реакторинг ярадор.

Наҳотки тараққиёт,
 Бу тамаддун, бу ҳаёт –
 Сенинг хом хаёлингдир,
 Камолинг – заволингдир?

Шом қаро, субҳинг қаро,
 Денгиз аро, Ер аро –
 Бу ларзалар, бу дарзлар
 Сенга бўлмади дарслар.

Юнонмизми ё ёпон,
 Барчамизга бир чўпон:
 Сурувни суриб тургай,
 Ҳаммани кўриб тургай.

Бир офат келмагунча,
 Фалокат келмагунча –
 Каслигингни билмадинг,
 Хаслигингни билмадинг.

Шундай жазо билан ҳам,
 Бало-қазо билан ҳам
 Онажонинг Табиат
 Айлар баъзан тарбият.

Ўзинг буюк меъморсан,
 Гоҳ нураган деворсан.
 Фожияннга гувоҳ бўл,
 Огоҳ бўлу, огоҳ бўл!

ЕТМИШ ЕТТИ

(Андрей Вознесенский
 (1933-2010) хотирасига)

Тан билан руҳ бўлинди,
 Булутларга беланди.
 Ҳаёт-ку этар давом,
 Умр яшаб бўлинди.

Бандалар ҳимояси –
 Худойимнинг сояси.
 Жон ҳилолга илинди,
 Умр яшаб бўлинди.

Наф йўқ даври замондан,
 Қолдим энди забондан.
 Шудринг ҳам сўз тиланди,
 Умр яшаб бўлинди.

Алвидо, эй капалак!
 Учдинг бунча жонҳалак.
 Лаҳза ўтди, ўл энди,
 Умр яшаб бўлинди.

Бор-йўғим – икки етти,
 Етти еттига етди.
 Фалак, қил қабул энди,
 Умр яшаб бўлинди.

Дарду гамдан иборат
 Емрилди бу иморат.
 Дарз кетганим билинди –
 Умр яшаб бўлинди.

Икки аср – бир ҳаёт,
 Сабру бардошу сабот.
 Тенг иккига бўлинди,
 Умр яшаб бўлинди.

Дўконингдан, ё Раббим,
 Энди қолмади ҳақим.
 Бор тўловлар тўланди,
 Умр яшаб бўлинди.

² Муғанний сатри

* * *

Яхшию ёмондан – эркакми, аёл,
Уҳ чекиб, аста кўз юмдигу кетдик.
Бу дунё мисоли туш билан хаёл,
Бир лаҳза хаёлга чўмдигу кетдик.

Узоқ яшаиш мумкин иймонсиз, дилсиз,
Лекин не қилардик Ватансиз, элсиз?
Қанча зўр шоирлар бор эди, эсиз,
Барини бирма-бир кўмдигу кетдик.

* * *

Отлар кечиб ўтар дарёдан, ака,
Олис эсдалиқлар мисоли отлар,
Ҳасрат юган солар тунлар юракка,
Осиғлиқ қамчилар кимларни ёдлар?

Йиллар соғинч уйин чалдивор этмиш,
Изгир яйдоқ отдай қирларда шамол.
Кўкларда гарибу зор қолиб кетмиш
Синиқ узангидай музтариб ҳилол.

Дунё найранглари – сулувларидай
Аввал кўзимизни қамаштирмишлар.
Сўнг ҳаёт дарёсин кечувларида
Биз минган отларни алмаштирмишлар.

Тун-кун айланар чарх бесўз, беовоз,
Асл рафторини ким ҳам кўргайдир.
Тун-кун фалак узра Буюк чавандоз
Минг-минг тулпорларга эгар ургайдир.

Сутдай оқ тунларнинг сомонзориди,
Сомон йўлларининг губори аро,
Ойдин адирлардан оқ тулпорида
Кетиб бораётган отаммиди ё?

Дилларда – умрнинг зарбу занглари,
Юлдузлар санчилар ҳар кеч куракка.
Болалик, ўсмирлик, ёшлик сингари
Отлар кечиб ўтар дарёдан, ака...



КАТТА ХОДИСА

Ёш шоир Шодмонқул Саломга

Дил боғин гоҳ тикан, гоҳи гул кўрдим,
Гоҳ булбул, гоҳида қирговул кўрдим.
Барча шоҳу вазир шеър аҳли аро,
Ёронлар, мен букун шодмон қул кўрдим.

ОЙЛАР ВА ОЙЖАМОЛЛАР

Ойнигору Ойсулув, Ойпарчадирсан, Ойжамол,
Ойжамол десам, фалакдин эсди-ку бир ой шамол.
Моҳитобон, Моҳичеҳра, Моҳгулу Маҳваиш ўзинг,
Айладинг кўнглим ишини охири чалкаш ўзинг.

ОЙНИГОР

Бор малоҳат мулкани бирдан йиғиб келдингми, ёр?
Хусн элида подшоҳларни йиқиб келдингми, ёр?
Ё бу кеч осмону ойни доғлар ичра қолдириб,
Ҳазрати Бобурни шеърдан чиқиб келдингми, ёр?

ТАҚАЛАНГАН КўНГИЛ

Ул тоиқин зулфингни ёқа тўхтатар,
Холинг ҳар ошиқни таққа тўхтатар.
Кўнглимни тақалаб қўйдинг, эй санам,
Билсанг, асов отни тақа тўхтатар.

ИККИ ФАРД

* * *

Фалакким, ой юзингга
икки ёндин икки зулф этмиш,
Менинг кўнглим учун
ул икки зулфдин икки қулф этмиш.

* * *

Кийиккўз дилраболардин
мудом бағринг куюк бўлгай,
Кийикни тескарисиди
ўқисанг ҳам кийик бўлгай.





Хосият БОБОМУРОВОДА:

"АВВАЛО ИСТЕЪДОД ЗАРУР"

Хатирчи туманида туғилганман. Икки акам ва синглим бор эди. Мактабга олти ёшимда бордим. Муаллимлар ҳали кичкинасан, келгуси йил келасан, десалар роса йиғлаганман, аҳволимни кўриб майли, ўқийверсин, дейишган.

Ҳар бир ҳарф, китоб менга мўъжиза каби туюларди. Шеърларни жону дилим билан ёд олардим. Отам мулла Бобомуродга ёд олганларимни айтиб берардим. Отам балли қизим, деб мени рағбатлантириб турардилар.

– Дадажон, фақат аъло баҳоларга ўқисам, мени ўқишга қўясизми? – деб сўрардим.

– Ҳа, қизим, Тошкентга ўқишга борасан, катта дўхтир бўласан, – дердилар.

Биз илк эртақларни сандал атрофида кўсак чувиб, узо-оқ тунларда дадамдан эшитганмиз. Ўша пайтларда ҳар бир хонадонга декабр ойларида ҳатто, қор, ёмғир остида ҳўл бўлган кўсакларни ташлаб кетишарди. Эрталабгача пахтасини чувиб қўйишимиз шарт эди. Акаларим ва мен эртақ эшитишга қизиқиб, кўсак чувирдик. “Чор дарвеш”ни ҳам илк бор дадамдан эшитганмиз. Навоий ва Фузулий ғазалларини ҳам айтиб берардилар. Дадам Бухоро мадрасасида таҳсил кўрган, билимдон киши эди. Араб имлосида битилган кўп китоблари бўларди. Ўша пайтлар у китобларнинг қадрига етмаган эканмиз.

Ўн тўрт ёшимда отам дунёдан ўтди. Ҳаммамизга онажоним Фотима Қосимбой қизи ва катта акам Муродулла бош бўлиб қолдилар. Акам жуда маданиятли, ўқимишли киши эди. Аввал ўқитувчи, сўнгра раҳбарлик ишларида ишлаган. Мактабда бизга кимёдан дарс берган.

“Нега сувсиз саҳроларда ҳам тикан ўсаверади?” дея тўсатдан савол бериб қолди бир кун муаллим акам. Биз жим эдик.

– Негаки, унинг томири жуда узун бўлади, сув излаб дарёлар қадар кетаверади. Бунинг номини ҲАЁТ УЧУН КУРАШ дейдилар. Сизлар ҳам орзуларингиз йўлида тинимсиз курашдан эринманглар, – дея ўзи жавоб берди акам.

Биз ўқувчилар сеҳрланган каби жим ўтирардик.

Ҳар гал курашларга дуч келсам ҳам отам, ҳам акам,

ҳам ўқитувчим бўлган акажонимнинг шу гаплари ёдимга тушади.

Мактабда шеърлар ёзиб, тадбирларда ўқиб бериб, Хатирчи туманидаги “Янги ҳаёт” газетасида илк шеърларим чоп этилиб қолган эди. Мактабни олтин медал билан битирдим. Ўша кунларда энамдан, янгамдан тез-тез мени акам ўқишга қўярмикин, деб сўрардим. Чуники акажоним ўқитувчилик маоши билан катта оилани тебратарди. Кичик акам Тошкентда талаба эди, уни ҳам ўқитарди. Бизга ҳеч қачон овозларини баландлатиб гапирмас эдилар. Шундай бўлса ҳам салобатлари босиб, чўчиб турардик. Мактабда ҳам барча ўқувчилар ҳурмат қиларди.

“Хосият ҳужжатларини тайёрласин, Тошкентга кетамиз”, – деган кунлари юрагимга олов туташди. Ширин орзуларга фарқ бўлиб тонг қадар уйқум келмади. Менинг юрагимни сезган каби кўқда чакмоқлар чақди.

Бошимни ювдим, янгам сочларимни майдалаб ўриб қўйди. Қаттиқроқ ўргин, у ёқда ким ўриб қўяди, деди онажоним кўзлари намланиб. Янгам бисотимиздаги ягона бир кийимлик штапелдан менга янги куйлак тикиб берди. Акам талабалик пайтида ишлатган катта чамадонга китоблар ва куйлакни жойладик. Янгам катта йўлгача қузатиб чиқиб, ортимдан йиғлаб қолди...





Йўлда юрак ютиб сўрадим:

- Ака, қайси ўқишга топшираман?
- Тошкент Давлат Педагогика институтининг математика факультетига.
- Адабиётга эмасми?
- Истеъдоди бор одам бошқа касбда бўлса ҳам ёза олади. Қишлоғимизда математика ўқитувчилари кам.

Акамнинг сўзи оиламизда ҳаммамиз учун қонун эди. Чиндан аввало истеъдод зарур экан. Талабалик бахтига муяссар бўлдим. Институтнинг “Совет педагоги” деган газетасида шеърим босилди:

*Ёниб-ёниб яшасам дейман,
Учкун сочиб, шуъла таратсам.
Ёниб қўнган учкунларимдан,
Ўзга қалбда гулхан яратсам.*

*Кул бўлсам ҳам розиман кейин,
Фақат-фақат қола олса бас.
Минглаб оташ, пок юракларда
Ўзим ёқа олган эҳтирос...*

Иккинчи курсга ўтиб, ўқишимни сиртки бўлимга кўчириб, қишлоққа қайтдим. Ўзим ўқиган 14-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлай бошлаганимда ўн етти ёшда эдим. Машқларимни ўқувчиларимга ўқиб берардим. Улар билан қўшилиб орзуларга берилардим. Ўша илк ўқувчиларим билан ҳамон бир-биримизни эслаб юрамиз.

Бир куни ҳамқишлоғим, филология фанлари доктори, профессор Тўхтамурод Бобоев (гўрлари нурга тўлсин) Тошкентдан қишлоққа келди. Қишлоқ аҳли у киши билан фахрланарди. Акам домлани меҳмонга чақирди. Дафтаримни домлага кўрсатсам майлими, деб сўрадим акамдан. У киши рози бўлди. Кетар чоғларини пойлаб дарвозада турдим. Уяла-уяла салом бериб, дафтаримни кўлларига тутқаздим. Домла мен билан сўрашди, акам кулимсираб турарди. Мен ўқиб кўраман, деди, домла. Худойжоним-ай, ўқиб кўриб нима деркинлар деб юрагим дуккилаб қолавердим.. Орадан бир неча кун ўтиб колхоз идорасидан хабар келди, домла кўнғироқ қилдилар, Тошкентга борар экансиз деб. Уйдан рухсат тегиб, учиблар бордим. Домлани топиб олдим. У киши мени “Ўқитувчилар газетаси”нинг муҳаррири Ш. Мақсудовга олиб кирди. Муҳаррир дафтаримни ўқиб, яхши, газетада чиқарамиз, суратга тушиб, бериб кетинг, дедилар.

Тўхтамурод Бобоев Ёзувчилар уюшмасига олиб борди. Нормурод Нарзуллаев билан курсдош экан. Улар

маслаҳатлашиб мени Ойдин Ҳожиева билан таништирдилар. Ойдин опа меҳр билан кутиб олди, дафтаримни олиб қолди. Тез орада “Гулистон”, “Шарқ юлдузи” журналларида, “Ўқитувчилар газетаси”да, “Ўзбекистон маданияти” газетасида шеърларим босилди. Дунёларга сиғмай қолдим.

Биринчи тўпламимга ҳам Ойдин Ҳожиева муҳаррирлик қилди. Қачон Тошкентга келсам, энг аввало Ойдин опаникига келиб, уларнинг маслаҳатларини оладиган бўлдим.

Ёзувчилар уюшмаси аъзоси бўлиш учун камида иккита тўплам нашр қилиниши талаб этиларди. Самарқандда уюшманинг кўчма котибияти бўлди. Мен ҳам ариза топширдим. Шоир, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов сўз олиб:

*– Мен суйиб гул узсам эмасман жаллод,
Мен узмаган гуллар қилсинлар фарёд,*

– деган икки сатр шеъри учун Хосият Бобомуродовани уюшма аъзолигига қабул қилишларингизни сўрайман, деб таклиф киритдилар. Бу ишонч ва мардлик олдида ҳаяжонланиб қолдим.

Устозларимдан англаганларим, тақлид қилишга ҳаракат қилганларим: бағрикенглик, фидойилик, мақсад йўлида қатъий ҳаракат қилиш ва истеъдодли ёшлардан ёрдамнинг аямаслиқдир.

Шу пайтгача “Дарёдан қатра”, “Қалб титроғи”, “Самарқандга мактублар”, “Мен узган гуллар”, “Мурод қасри”, “Жонимнинг эгаси”, “Ватан ягонадир”, “Тўйлар муборак” номли шеърий тўпламларим, “Бола кўтарган аёл” номли драма, “Меҳр”, “Ҳайқириқ” дostonларим ва “Қизилқум маликалари”, “Самарқанд санамлари”, “Қирқ йигит қиссаси”, “Саҳродаги жаннат” номли публицистик китобларим нашрдан чиқди. Уларнинг умумий адади етмиш минг.

Адабиётсиз ҳаёт – эртақлари йўқ болалик, орзулари йўқ ёшлик – умидлари сўнган кексалиқдир. Қўшиқлари йўқ зулумотдир. Ўтмиши, бугуни, келажаги йўқ тарихдир. Ёввойи ҳаётдир. Инсон кимлигини англамоғи учун албатта АДАБИЁТ КЕРАК!

Бозор адабиёти адабиёт эмас. Бугунги энг гўзал қувончларимизни, изтиробларимизни нафис шаклларда келажакка етказиб берадиган сўз керак деб ўйлайман. Қолганлари ўз-ўзидан йўқолса керак. Инсон танасини маҳв этадиган, ваҳимага тўла баёнлар эмас, инсон руҳига куч бағишлайдиган асарлар керак.

Икки ўғил, икки қиз берди яратган Эгам. Керагини олди. Мен суйган гулни бағримдан олди. Болаларимнинг ҳаммаси адабиётни тушунишади, аммо турли касб эгалари. Набираларим машқ қилиб туришади. Аммо ҳали бу ҳақда гапиришга эрта.

Бутун умримни парвона каби СЎЗга уриб, СЎЗ излаб ўтказибман. Қувончларимдан, ғамларимдан сўз терибман. Билмадим, мен сўзники бўлдимми, ё сўз меники бўлдимми? Хато қилдимми, тўғри йўл танладимми...



Хосият БОБОМУРОДОВА

Юрагим тубидан достонлар чиқди

БАҲОР

Бунча нозик, митти гунчалар,
Қандай қилиб очилар, кулар?
Балки унинг жасоратини
Тўлғоқ тутган оналар билар.
Қиргоқларга сизмай тошар сув,
Шивирлайди яшил япроқлар.
Турналарнинг қайтганин кўриб,
Вужудимга кирар титроқлар.
Караминг мўл, қодир Аллоҳим,
Майса экдинг ҳатто тошгача.
Яшаи дарсин ўтарсан балким,
Баҳорингда кекса, ёшгача.
Уфқларга етса қулочим,
Лолаларни бағримга боссам.
Капалакнинг қанотларига
Ёниб турган дилимни оссам.
Баҳорнинг гул қучоқларида
Тирилгим ҳам ўлгим келади.
Ўзбекистон, онам, бағрингда,
Баҳор бўлиб қолгим келади.



Бир-бирин кўрмаса юрак бағри қон
Бўлиб сирли мактуб йўллашадими?

Сизда ҳам сувларнинг кўпириб қони,
Ўзларини тоғдан ташлашадими?
Куртакларнинг гулга айланиши они,
Бир ширин азобни бошлашадими?

Сизда ҳам қуёшнинг айланиб боши,
Булутларнинг кўзи тиниб кетарми?
Қайтар турналарнинг тўкилиб ёши,
Қадрдон масканга қўниб ўтарми?

Сизда ҳам оҳ урса бўлиқ тупроқлар,
Ҳовури ҳаммага сезиладими?
Тинмай шивирласа кўм-кўк япроқлар,
Илдизларнинг тинчи бузиладими?

Кўнгилдаги армон, юракдаги гам,
Кўчиб ўтмадими, гулга, чаманга?
Нега бунча жимсиз, бунча хотиржам,
Баҳор келмадими, Сизлар томонга?

Сизнинг ҳам қирларда ўсарми майса?
Бир-бирин суяган дарахтлар борми?
Еру кўк қиш бўйи соғинчда куйса,
Соғинарми сизу мендек баҳорни?



Сизда ҳам булбуллар чекарми афгон?
Ўриклар новдаси гуллашадими?

Наврўз келди, қирлар кўкарди,
Қирлар остидаги зўрлар кўкарди.
Кўкармайман деган ўрлар кўкарди,
Меҳр кўкармади сенинг дилингда.

Булутлар эриди, тўкдилар кўзёш,
Баландда бўлса ҳам куйдирди қуёш.

Бардошлари битиб, уваланди тош,
Бир сўз айланмади сенинг тилингда.

Йўлимдан барқ уриб бўстонлар чиқди,
Юрагим тубидан достонлар чиқди,
Қомати ёй бўлиб Рустамлар чиқди,
Фақат сен чиқмадинг менинг йўлимдан.



* * *

Дилимдан то тилимгача сўз,
Оёғимдан қўлимгача сўз.
Тангрим, сўздан айлама жудо,
Ҳаётимдан ўлимгача сўз...

Дунёсига йўзу боримни,
Сўзим билан айтиб кетаман.
Тингламаса тилим зоримни
Кўзим билан айтиб кетаман!

УЗИЛГАН ГУЛГА

Ким узди сўрамайин
Бирор оғиз қуёшдан.
Қўрқмадим оҳингдан,
Қўрқмадим кўзёшдан.
Тупроғингдан, сувингдан
Олмадим, розилик?
Ҳеч қурса тиканларинг
Қилмадим қозилик?
Яна уялмай богбон
Сени пулга сотдим?
Байрам баҳонасида
Қучоғимга отдим?
Сени ким мажбурлади,
Ҳузуримга келмоққа?
Ўзинг рози бўлдингми,
Кўнглим учун ўлмоққа?!



* * *

Яшаганинг сари камдир бу дунё,
Англаганинг сари гамдир бу дунё.
Орқага қайтиш йўқ, бас деб айтиш йўқ,
Тинмай чорлагувчи шамдир бу дунё.

Фақат орзу билан бунёд бу очун,
Кимга меҳри ёлгон, кимга ишқи чин.

Ўзинг-ку дунёга сизмай юрибсан,
Яна ундан ором сўрайсан нечун?

Бандилик муборак сўз зиндонда,
Билгилки, эрк яшар шоир қонда.
Дилни қанча эзсанг шунча яшайсан,
Шеър аталган мангу ҳайкал ёнида.

ТИКАН

Сенга шеър битмоқчи эмасдим асли,
Гул тутиб йўлимга чиқиб турмасанг.
Еру кўкни ёққан саратон фасли,
Бунчалар яшамоқ завқин сурмасанг.

Ям-яшилсан, майин майса рангида,
Қуёш бор меҳрини бошингдан тўккан.
Ғолибсан, чилланинг олов жангида,
Томири дарёга етган эй, тикан!

ИШҚ

Тингламайди ҳеч ким арзу додини,
Тутилган унутар насли, зотини.
Сену мен ким бўпмиз, бу севги яна,
Телба қилар мингта Хосиятини.

ТЎРТЛИКЛАР

"Пастга тушдингми?" деб сўрмагил қасддан,
Киноя қилгунча бошим ос маним.
Сенсиз нима қилай, мен ахир пастда,
Эй дили офтобим, боши осмоним.

* * *

Зар топдим, зўр топдим, ҳимоя топдим,
Меҳрибон дўстлару ҳамсоя топдим.
Изласам ҳар сўздан бир гоя топдим,
Тополмадим фақат сенинг кўнглингни.

* * *

Бир юракни қўйдим дунё,
Каму кўстинг хизматига.
Нега мени қилдинг шерик
Хазонларнинг қисматига?



Луқмон БЎРИХОН

БИР ТОМЧИ ЁШ

Қисса

Умид – ерда ётган поладон.

Расул Жумоев



Бу гал ҳам қарз ундира олмади. Шаҳарнинг қоқ киндигидаги гавжум бозорда дўкон очиб, олди-сотдига кўнгил кўйиб анчагина бойиб қолган, талабалик таъмини бирга тотган дўсти Ўктам ҳам мижғовланиб бир дунё баҳонани қалаштириб ташлади. Шу кунларда кичик корхона очиш ташвишида юрганини, харажат устига харажат жабрини чекаётганини, тагин тўрт-беш таниш-билиш олти ойча бурун бир ҳафта ичида қайтаришга қасамлар ичиб анчагина қарз олишганини, лекин ҳали-ҳануз қайтармай куйдириб юрганини айта-айта ҳасрат қилди. Яъниким, игна-ип тиланганнинг қаршисига йиртиқ иштон билан чиқди.

Бахтиёр қарз ундира олмаганидан ҳам кўра дўстининг нигоҳларидаги ифодадан хафа бўлиб кетди. Бу қарашларда истеҳзо, масхара қалқиб турарди. Ўл, бу кунингдан, деган маъно, дўсти ҳарчанд яширишга уринса-да, қорачиғлар туб-тубида йилтиллаб кўринарди. Ҳар ҳолда Бахтиёрга шундай туюлди.

У увушган бармоқдай бўшашиб кўчага чиқаркан томоғига тикилган хўрликни аранг ичига ютди.

Энди нима қилади? Унга раҳми келиб, сафарга бирга олиб кетишга кўнган ҳалиги бригадирга энди нима дейди? Йўлкира тополмадим дейдими сўнариб? Қариндошлардан ҳам барибир наф йўқ. Ё нариги маҳалладаги судхўрдан қарз кўтарсамикан? Бир оз таниш-билишлиги бор, балки қарз фоизини арзонроқ қилиб берар?

Бахтиёр гўё қаён юришини билмагандек бўм-бўш чўнтакларидан кўллари мушт қилиб туккан кўйи кўча бошида ивирсиб туриб қолди. Сўнг сал наридаги таналари қуруқшаб, буришиб кетган қари тутга беҳол суянди.

Чор-атрофдан баҳор нафаси уфурарди. Ям-яшил япроқларга бурканган дов-дарахтлар енгил эпкиндан оҳиста чайқалиб турарди. Кўча бўйлаб узалиб кетган бетон ариқ лаблари ҳам ранго-ранг чечаклар, ўт-ўланлар билан қопланган.

У беихтиёр ўзи униб-ўсган Арпасой адирларини эслади. Қўй-қўзилар ортидан бўйинсалари билан чопқиллашиб юришлари кўз ўнгидан лип-лип ўтди. Юрагида силқиб турган хўрликка соғинч ҳислари ҳам кўшилиб кўзлари намланди.

Бепоён кенгликлар, юлдузли, соҳир кечалар, гоҳо қайғу, гоҳо қувонч қалққан қиёфалар, бир сўз билан айтганда, теварагида товланиб турган тириклик ўша кезлар Бахтиёрда ғалати туйғулар кўзгарди, кўнгли баъзан маънос тортиб, баъзан шодликдан тўлқинланар эди. Кўзи кўриб, кўнгли сезган барча-барча манзараларни қоғозларда тасвирлагиси келарди. Яъниким, мусаввирликка ишқи тушмиш эди. У синфхонадан ўғирлаб чиққан бўр бўлаги билан қир этагидаги харсанг-тошга ҳар хил нарсаларнинг расмини чизиб ташлар, теварагига таппидай тизилган тенг-тўшлари тек қотиб унинг қўл ҳаракатларини ҳавасманд кузатишар, аҳён-аҳён қойил қолганнамо бош чайқаб, расм роппа-роса аслига ўхшаганини эътироф этишар эди. Кўп ўтмай Бахтиёрнинг иқтидори мактаб бўйича тан олинди. Ҳар байрам арафасида муаллимлар деворий газеталарини безаб беришни ундан ўтиниб сўрайдиган бўлиб қолишди. Мактаб энди-энди битай деб турган ажойиб кунларнинг бирида соч-соқоллари ўсиқ, кулранг кеп-

касини бошига бостириб кийган Георгий исмли рассом қишлоқ биқинидаги тевараги юлғунзор, қамишзор зовур бўйида пайдо бўлиб қолди. У рассомчилик ашқол-дашқолларини олдига ёйиб, арзон нав сигаретини тутатган кўйи кенгликлар узра шом куйилишини соатлаб томоша қилиб ўтирар, аҳён-аҳён қаршисиданги мольбертига алланималарнидир чизгилаб қўяр эди.

Бахтиёрнинг отаси унинг олдига иккита ароқ, бир тоғора қовурдоқ кўтариб борди. Ўғлининг қоғозга туширган расмларини кўрсатди. Ўғлингиз бўладиган бола, унда даҳолик аломатлари бор, деди Георгий бўшаган шишаларга қўшилиб ўзлари ҳам юмалаб қолишган бир пайтда. Кетар чоғи пойтахтлик рассом ўзининг телефони рақамларини берди, мактабни битиргач, мени топсин, деди.

Аммо тақдир йўлланмаси бошқача экан. Амакиларидан бири Бахтиёрни кўярда-қўймай вилоят марказидаги муҳандислар тайёрловчи институтга етаклаб борди. Зўр ошноларим бор, сени ўқишга киритиб қўйишади, деди. Лекин Бахтиёр йиқилди. Талаба бўла олмади. Ва ўша куз ҳарбий хизматга чақирилди. Одатда аскарликдан йигитлар чиниқиб, қотайиб, қайралган қиличдай чатнаб қайтишади. Бахтиёр эса касалманд аҳволда қишлоғига кириб келди. У хизмат қилган қурилиш батальони заводларнинг биридан заҳарли чиқитларни вагонларга юклаш билан шуғулланарди. Бахтиёр дам сайин ўзини беҳол сезар, аҳён-аҳён боши айланиб, кўзи тиниб йиқилиб қолар эди. Хизмат тугаш арафасида аскарларни кўриқдан ўтказган врач ана шу чиқитлар касофатидан Бахтиёрнинг юрагида иллат пайдо бўлганини таъкидлади. Сенга қайғуриш, қаттиқ ҳаяжонланиш мумкин эмас, деди у бир дунё доридармонлар рўйхатини қўлига тутказар экан. Врачнинг ўша оғоҳлантиришларини Бахтиёр кейинчалик эслар экан, гоҳ кулгиси қистар, гоҳ энсаси қотар эди. Ахир бу дунёда ҳаяжонсиз, қайғусиз яшаб бўларканми?

Ҳарбийликдан келтирилган йўлланма шарофатидан Бахтиёр ўша муҳандислар тайёрловчи институт талабаси бўлди.

“Қуруқ чизиш-мизиш билан бундан буён тирикчилик қилиб бўлмайди, – дея яна пешгирлик қилди ўша амакиси, – келажакда нон топиб бера оладиган касбнинг этагидан тутган маъқул. Жуда чизгинг келса, инженер бўлиб ҳам бўёқ-мўёғинг билан шуғулланиб юраверасан.”

Аввал бошида амакисининг насиҳатлари Бахтиёрга ҳам жўяли туюлди, кейинчалик эса хато қилганини англади. Мусаввирлик санъатининг сеҳри йигитни бетиним ўзига чорларди. Бахтиёр ижара уйини кичик бир устaxonага айлантирди. Ўқишлар ўлда-жўлда қолди. Гоҳ у, гоҳ бу домланинг кўнглини топиб курсдан курсга ўтиб юрди. Аммо чизганлари ҳам тузук бўламанмади. Тўғрироғи, вилоят миқёсида унинг ишларини тушуниб, муносиб қадрлайдиган одам топилмади. Пойтахтга қатнаб асарларини муҳокама қилдиришга унда на пул, на фурсат бор эди. Шу орада узоқ бир қариндошларидан бирининг қизига уйланди. Ўз-ўзидан бўйнига олаҳуржун осилиб рўзғор билан андармон бўлди-қолди. Амал-тақал эришилган мутахассислиги бўйича иш сўраб бир-икки идорага бош сукдию, аммо ҳафсаласи пир бўлди. Иш йўқ. Димоғдор бошлиқлар олдига ҳар эгилган чоғи чўнтагидаги дипломининг

каттиқ қирралари кўксига ботиб-ботиб кетгани қолди, холос. Шу орада ҳарбийликдан орттирган касали яна бир бор енгил хуруж қилиб ўтди. Уч-тўрт кун даволанган бўлди. Ниҳоят, Арпасойнинг латланган қовунидай бўшашиб юрган шундай кунларнинг бирида омади чопиб қолди. Ушанда лўлилар маҳалласига яқин жойда, бефайз, арзон ошхонада илимиқ шўрва ичиб ўтирарди. Ўзидан андак наридаги, афтларидан қурувчи усталарга ўхшаш хўрандалар диққатини тортди.

“Хўжайин ҳақимизни бермаяпти,” – деди улардан бири нон бўлагини оғзига соларкан.

Шериги унга таажжубланиб кўз ташлади.

“Нега, уйини бош-адоқ қуриб бердиларинг-ку?”

“Беш хонага ҳам гул чизиб чиқишимиз керак экан.”

“Ичимизда рассомимиз йўқ демарингми?”

“Бригадада ҳамма мутахассисликдан одам бўлиши шарт эмиш.”

Бахтиёрнинг қулоғи динг қотди. Ҳатто, шундоққина қаншарига келиб кўнган ноёб тур капалакни чўчитиб юборишдан кўрққандек бир нафас дамани ичига ютиб ўтирди. Сўнг секин уларнинг ёнига ўтди, ўзини таништириб бехос уларнинг гапига қулоқ солгани учун узр сўради...

...Бир оздан сўнг довдираниб-ғудраниб ёнларига ўтирган, қорамғиз, сочлари хурпайган, озгин йигит рассом эканлигини билиб қурувчилар аввалига ажабланиб кўз уриштиришди, сўнг баббаравар илжайишди.

Ўшанда қурувчилар эмас, аслида тақдир табассум қилган экан. Бахтиёр ўз ишини топиб олди. Қурувчилар тўпидан рассом мақомида жой олиб не бир уйларнинг деворига манзаралар, нақшлар чизиш билан шуғулланди. Нозик дид, бетизгин хаёлот маҳсули бўлган чизмалар қарагани бир зум ўзига сеҳрлаб қўярди. Бахтиёр ён-атрофга тез танилди. Унга уйини безатишни истаганлар навбат талашиб қоладиган бўлишди.

“Сенинг истеъдодингни илгари ҳеч тан олмагандим, – деди ўша раҳнамо амакиси, кунлардан бир куни Бахтиёр унинг янги қурган иморатига чизиб берган нақшларга маҳлиё тикиларкан, – ана энди хунарингга беш кетиб ўтирибман, ука. Аввал бошидаёқ сени Тошкентга олиб бормаганимдан афсусдаман. Сенинг жойинг пойтахтда, ука. Ҳа, майли, ҳечдан кўра кеч деган ўрисларнинг мақоли бор. Энди Тошкентга борасан. Энг зўр рассомлар билан танишиб ака-ука киришасан. Ўша ёқда ишлайсан. Мен ўзим сенга ёрдам бераман. Кетишга тараддуд кўравер...”

Бахтиёр амакисининг меҳрибончиликларига илжайибгина қўйди. Унинг энди Тошкентга боргиси йўқ эди. Тўғрироғи, бу ердаги ишини, тузуккина тушумни, иззат-обрўсини кўзи қиймади. Ахир пойтахтга борса ҳаммасини нўлдан бошлаши керак. Э-ҳе-е, катта мусаввирлар даврасига кириб олгунча яна қанча тер тўкиши керак. Айни пайтда Бахтиёрнинг бунга тобу тоқати йўқ эди. Ахир бу ерда пул топаяпти, пул! Ҳам отасининг рўзғорини, ҳам ўзини боқаяпти. Ҳийлагина хароб бўлса-да, вилоят марказидан кичкинагина ҳовли сотиб олди. Ўзи ҳам анчагина тўлишиб қолди. Эски касали тузалиб кетгандай бўлди.

“Сиз юрак хасталиги бўйича ҳисобимизда турасиз, тез-тез бизнинг кўригимиздан ўтиб туринг,” – дея

зорланган маҳалла врачининг гапларига қулоқ солмай қўйди. Ҳатто баъзи бир бойвачча буюртмачилар ишдан сўнг берадиган зиёфатлардан гандираклар аранг қайтадиган бўлиб қолди. Майхўрликка ўргана бошлади.

Бир гал бадавлат бир қассобнинг иморатини пойдеворидан тортиб томига довури битириб, яхшигина даромад қилган бригада шаҳарнинг овлоқ бир чойхонасига бош суқди. Тевараги қуёқ дов-дарахт билан ўралган бу гўша бир қарашда хушманзара, тоза-озода кўринса-да, аслида исқирт, қўланса исли жой экан. Қурувчилар очиқишган эди. Бошқа чойхона топишга хафсала қилишмади. Тубида беш-олти челақ қорамтир сув қалқиб турган ҳовуз бўйидаги чорпоёга ўтиришди. Кўп ўтмай таом изидан таомлар тортилди, бўшаган май шишалари бирин-кетин чорпоё тагига юмалай бошлади. Ҳовуз бўйини ғала-ғовур, мастона қийқириқлар, кулгилар тутди. Шом кўнар-кўнмас бошланган базм то тун ярмига довури давом этди.

Ўша куни Бахтиёрнинг таъби майга кўп тортмади. Икков ора-икков ора бўлиб, аллақандай икир-чикирлар ҳақида гаплашиб, баҳслашиб ётган даврани маъюс кузатиб ўтирарди. Ногоҳ унинг кўзи ҳовуз тубидаги кўлмақда балқиб турган юлдузларга тушди. Исқирт бир кўлмақда балқиб турган юлдузлар! Тун! Қоп-қора, мотамсаро дарахтзор! Кўрганлари Бахтиёрга сирли бир ҳикматлар сўйларди, фикратига сирли бир ишоралар қиларди. Унинг юрагида таниш, жуда таниш тўлқин кўтарилди. Лаззатли бир изтироб бутун шуурига силқиб кирди.

“Буни қарангла-ар!” – Беихтиёр қичқириб юборди у.

Теварагидагилар аввал рассомга, сўнг у ишора қилиб турган томонга кўз ташлашди.

“Нима? Нима гап?”

“Тинчликми?”

“Бирор нима ҳовузга тушиб кетдимми?”

Айниқса энг сўнги сўров Бахтиёрни баттар ҳаяжонлантриб юборди:

“Ҳа, қаранглар! Кўлмакка бир ҳовуч юлдуз тушиб кетибди!”

“Эҳ, бор-йўғи шуми, мен нима бало экан деб ўйлабман,” – деб мастона пўнғиллади бригадир.

Бошқалар ҳам ҳафсаласи пир бўлган кўйи ғудраниб қўйишди.

Шу тоб... шу тоб Бахтиёр теран бир туйғудан титраб кетди: ҳамиша ҳамдам, ҳамқадам, ҳамшиша мана шу одамлардан у нақадар узоқ! Нақадар бегона булар унга!

Бахтиёр бир интилиб дастурхон ўртасида турган, ичидаги ичкилик яримлаб қолган шишани бўғзидан тутди, четлари учган пиёлага тўкиб-сочиби ароқ қўйди. Сўнг довдираган кўйи тахир таъм суюқликни сипқориб юборди. Ўз-ўзлари билан овора, бир-бирига қулоқ солмай гапириб ётган шериклари унга деярли эътибор беришмади.

Бахтиёр қаршисидаги қоп-қора бўшлиққа маъюс-маҳзун тикилган кўйи жим қолди. Бир пиёла лиммо-лим ичкилик ҳам у истаган мўъжизани бермади. Ёлғизлик, теваракка бегоналик ҳисси уни тарк этмади. Бўғзини куйдириб хўрлик, алам тошиб кела бошлади. Бахтиёр хўнграб юбормаслик учун лабларини қимтиб, қўлт-қўлт ютинди. Аммо уринишлари бесамар кетди. Ав-

валига кўзларидан аччиқ ёш сизиб оқди, сўнг... туйқус бўғзидан бўғиқ бир сас отилиб чиқди. Маст-аласт шериклар ялт этиб у томон ўгирилишди.

“Ҳа, нима гап?! Тинчликми?”

“Бирор жойингиз оғрияптими?”

“Кайфи ошиб қолдими дейман.”

Ҳамшишаларнинг бири қўйиб-бири олиб кетмакет сўроққа тутишлари, турткилаб-торткилаб овутишга уринишлари Бахтиёрнинг баттар хўрлигини тоширди. Ёғ, бўёқ иси қоришиб кетган кафтларини юзига босиб баралла хўнграшга тушди.

“Нима бало, ақлдан оздими бу?!”

“Маишатнинг ҳам белига тепди.”

“Тўғриси, шу рассомимизга умуман тушунмадим.

Бир қарасанг соатлаб лақиллаб гурунг беради, бир қарасанг кун бўйи миқ этмай хаёл сурадими-ей, ғамга ботиб юрадими-ей....”

“Ким билади, ичида бир дарди бўлса керакда бечоранинг.”

“Давай, уни хўнгилабмай тезроқ уйига олиб бориб ташлайлик.”

Ўша тунда Бахтиёрнинг касали яна хуруж қилди.

“Ана айтмадимми, тез-тез кўриқдан ўтиб туриш керак деб. Сиз эса бўкиб ичиб юрибсиз” – деди маҳалла врачлари, унинг товушида безовталиқдан кўра тантана кўпроқ эди.

Бахтиёр ўн кунча вилоят касалхонасида даволаниб чиққан бўлди. Кетар чоғи дўхтирлар одатдагидай тайинлашди: “Сизга қаттиқ таъсирланиш таъқиқланади. Спиртли ичимликлардан мутлоқ узоқроқ юринг.”

Бахтиёр одатдагидай бош ирғаб қўйди. Ўша тунда кўрган манзараси ҳали-ҳануз унинг кўз ўнгида турарди. Касалхонадан чиқиб оқ мўйқалам тутишни мўлжаллаб юрарди.

“Агар шуни ҳам эпласам, иккита зўр картина бор бўлади!” – хаёлидан ўтказди у. – Кейинроқ Тошкентга олиб бораман. Энг машҳур рассомларга кўрсатиб мақтанаман. Йўқ, йўқ, бира тўла пойтахтга кўчиб кетаман. Фақат ижод билан шуғулланаман. Унгача иқтисодни тиклаб оламан, уч-тўрт йил ишламасам ҳам рўзгорим кечадиган даражада маблағни ғамлайман.”

Бахтиёр вилоят марказидан олган уй болохонали эди. Унга айниқса шуниси маъқул бўлганди. Бахтиёр болохонани ҳафсала билан таъмирлаб, ўзича устахонага айлантириб олди. Аҳён-аҳён елкасига тўнни елвагай ташлаб унинг ёғоч зиналарини ғижирлатиб юқорига кўтариларкан, ўзини даҳо мусаввирлардек ҳис қилар эди.

Аммо Бахтиёрнинг ўйлаганлари орзулигича қолиб кетди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас қурилиш-таъмирлаш оламида “евроремонт,” “туркча фасон,” “японча фасон” деган усуллар кенг урф бўлдию, уйларга гул чиздириш, нақш урдириш эътибордан қолди. Бахтиёрнинг бўсағасидан мижозларнинг оёғи узилди. Тирикчилик ташвиши бутун залвори билан яна унинг устига қулади. Ҳовли-жойни қайта қуриб олиш ниятида йиғиб қўйган жамғармалари ҳам йил ўтар-ўтмас соб бўлди. Бахтиёр гангиди. Қишлоғи сари жонсарак юзланди. У бир пайтлар, топармон-тутармонлик пайтлари, хотинининг не бир ҳай-ҳайлашларига қарамай қавму қариндошларига саховат кўрсатган, тўйю маъракаларида очиқ қўллик билан хизмат қилган эди. Аммо улар-

дан мурувват бўлмади. Ҳатто катта янгаси безрайганича чақиб олди:

“Пул топиб биз билан беминнат бўлишгансиз деб қувониблар юргандик, лекин... бир кун келиб берган уч-тўрт сўмингизни пеш қилиб келасиз деб ўйламагандик...”

Бахтиёр ялт этиб янгасига, унинг ёнида сўнариб турган акасига қаради. Ахир у бир пайтлар кўрсатган кўмаги ҳақида оғиз ҳам очмаган эди! Шунчаки, озгина қарз сўраган эди, холос! У чуқур бир хўрсиниб, ҳеч нима демай, уйдан чиқиб кетди.

Ўша раҳнамо амакиси эса унинг озгин-тўзгин лошини кўргандаёқ сергак тортиди. Иши юришмай, тирикчилиги кечмай қолганлиги ҳақидаги узундан-узоқ шикоятини оҳ-воҳ билан эшитди. Сўнг кўзларини ярим юмиб, хумдай бошини оҳиста чайқаган қўйи минғирлади:

“Сени дунёга машҳур рассом бўлиб кетасан деб ўйлагандим. Лекин гўрга ҳам бормадинг. Бўш-баёвлинг панд берди...”

Амакининг иддаолари жон-жонидан ўтиб кетди. Аммо қайсарларча ўрнидан туриб кетишга нималардир монелик қилди. Гўёки елкасидан улкан тоғ босиб тургандек эди.

“Майли, уриб-сўкиб бўлсаям озроқ пул берсин,” – хаёлидан ўтказди у ердан кўз узмай. Аммо бу ўйдан юрагининг қай бир нозик томири чирт этиб узилгандай бўлди.

Амаки Бахтиёрнинг кўнглидагини пайқади-ёв, ҳар қалай афт-ангорини тириштириб чўнтак кавлади. Бахтиёр қариндошиникидан қувониб қайтди.

Отаси эса унинг йўқлаб боришини кутиб ўтирмади. Невараларини кўриш баҳонасида шаҳарга тушди. Аммо эси-дарди ўғлида эканлиги шундоққина юз-кўзидан билиниб турарди.

“Болам, кўрамда уч-тўртта кўтарам қўйим бор, хоҳласанг бир оз боқиб семиртир, хоҳласанг шу ҳолича сотиб юбор, тирикчилигингни ўнгла,” – деди у ўғлига беадоқ ҳасрат билан тикилиб.

Бахтиёр шу алфозда олти ойча кун кўрди. Сўнг эски бир танишларини ўртага қўйиб, ялиниб-ёлвориб шаҳардаги қўшма корхоналардан бирига маданий-маърифий ишлар бўлимига ўрнашди. Ҳар хил ширлар, ҳикматнамо, мақолнамо гаплар битилган панолар тайёрлаш, лозим жойларга суратлар, йўриқномалар чизиш каби майда-чуйда вазифалар унинг зиммасига юклатилди.

“Ҳозирча синов муддати билан оламиз, маошингиз камроқ бўлади, – деди хўппа семиз, юз-кўзларига аёвсиз упа-элик чапланган аёл, – ишингиз маъқул бўлса, уч ойдан сўнг штат бўйича ҳақингизни олаверасиз...”

Ўшанда кеч кузнинг изғиринлари изғиб турарди. Совуқ. Лекин Бахтиёр қувончдан қони қизиб, кўзларида ўт порлаб уйига қайтди. Хотинига кўнгли ийиб, меҳр билан тикилди: “Матлуба, сенга раҳмат. Қийинчиликларга сабр қилдинг, камимни яшириб, кўпимни кўпиртиб кўрсатдинг.”

“Қўйинг-е, – деб пичирлади Матлуба, эрининг эриб, эркалаб қарашларидан хижолатланиб. – Нон топиб келаётган сиз-ку, мен бир ташвишингизни мингга кўпайтиришдан бошқасига ярамаётган бўлсам...”

Ўша қўшма корхонага ишга ўрнашган куни Бахтиёр учун чинакам байрам бўлди. Хотини иккиси болаларни

сайрбоққа олиб чиқишди. Кечқурун уйда ош дамланди. Хуш ҳол ўрин-тўшакка чўзилишди, аммо... тун ярмида туйқус Бахтиёрнинг уйқуси қочди.

Кун бўйи юраги тошиб, қувончга қоришиб, ҳаяжонга кўмилиб юрди-я?! Нега?! Нима учун?! Бор-йўғи аллақандай корхона бўёқчиликка олгани учунми?! Наҳотки, шу даражада майдалашиб кетди?! Наҳотки, шу қадар ожиз ва нотавон одамга айланди? Чизиш-бўйаш юмушини эплайдиган кадр керак экан, ана, ишга олишди, шунга нима? Манглайида даҳолик юлдузи порлаб тургани учун унга талпинишгани йўқ. Аксинча, у талпинди, ялиниб-ёлворди ўшаларга! Қандай миннатдорчилик изҳор қилишни билмай қийналди, қийпанглади! Ўша мутасаддилар уни иқтидори, истеъдоди учун арши аълога кўтаришгани йўқ, шунчаки, синов муддати билан хизматга олишди, холос. Тинкангни қуритиб ишлатишади, миннату иддаолар, бетийиқ амру фармонлар билан хўрлашади, сўнг худди лайча олдига суяк ташлагандек, кўлингга ўша моянганни тутқазишади. Судралиб уйга қайтасан! Судралиб яна ишга борасан! Бир умр шундай! Бир умр судралиб ўтасан! Шунинг учун беҳад қувониб юрибсанми?! Орзуларинг шуми сенинг!

Бахтиёр шундай изтиробли ўй-хаёллар исканжасида эзилиб ўрнидан турди. Куёвлиқдан қолган тўнига бурканиб ташқарига чиқди. Қуруқ совуқ беаёв забтига оларди. Аёз қисган осмонда юлдузлар дийдирабгина кўринарди.

Бахтиёр ёғоч зиналарни ғижирлатиб юқори кўтарилди бошлади. Болохона! Мана унинг дунёси! Мана орзулари олами! Товуқ кўноғидек кичкинагина устахона! У пайсалланиб лампа-чиروқни ёқди. Пастак, ҳар хил бўёқ ва қиринди иси қоришган ҳужра тилла тусда ёришиб кетди. Бу ерда мусаввирлик ашқол-дашқоллари тўзғиб ётибди. Ўртада мольберт. Чекада чанг босган, уйнинг аввалги эгасидан қолган диван. Чала чизилган сурат. Ҳувв, чойхонада ҳаяжонлантирган манзара. Бахтиёр уни тугатишга улгурмаган, яна тирикчилик ташвишларига андармон бўлиб кетган.

Бахтиёр худди биров кўриб қолишидан кўрққандек теварагига тезгина аланглаб олди-да, бурчақда қийшайибгина турган, токчаларига китоблар, журнал-газеталар тахланган жавон ортига қўл чўзди.

У ҳамшиша шундай қилади. Ҳориган, безиган, эзилган кезлари худди шундай болохонага чиқиб келади. Жавон ортига яшириб қўйилган, бўзга ўроғлиқ картинани ҳужра ўртасига оҳиста олиб, оҳиста очади. Кўнгли ёришиб, юз-кўзига табассум ёйилади.

Мана, унинг бебаҳо бойлиги! Юраги! Қувончи! Соғинчи! Нажоти! Орзу-умидлари! Унинг умри!

Бахтиёр бу картинасини талабаликнинг сўнги йилида, бир ойча ижара уйдан чиқмай чизган эди. Гарчанд бу ишини ҳозирча ҳеч кимга кўрсатмаган, ҳеч кимга баҳолатмаган бўлса-да, фавқулудда ноёб бир санъат асари яратиб қўйганини ич-ичида ҳис этарди. Асарини ҳар гал кўрганида кўнглида ҳаётга ишонч ва умид қабарарди. Ҳорғинлиқда чарчоғи тарқаб, тушкунлиқда руҳи кўтарилиб, кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиларди. Шунинг учун ҳам ғам-ғусса исканжасида қолган кезлари, елкасига тўнини ташлаб, худди кўк тоқига йўл олгандай, виқору салобат билан секин болохонага кўтарилар эди.

Унинг болохона томон юзланаётганини кўрган хотини ҳам ич-ичида қувонади. Чунки у тушкун, афтодаҳол эри юқоридан енгил тортиб, кўзлари илҳомдан чақнаб тушишини, худди сеҳрли гиёҳлар шарофатидан соғайган бемордай яшнашини жуда яхши билади.

Аммо ўша тун Матлуба эрининг туйқус болохонага чиқиб кетганини пайқаб ажабланди. Ахир ишга кириб, димоғи чоғ, вақти хуш бўлган эди-ку?! Нега яна ташвишланиб қолди?

Ўзи билан ўзи андармон Бахтиёр албатта, хотинининг безовталигини пайқамади. Ўша тун болохонада одатдагидан кўпроқ қолиб кетди.

Афсуски, кўшма корхонадаги фаолият ҳам узоққа чўзилмади. Эндигина синов муддати тугаб, оғзи ошга етган маҳали, арзимаган англашилмовчилик касофатига йўлиқиб ишдан ҳайдалди.

Фалокат баҳорнинг илк кунларида рўй берди. “8-март – Халқаро хотин-қизлар куни! Айём муборак аёллар!” деган битик тайёрлаб пештоққа илиб қўйиш маъмурият томонидан буюрилди. Бахтиёр туни билан ишлаб ҳаммасини рисоладагидек бажарди. Аммо... чарчоқ касриданми, ё одатдаги паришонлиқданми, ҳар нечук узундан-узоқ битикдаги сув-ҳаводай зарур яккаю ягона “з” ҳарфи тушиб қолибди! Бу касофат етишмовчиликни эртаси куни маъмурият пайқаб қолганда... анча кеч бўлган, корхона эшигидан кириб келган ҳар бир одам битикка кўз ташлаб улгурган эди. Дарҳол рассомнинг аризаси олинди.

Бахтиёр корхона дарвозасидан сўнги бор мунгайибгина чиқаркан ўша тунги изтиробли ёзгиришлари лоп этиб эсига тушди: “Ношукурчилигим учун Худо мени жазолади-ёв...”

Жазонинг беаёвлари ҳали олдинда экан. Бахтиёр учун яна жонсарак кунлар бошланди. Қарзга ботди. Қариндошлар олдида сўнарди. Шу орада кимдир бирор бир таҳририятга иш топишни маслаҳат бердию, Бахтиёр ўшандай жойларга бош суқиб кўрди. Бош суқдию таҳририятларда рассомларга у қадар эҳтиёж йўқлигига тезгина амин бўлди.

“Илгарги замон бўлганда сизни бажону дил ишга олардим. Аммо-лекин... ҳозир ҳаммаёқ компьютерлашиб кетди. Менга компьютерларни зўр биладиган дизайнерлар керак...”

Бахтиёр бу ғаройиб анжомнинг сиру синоатидан беҳабар эди. Лекин бир оз кунт билан ҳаракат қилса, тузуккина ўрганиб олишига ишонарди. Ҳатто шу ниятда компьютер марказлари теварагида тимирскиланиб кўрди. Ва билдики, бу ҳам анчагина вақт, харажат талаб қиладиган машғулот экан. Ҳафсаласи пир бўлди-қолди.

Эни тушиб, этаги судралиб юрган шундай кунларнинг бирида кутилмаган учрашув рўй берди.

Ўшанда Бахтиёр эски қурувчилар бригадаси билан топишиб, уларнинг баъзи бир юмушларига қарашиб, икки-уч танга чой пули ишлаб, тинка-мадори қуриб уйига қайтиб келмоқда эди.

Ёз чилласи ҳовур пуркарди. Шаҳар ўт ёқилган тан-дирдай қизиб ётарди. Тирик жон ўзини соя-салқинга урган. Йўлларда қатнов сийрак.

“Бахтиярчик!”

Муюлишларнинг биридан эндигина қайрилган Бахтиёр ўз исмини эшитиб атрофига аланглади. Одат-

даги паришонлиги касридан аввалига дабдурустдан ҳеч кимга кўзи тушмади, сўнг... пастқам дўкон биқинида бир бурдагина бўлиб ўтирган нуххани пайқаб, унга таажубланиб тикилди.

“Что, меня не узнаёшь, – дея тагин гап қотди ўша нухса. – Я же Георгий, узнал. Ну-ка, подайди ко мне.”

Георгий! Наҳотки манави тасқара ўша рассом! Афт-ангори кир-чир, соч-соқоллари ўсиқ, устида чувринди кийим.

“Мени болалигимда бир мартагина кўрган, – ўйлади Бахтиёр бўшашиб юринаркан, – Э-хе-е, орадан қанча йиллар ўтиб кетди. Қизиқ, мени қандай таниди у?!”

Георгий ялпайган жойидан жилмай унга тикилиб турарди. Бахтиёр одатдаги такаллуф юзасидан илжайди, қуюқ саломлашиш учун оғиз жуфтлади.

“Кажется, ты удивляешься, что я узнал тебя? – деб қолди дабдурустдан Георгий, – искра гениальности тебя на лбе блестит!

Бахтиёр русча гапиришга нўноқ бўлса-да, лекин тилни тузуккина тушунарди. Дайдининг эътирофи унга мойдай ёқди.

“Здравствуйте, Георгий ака,” – деди кўришиш учун қўл чўзиб. Лекин дайди алиқ олмади. Ҳатто Бахтиёрнинг узатган қўли ҳавода муаллақ қолди.

“Рисуешь?” – дея яна дабдурустдан сўради Георгий, унга синчков-саволчан тикилиб.

Бахтиёр каловланди. Нима деб жавоб беришини билмади.

“Оз-моз ҳаракат қиялпман,” дейишга оғиз жуфтлаб русча керакли сўзларни изладию, аммо... қаршисидаги бир жуфт кўзлардан сеҳрлангандай лол қотиб қолди. Улар ҳеч қачон аллақандай исқирт дайдиникига ўхшамас эди. Бу кўзлар мавжланаётган мовий денгиздек эди. Йўқ, бир жуфт гавҳар мисол товланиб, порлаб турарди. Ғуборсиз осмондай тип-тиниқ эди бу кўзлар! Ҳойнаҳой, ҳаётдан мамнун-масрур одамнинг кўзларигина ана шундай чарақлаб туради.

“Что умолк? – деди Георгий бир ғимирлаб кўяркан, – я спросил: рисуешь или нет?”

“Да...” – Бахтиёр аҳён-аҳён мўйқалам юргизиб турганини амал-тақал тушинтирган бўлди.

“Готовая картина есть у тебя?”

Бахтиёр яна саросималанди. Бир дона бор дейишдан уялди, қолаверса, уни бировларга кўрсатишни истамасди, қандайдир қизганарди. Лекин шу тобда шундоққина пайдо бўлиб қолган етук мусаввирга ишини кўрсатиб, унинг фикрини билиш истаги ҳам кўнглида ғимирлаб қолди. Шунинг учун ҳам:

“Ҳа, бир дона бор,” – деди ғудраниб.

Георгийнинг кўзлари мовий-яшил рангларда товланиб кетди.

“Можно мне посмотреть, покажешь?”

Бахтиёр унинг исқирт уст-бошига киши билмас разм солиб чиқди. Бундай дайдинамо нухса билан шаҳар кўчаларида етаклашиб юришга ийманди. Бироқ барибир ўша қизиқиши қитиқлаб қўймади.

“Бўпти, юринг уйга борамиз,” – деди андак иккиланиб тургач.

Георгий бир қарашда бир пайтлар отаси олдига солиб берган кўтарам, кўтир қўйга ўхшаб кўринса-да, фавқулудда тетиклик билан дик этиб ўрнидан турди.

Хайрият, ўша куни хотини, болаларини олиб қишлоққа тўй-тўйлаб кетишган экан. Йўқса, эри эргаштириб келган мавжудотни кўриб эсидан айрилиши мумкин эди.

Георгийга Бахтиёрнинг харобгина ҳовлиси, айниқса, болохонаси ёқиб қолди.

“Самое подходящее место для творчества, для художника,” – деди тевааракка аланглаб.

Бахтиёр унинг сўзларига деярли эътибор бермади. Ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётган маҳбусдек титрар, юраги гурс-гурс ураб эди.

“Вот... – деди у аранг, лаблари ҳаяжондан қуруқшаб, жавон ортидан картинасини олиб, эски диванда ялпайиб ўтирган Георгийнинг қаршисига кўяркан.

Кекса мусаввир афтидан Бахтиёрнинг ҳол-аҳволини пайқади.

“Иди, пока погуляй где-нибудь минут десять, – деди ҳамдард бир оҳангда, – сам разверну и посмотрю.”

Бу таклиф ҳаяжон ва ҳадикнинг зўридан ичаклари бўшашиб безовта қилаётган Бахтиёрга айни муддао бўлди. Шу заҳотиёқ елка қисиб, юз-кўзларини кафти билан бекитиб пастга отилди. У бир пайтлар ўзига ардоқли бўлиб қолган улоқни қурбонлик учун шайлашган чоғ шундай аҳволга тушган ва шу ҳолатда дашт томон чопиб кетган эди.

Йўқ, орадан ўн эмас, ўн беш дақиқалар ўтди. Ҳожатдан чиқиб, ўзини анча босиб олган Бахтиёр бир-бир босиб яна болохонага кўтарилди. Георгий ўша картина қаршисида ёниб адо бўлаётган шамдек қийшайган кўйи қотиб ўтирарди. У ботинмайгина болохонага бош суққан Бахтиёрни пайқамади. Шу алфозда тагин икки-уч дақиқа турди, сўнг туйқус уйғонган каби илқис биқинига ўгирилди. Ўсиқ соқол-мўйлов орасида гира-шира кўриниб турган оғзини ним очиб, Бахтиёрга умрида илк бора кўриб турган мўъжизага боққандек боқди. Сўнг оҳиста пичирлади:

“Ну-ка, дай лапу.”

Бахтиёр индамай ўнг кўлини узатди. Георгий уни оҳиста оғзига яқинлаштириб ғудранди:

“Надо целовать такие руки...”

Ёқимли муждадан мумдай эриган Бахтиёр Георгийнинг ўсиқ туклари қўлига игнадек санчилганини у қадар пайқамади.

Кекса мусаввир бир оз сурилиб ёнига ишора қилди. Бахтиёр эски диванни ғижирлатиб ўтирди. Георгийнинг андак намланган кўзлари янада тиниқ тортиб, шишадай йилтиллаб турарди.

“Прекрасная работа! Бесценная картина! Когда нарисовал это?”

“Давно...” – деди Бахтиёр минғирлаб.

Георгий ўнг биқинини ковлаштириб чувринди кийимларининг қай бир тешигидан ийғаланган сигарет қутисини олдида, андак титраётган бармоқлари билан уни очди. Қути ичида, афтидан, у-бу ердан териб олинган бўлса керак, уч-тўртта чала чекилган сигарет қолдиғи қалашиб турарди. Георгий улардан бирини шошилмай лабига қистириб тутатди.

“Но... я не могу тебе чего-нибудь посоветовать... лишь одно могу сказать: ты должен работать, ты должен творить.”

Бахтиёр русча керакли сўзларни тергилаб, тирикчилик қийнаб қўйганини, ўзини моддий жиҳатдан ўнг-

лаб, сўнг буткул ижод билан шуғулланиш ниятида эканлигини, лекин ҳозирча ҳеч имконият бўлмаётганини айтишга чоғланиб эмранди.

Георгий бош чайқади. Афтидан, у Бахтиёр оғиз очмасданоқ нима демоқчи эканлигини англаган эди.

“Слушай... – деди у ўйчан тебраниб, – красота, искусство требует жертв... Художник всегда должен быть готовым этому... Так суждено Богом. Настоящий, гениальный художник не должен искать, ждать благ от жизни. Его талант, его свойство есть благо, есть дар Бога.”

“Бундай марҳаматнинг менга нима нафи бор, – деб юборди Бахтиёр хўрлиги келиб, – шахсан ўзим учун ҳеч қандай талабим йўқ, лекин бола-чақамни боқишим керак.”

Георгий унга хаёлчан термилиб қолди. Унинг ҳалигина чақнаб турган кўзлари алланечук хира тортган эди. Бир оздан сўнг оғир хўрсиниб ўрнидан турди.

“Ладно... по-моему, ты ещё не осознал смысл искусства, творения. Да, кстати, – кекса мусаввир Бахтиёр шоша-пиша матога ўраётган картинага ишора қилди, – не смей это продать или кому-либо подарить, ведь эта твоя жизнь.”

Георгий кетди. Бахтиёр унга нариги муюлишгача кузатиб қўйган бўлди.

Шаҳар ҳали-ҳануз ҳароратдан ҳансираб ётарди. Катта йўл бўйлаб елиб ўтаётган автолар, ғира-шира ҳовур ортида худди эриб бораётгандай туюлади. Қай бир ҳовли олдига кўлоблатиб сепилган сувдан намикқан тупроқ иси димоқларга урилади.

Бахтиёр уйига кўнгли хижил бўлиб қайтди. Шундай мусаввирни меҳмон қилолмадим, аҳволини кўра-била туриб, ҳеч қурса, кўлига уч-тўрт танга тутқазолмадим деган ўй уни қийнарди. Кейин англадики, буткул бошқа нарса уни исканжага олиб эзфилаётган экан: Георгийнинг туйқус сўнарған кўзлари, хўрсиниқлари!

Бахтиёр бўшашиб ҳовлисига кираркан, қария ишора қилган ўша хатоларини англаб олишга уринар, лекин тузукроқ хулосага келолмай тажанглашар эди.

“Аслида Георгийни уйга бошлаб келмаслигим керак эди,” – деб ўйлади даҳлиздаги кўрпача устига беҳол чўзилиб у.

Ҳа, ҳа, йўл қўйилган энг катта хато шу! Фикр олмоқчи бўлдилар, тўғрироғи, эътирофини эшитмоқчи бўлдилар. Ана, асарини мақтади, кўкларга кўтарди. Нега энди қувончдан ирғишламаяпти, осмону фалакка парвоз қилмаяпти? Дарвоқе, асари Георгийга ёқмаганда-чи, дейлик, рассом уни ерга уриб танқид қилганда-чи? Хўш, ўшанда қандай чора кўрарди? Суратни оловга ташлармиди? Ё бурдалаб улоқтирармиди?!

“Йўқ, асло! – Бахтиёр беихтиёр ғудранганича қад ростлади, юраги гурс-гурс урарди, – ахир у менинг ҳаётим, борлиғим! Георгий ҳам шундай деди. Шу гапнинг ўзи асарига энг аъло баҳо.”

Бахтиёр яна кўрпачага чўзилди. Хом ғиштдан қурилган, пасттакина даҳлиз анча салқин эди. У бир оз мизғиш илинжида ғужанак тортди. Чиндан ҳам кўзи илинган экан. Қанча ухлаганини билмайди, бир пайт енгил ғала-ғовурдан уйғониб кетди. Қараса, болалари теварагида ўтириб, унинг ухлашини томоша қилишяпти. Ўғилчаси қиқир-қиқир куляпти. Катта қизи уни жим бўлишга ундаяпти.

“Дадажон, биз келди-и-ик!” – дея қийқирганича кичик қизи унинг бағрига отилди. Қолганлари ҳам шўхшодон унинг бўйнига осилишди.

Болалар! Унинг болалари! Қанчалар нодон, қанчалар олчоқ у! Боягина аллақандай дайдига шу жажжиларни боқаётганини айтиб ҳасрат қилди-я?! Шу дардисарлар бўлмаса, зўр рассом бўлиб кетардим, деб ўкинди-я?! Миннат қилди-я?! Қанчалар ёвуз, қанчалар худбин у?!

Бахтиёрнинг кўзларига беихтиёр ёш қалқди. Хўнграб юбормаслик учун қизчасининг патила-патила сочларига юз босди.

Ўша тун касаллик яна хуруж қилди. Саҳарга яқин уни “Тез ёрдам” олиб кетди. Хотини оёғи куйган товукдай у ён-бу ёнга чопди. Ёрдам сўради. Ўша эски бригадаси оқибат кўрсатди. Бахтиёрни ёлғиз ташлаб қўйишмади. Рўзғорига ҳам ғамхўрлик қилишди.

Бахтиёр бу гал анча узоқ даволанди. Муолажалар тугагач, олиб кетиш учун хотини келди. У анча тушқун ва безовта эди. Бахтиёр ажабланиб уни саволга тутди. Матлуба ҳиқ-ҳиқ йиғлашга тушди. У палатага киришдан аввал врачга учрашган эди.

“Эрингизни эҳтиёт қилинг, агар касали яна хуруж қилгудек бўлса... ҳаётига кафолат йўқ,” – деди даволловчи врач минг бир чайналиб...

Шу нарса уни қаттиқ қайғуга солганди. Аммо Матлуба эшитганларини эрига айтмади. “Шунчаки, сизсиз қийналганимиздан йиғлаяпман,” деб минғирлаб қўйди.

Бахтиёр яна ўша бригадага бориб қўшилди. Қўшиларкан бир пайтлар уларни ўзига бегона санаб ўкиниблар юрганидан уялди. “Шулар кунингга яради-ку, шуларгина сенга, оиланга парвона бўлди-ку?!” – деган ички хитоб билан тез-тез ўзини тергаб, танбехдошномларга кўмиб ташларди. Аммо бу ҳол иштаҳа тортмаган таомни соғлиққа фойдали деб егандай бир гап эди. Бахтиёр бўйнига бўйинтуруқ солинган қирчанғидай аранг судралиб ишга борар, қурувчиларнинг саёзсийқа гурунглиридан дарров зерикар, бир ёқларга бош олиб қочиб кетгиси келар эди. Аммо... начора. Осмон узоқ, ер қаттиқ. “Йўқ, бунинг ҳаммаси вақтинча, – деб гоҳо ўз-ўзини овуларди у, маҳмадона сувоқчига ёрдамлашиб юраркан, – тез орада кетаман бу ердан! Ўзимга муносиб иш топаману, кетаман.”

Ҳа, ҳа, тез орада бу ерлардан кетиши тайин бўлиб қолди. Лекин... бригада билан. Афтидан, қисматида қурувчилик қайд этилганга ўхшайди.

“Келгуси йил май ойларида Россияга жўнаймиз, – деб қолди бир кун бригадир, – хоҳласангиз биз билан юринг. Сиз боп юмуш ҳам топилиб қолар. Фақат хаёлпарастликни ташласангиз бўлди.”

Бахтиёр манглайда қотиб қолган қоришма юқини ўйчан ишқаларкан, бош ирғаб розичилик билдирди. Ҳатто бу сафардан қанча даромад қилишини чамалаб анча ҳовлиқиб қолди. Аммо олдида турган олис сафарнинг ҳам нағмалари кўп эди. Аввало йўл кира учун пул топиш керак. Рўзғорга ҳам икки-уч ойга етгулик маблағ ташлаб кетиш зарур.

Бригадир лутф этган пайтлар ҳали баҳоргача узоқ эди. Бахтиёр мўъжиза рўй беришини, кўзлаган маблағи топилиб қолишини кутди. Аммо мўъжиза рўй бермади. Лоп этиб баҳор ҳам келиб қўйди. Бутун борлиқ яшил-

ликка бурканаётган бир пайтда Бахтиёр гоҳ унинг, гоҳ бунинг эшигида сарғая бошлади.

Мана, бугун кадрдон, ҳамсабоқ дўсти Ўктамни кўзлаб келган эди. Бундан ҳам қарз ундира олмади. Дўсти йиғлаб келганининг олдига хўнграб чиқди.

Бахтиёр шундай эзгин ва оғир хаёллар оғушида кўча бўйида, қари тут дарахтининг қуриган, буришган танасига суянган кўйи анча туриб қолганини пайқади. Илкис уйқудан уйғонган одамдай кўзларини катта-катта очиб теваракка аланглади.

Баҳор қуёши шитоб билан уфқ сари оғиб борарди. Осмоннинг у ер-бу ерида ярага босилган пахтадай паға-паға булутлар сузиб юрибди. Кўча-кўйда қатнов авж. Автолар чинқириб ўтиб-қайтарди.

Бахтиёр нариги тарафдаги бекат томон ўтишга шайланди. Шу пайт орқа тарафда, ҳозиргина у чиқиб келган дарвоза дарчаси ғийқиллаб очилди.

– Эй, Бахти, шошма!

Бу Ўктамнинг овози эди. Бахтиёр ялт этиб унга қаради. Кўзларида умид учқунланди.

“Барибир дўстим-да, – хаёлидан кечди унинг, – қуруқ қайтаришга кўзи қиймади-ёв...”

Ўктам лапанглаган кўйи етиб келди.

– Хайрият, ҳали узоқлашиб кетмапсан...

– Шошилаётган жойим ҳам йўқ.

Ўктам оппоқ, семиз бармоқларини мушт қилиб даҳанига бир-икки текизди. Одатда у гўёки муҳим бирор гап айтмоқчи бўлса шундай қиларди. Бахтиёр буни ўша талабалик даврлариданоқ яхши билади, сергаланиб дўстининг оғзини пойлади.

– Биласанми... – деди Ўктам алланечук ийманган оҳангда, – сен чиқиб кетган пайтингда Тошкентдан яқин жўрам кўнғироқ қилиб қолди. Ўта ишончли бизнес ҳамкорларимиздан. Гап айланиб бугунги янги бойлар ҳаётига бориб тақалди. Дўстим айтдики, бугун элита ўртасида санъат асарларини йиғиш аънаанага айланибди. Қўлда тўқилган гиламлар, тақинчоқлар дегандай. Айниқса рассомларнинг картиналарига қизиқиш катта эмиш. Ҳатто, энг ноёб, энг ҳалиги... нимаиди... хуллас, энг зўр суратларни ким кўпроқ йиғиш бўйича мусобақа бор эмиш...

Ўктам муштини яна даҳанига тегизиб энгил томоқ қириб қўйди. Дўстига синовчан-саволчан тикилди.

– Шу гапни айтиш учун ортимдан югуриб чиқдингми? – деди Бахтиёр ҳафсаласи пир бўлиб.

– Ўйловдимки, бу хабар сени қизиқтиради деб... ахир, бир пайтлар чизардинг, балки ҳозир ҳам чизиб юргандирсан.

– Хўш, шунга нима?

– Нима эмиш... Тайёр асарларинг бўлса сотамиз.

Бахтиёрнинг ногоҳ кўз ўнгида ўша картинаси жонланди. Баданидан нимадир ўрмалаб ўтгандай бўлди.

– Йў-ў... сотмайман, – деб юборди у беихтиёр. Аммо товуши шу қадар заиф ва ишончсиз чиқдики, ундан ўзи ҳам қўрқиб кетди. Одатда чарчаган, эзилган ва безиган кишининг овози шундай чиқади.

– Наҳотки менга ишонмасанг, – деди Ўктам дўстининг қаршилигини ўзича тушуниб, – нарсангни сотсанг, бир тийинига ҳам кўз олайтирмай қўлингга тутқазаман. Сен мени тўғри тушунгин, мен... просто сенга ёрдам бергим келяпти.

– Йў-ў... сотмайман.

Бахтиёрнинг бу гап ҳам саси аввалгисидан баттар ожизона эшитилди. У худди нажот сўрагандай орқага тисарилиб яна ўша букчайиб-буришган тутнинг туя ўрқачидай туртиб чиққан танасига суяниб олди.

Дўстининг типирчилаб тиришишлари Ўктамнинг тагин ҳам қизиқишини орттирди.

“Бу хумпарда бир гап бор-ов,” – деб ўйлади у тажрибали савдогарларга хос сезгирлик билан Бахтиёрни зимдан кузатаркан.

– Бахти, намунча қайсарлик қилмасанг... Нечта тайёр картинанг бор ўзи?

– Битта...

– Биттами?! Атиги-я? – Ўктам пихиллаб кулганича тиззаларига шапатилади. – Шунга шунча таранг қиялпанми? Мен ўйлабманки...

– Уни жонимдан ортиқ кўраман, сотолмайман.

– Бахти, бундай ўрлик қилма. Ақлингни ишлат, қуруқ ҳавога қилич сермамагин. Сени тўғри тушунаман... Ҳар ҳолда ўз вақтида имконинг етмай яхши ижод қилолмаган бўлишинг мумкин. Балки ҳозир бошингда чинакам бахт қуши айланаётгандир. Шу картинани сотсанг, балки ишларинг юришиб кетар. Тўсатдан машхур, бой бўлиб кетишинг мумкин, билдингми? Юртнинг энг зўр бойларидан, балки корхоналардан сенга кетма-кет заказлар оқиб келар. Ана ўшанда бемалол ижод қиладиган бўласан. Ана ўшанда ҳамма кадр-қимматингга етадиган бўлади...

Ўктам туйқус жим қолди. Чунки у билиб-билмай ўз бизнес лойиҳасини, дўстининг истеъдодидан фойдаланиш режасини ҳам айтиб юборган эди. У лабини қимтиган кўйи изтиробли ўйлар исканжасида забун бўлиб турган Бахтиёрга синовчан кўз ташлади.

“...Пайқадимикан? Йў-ўқ, у бундай тадбиркорликни тушунмайди. Лекин... уни бир амаллаб кўндиришим керак.”

– Хўш, Бахти, нима дейсан? Гапирсанг-чи, – деди Ўктам гўё ҳорғин тин олиб.

Дўстининг қизишиб тушунтиришлари Бахтиёрга ўткир малҳамдек таъсир этмоқда эди. Унинг хаёллари алғов-далғов бўлиб кетди.

“Ўктамнинг гапларида жон борга ўхшайди. Чин-да, дунёда машхур, бой рассомлар кўп-ку! Уларнинг асарларини бадавлат кишилар сотиб олишгани учун ҳам шундай бўлган-да! Эсам, пулни ҳаводан олишганми? Мен... мен нега асаримни сотмаслигим керак? Агар у чинакам санъат асари бўлса, одамлар баҳраманд бўлсин, завқлансин, истеъдодимга қойил қолишсин! Уни уйда сақлаб ўтирганимдан нима наф?”

Дўстини зимдан кузатиб, унинг тафт теккан муздай эриб бораётганини пайқаган Ўктам тагин аврашга зўр берди.

– Кимки уйдаги бирор жиҳозни муқаддас санаб, унга сиғиниб юрса, ўша жиҳоз унинг ризқ-насибасига тўғаноқ бўларкан. Бир дуохон мулла менга шундай деган...

Бахтиёр ялт этиб дўстига ўгирилди. Қоқ кўксига ўқ санчилган жонивордай кўзлари безрайиб, ранг-рўйи бўздек оқарди.

– Шундаймикан...

– Э, ўша мулла ҳеч қачон алдамайди, шунинг учун мижозлари кўп, ҳар тарафдан оқиб келишади.

Бахтиёр Ўктамнинг гапларини деярли эшитмади. Ич-ичидан кўзгалган бир товуш “Худди шундай, ана, ҳаётингда кўриб турибсан-ку,” дея бутун онг-шуурида акс-садо берарди.

– Энди буёғи ўзинга ҳавола, – деди Ўктам дўстининг муқаррар таслим бўлишини пайқаб ўзини кетаётганга соларкан. – Сотсанг сот, истасанг қучоқлаб ёт... Мен шунчаки сенга ёрдам бермоқчи эдим.

Бахтиёр у томон илкис интилди.

– Тўхта!.. Дўстинг билан шу ҳақда гаплашганинг чинми?

– Сени алдаб менга зарилми?

– Нархлари... қандай экан?

– Қўрқма, сени ҳеч ким чув туширолмайдди, ўртада ўзим турибман. Яхшигина нархга сотамиз. Насиб бўлса кейингиларини бундан ҳам қимматга пуллаймиз.

– Менга пул жуда зарил-да, эсам... – деб минғирлади Бахтиёр.

– Агар чиндан ҳам сотишга кўнган бўлсанг... майли, мен сенга заклат бераман.

Бахтиёрнинг чеҳраси ёришди.

– Раҳмат... келишдик.

– Гап бундай, Бахти, – Ўктам дўстининг елкасига қўл ташлади, – мен эртага Тошкентга кетаман, жуда муҳим ишларим бор. Сенинг ўша нарсангни ҳам олиб бораман. Менга бир ҳафта муҳлат берасан...

– Бир ҳафта?!

– Ҳа, нима деб ўйлагандинг, бойваччалар қачон Бахтиёрнинг асарини опкелишаркан деб кутиб ўтиришмагандир. Бориб унга-бунга кўрсатиш керак, муносиб мижоз топишим керак.

– Хўп...

– Бўпти, мен ҳозир машинамни олиб чиқаман, фирра сеникига ўтамиз, қани, қўлни ташла.

Бахтиёр бўшашганча қўл чўзди.

II

Бу қизни хусндан ҳам исмдан ҳам қисган эди. Семиз, бесўнақай гавдасини гоҳ у ён, гоҳ бу ёнга ташлаб она айикдай лапанглаб юрар, гўё дўрдоқ лабларини, ойтабоқ юзини, гўштдор бурнини биров кўриб қолиб кўрқишидан кўрққандек бошига офтобдан сарғайган оқ рўмолини маҳкам ўраб олар эди. Аслида унинг чаққонгина, саранжом-сарихтали қиз эканини биров билиб, биров билмасди. Теварақдаги қиз-жувонлар унинг ғашига тегиш учун атай исмини баланд овозда тилга олишарди: “Ражаб!” Баъзилар азбаройи қизни хафа қилмаслик учун қўшимчага зўр берарди: “Ражабой... Ражабгул.” Лекин бу ҳам қулоққа “Ражаббой, Ражабқул” дегандай эшитилар, полвон қиз хижолатдан баттар бесўнақайлашар эди. Айтишларича, шундай ноқулайликлар касридан қиз мактабда ҳам ёлчителиб ўқимаган экан. Болалардан тортиб катталаргача уни мазах-масхара қилишаверганидан еттинчи синфни битириб-битирмай мактабдан оёғини узибди. Ҳатто бир-икки бор ўз жонига қасд қилишга уринган ҳам эмиш.

Бахтиёр ана шу қизни севиб қолди. Ўшанда у бошни тап-тақир қиртишлатиб ҳарбий хизматга чоғланиб юрган эди. Бир куни дайдиб кетган ола сигирини топиб келиш илинжида қишлоқ биқинидаги пахта пайкалига оралади. Бу пайтлар йиғим-терим авжи анча па-

сайган, пайкалларнинг у-бу еридагина қиз-жувонлар кўсак чувиб, тўкилган толаларни териб юришар эди.

“Эй, рассом, бизнинг расмимизни чизиб бе-ер!” – дея чинқириб қўл силкитарди уни кўриб таниб қолганлари.

Бахтиёр ҳам хушхоллик билан бош ирғаб кўярди.

Ўша куни у хаёлларга ғарқ бўлиб, мол излашни ҳам унутиб пайкалда хўб тентиди. Теварақдаги манзаралар, ранглар унинг юрагини ўртаб, илҳом завқини соларди. Тик турган кўйи ҳамма-ҳаммасини қоғозларда тасвирлагиси келарди.

Бир пайт у тахтадай қотиб қолди. Аттиги уч-тўрт қадам нарида, баланд ўсган ғўзалар орасида бир хилқат узун, қоп-қора сочларига кўмилиб, аллақандай ашулани хиргойи қилган кўйи кўсак чувиб ўтирарди. Ногоҳ шарпани илғаб у илкис бош кўтарди. Чеҳрасини тўсиб турган паришон сочлари икки ёнга силтаниб кетди.

Оқ рўмол остида кун кўрмаган юзлар кўпчиган хамирдай оппоқ эди. Бир жуфт қаҳрабодек кўзлар ҳуркаклик билан боқар, қалин, дўрдоқ лаблар ним очилиб титранар, гўё нелардир демоққа чоғланар эди.

Бахтиёр худди жодулангандай анча пайт қотиб қолди. Қизнинг йирик-йирик кўзларидан кўз узолмасди. Аъзои-бадани жимирлаб, юраги гурс-гурс ура кетди. Қиз ҳам шу алфозда бир муддат тек котдию сўнг, “Вой” деганича ўрнидан ирғиб турди, каловланиб ердан рўмолини олиб бошига илди.

Шундагина бахтиёр қаршисидаги Ражаб эканини билди. Тўғрироғи, бўйи-бастидан тусмоллади. Чунки у илгари қўшни қишлоқлик бу қиз ҳақида кўп эшитган бўлса-да, ҳеч ўзини бу қадар яқиндан кўрмаган эди.

“Кечирасиз, сизни безовта қилдим – деди йигит алланечук ҳислардан томоқлари қуруқшаб, – шу атрофдан сигиримни излаб юргандим.”

Ражаб кўсак қобиклари сочилиб ётган жўяк томон тисарилди, қат-қат, кенг кийимларининг у ёқ-бу ёғини орасталаган бўлди.

“Сиз ҳам шу бригадада ишлайсизми?” – деб яна гап қотди Бахтиёр.

“Йў-ўқ, биз олтинчиданмиз. Бир ҳафтага ҳашарга келдик,” – деди Ражаб. Шундай бўйи-бастига қарамай, унинг овози чиннидай жарангдор, момикдай майин эди.

“Нўрма жуда каттами?”

“Йў-ўқ, кунига ўн килоча чувима топширсак бўлди.”

Бахтиёрнинг кетгиси йўқ эди. Гапни гапга улаб тураверишни истарди. Шу сабаб жўялироқ гап излаб пича ғимирлаб қолди. Шу пайт қизнинг ўзи жонга оро кирди.

“Армияга кетяпсизми?” – деб сўради у қия кўз ташлаб.

“Ҳа, – деди Бахтиёр тақир бошидаги бир парча кепкани пийпалаб. – Ўқишга киролмадик, энди армиясини ҳам бир кўриб келайлик-чи.”

“Ўқишга киролмай ўқингандирсиз-а?”

“Унчаликмас... шу институтга ўзи кўп ҳам ҳушим тортмади.”

“Нега бирдан ёққанига бормадингиз, масалан, рас-сомчиликка...”

Ражабнинг ўзи ҳақида билишини пайқаб Бахтиёр негадир севинди. Лекин амакиси зўрлаб шу институтга олиб борганини айтгиси келмади. Негадир қиз олдида

шумшук, биров етаклаган томон кетаверадиган лақма бўлиб кўринишни истамасди.

“Бу йил шунчаки машқ қилиб кўрдим-да,” – деб қўйди чайналиб.

Ражаб тез-тез теваракка аланглаб кўярди. Афтидан, у йигит киши билан турганини биров кўриб қолишидан чўчирди.

“Сигирингиз бу атрофда кўринмаяпти?”

Қизнинг ожизона айтган бу гапи, “Энди бу ердан кетинг,” дегандай туюлди Бахтиёрга. Лекин унинг ҳануз кетгиси йўқ эди. Ажиб, ҳузурбахш ҳислар оғушида мастона турарди.

“Сигир ҳам уйга етиб олгандир, – деди Бахтиёр қишлоқ томон эринибгина кўз ташлаб, сўнг жўяк ичига тўкиб қўйилган кўсак уюмига ишора қилди. – Келинг, сизга чувишга ёрдам бераман, шунақасигаям кўп гапириб сизни ишдан қолдирдим.”

Ражаб елка учуриб, саросимали жилмаяркан, яна теваракка тезгина аланглаб қўйди.

Кўсак уюми ёнига ўтирдилар. Ражабнинг тўзгин сочлари амал-тақал ўралган рўмол қирраларидан кўпириб-тошиб енгил эпкинда ўйноқлаб турарди. Бахтиёрнинг тобора қони қизиб, юраги ҳапқириб борар, кўсак тутган қўллари бир оз титрар эди.

“Бошқалардан ажралиб қолибсиз,” – деди у қизга саволчан кўз ташлаб. Ва сўровидан пушаймон бўлди.

Ражабнинг туйқус ранг-рўйи тундлашиб бир оз жим турди, сўнг ўз-ўзига гапиргандек пичирлаб қўйди:

“Кўпчилик ичида юрагим сиқилади.”

Бахтиёр ўнғайсизликдан чиқиш илинжида қизга ёқадиган гап топишга уринди.

“Хаёл суришни яхши кўрасизми дейман менга ўхшаб?”

“Қандай билдингиз?”

“Юзларингиз жуда тиниқ экан, хаёлкаш қизларнинг юзлари шундай нурланади.”

Ражаб эътироз билдиришга уриндию, аммо эплай олмади. Мақтовдан масрурланиб беихтиёр жилмайди. Бўртиқ ёноқларига андак қизиллик инди.

“Кўйинг-е... рассомсиз, шунинг учун чиройли гапирасиз.”

Мақтовдан мойдек эриш гали энди Бахтиёрга келди.

“Рассомлигимни қаердан биласиз?” – деди у оғзининг таноби қочиб.

“Жуда машҳурсиз. Қишлоғимиздаги мактабда ҳам сизни ўрнак қилиб кўп гапиришарди.”

Шу асно ғўзалар шитирлаб кетди. Ҳар иккиси ҳам бош кўтариб шарпа саси келган ёққа юзланишди. Не кўз билан кўрсинларки, шундоққина рўпарада йўқолган ола сигир кавшанган кўйи уларга термулиб турарди.

Улар бир-бирига ялт этиб қараб баб-баравар қулиб юборишди. Қаҳқаҳанинг зўридан Ражабнинг рўмоли сидирилиб тушиб сочлари тагин тўзиб кетди. Жарангдор, тиниқ товуши илиқ куз офтоби нурларига қоришиб кенг пайкалларга сингиб кетгандай бўлди. Кулги баробарида ич-ичидаги ғўзаллик, латофат сиртга силқиб чиқдию, ялпоқ юз, дўрдоқ лаб, йирик бурун бир зум жилваланиб кетди.

Бахтиёр қизга лол қараб турарди.

Ўша куни у ола сигирини олдига солиб, пайкалдан маст одамдай довдираб қайтди. Юраги ҳали ҳеч қачон ҳис этмаган аллақандай сурурдан мавжланар,

бутун вужудида ёқимли бир титроқ кезинар эди. Ўша кеч камгап-камсуқум Бахтиёр уйида ҳам, дўст-ёронлар даврасида ҳам кўп гапириб, кўп кулди. Ҳамма ҳайрон. Ҳатто отаси киши билмас оғзини ҳидлаб кўрди. Йўқ, майхўрлик қилмаган.

Ўша кеч Бахтиёр ҳузурланиб тўшагига чўзиларкан, Ражабнинг кўзлари таъқиб қилиб турганини пайқади. Ногоҳ юрагига ғўсса қалқди. Уйқуси қочди. Қаҳ-қаҳ уриб кулаётган қизнинг кўзлари бот-бот хаёлида жонланди. Ражабнинг кўзлари кулмас эди! Ҳа, кулмас эди, улар ғамгин ва ўйчан боқиб турарди. Қиз ёнида лол қотиб тураркан, Бахтиёр буни аниқ кўрди, мусаввирлик сезгиси билан теран сезди! Худди шу маънос нигоҳлар уни буткул жодулаб олган эди.

“Кўзларингни севаман, Ражаб,” – дея пичирлади йигит, қоп-қора тун қараб турган деразага тикилиб.

Ўша пайтлар аскарликка чақирилган ёш-яланглар арзанда тўпга айланар, эртаю кеч ўйин-кулги қилиб, кўча-кўйда маст-аласт изғиб юришар эди. Бахтиёр ҳар хил баҳоналар билан улардан тайсаллай бошлади. Ҳар хил баҳоналар билан пайкал томон ошиқар бўлди. У Ражаб билан деярли ҳар куни учрашарди. Ҳар учрашганда қиз қалбининг нозик қирраларини кашф қилиб, олам-олам завқ-шавққа тўларди.

Ражаб еттинчи синфдан бу ёғига мактаб бетини кўрмаган бўлса ҳам, анча ўқимишли қиз экан. У тилга олган китобларнинг кўпини Бахтиёр, ҳатто, номи ни ҳам эшитмаган бўлиб чиқарди. Гоҳо, қиз шундай файласуфона-шоирона гаплар айтардики, Бахтиёр уларнинг мазмунини чақолмай хижолатланар эди.

“Кўяверинг, менинг ёшимга етганда билиб оласиз, – деб куларди Ражаб, унинг каловланишларини пайқаб. – Ахир сиздан икки ёш каттаман-а...”

Шундай шавқли учрашувларнинг биридан қайтиб келаётган маҳал пайкал бошида Шойимга йўлиқиб қолди.

Шойим улардан уч йил аввал мактабни амал-тақал битирганлардан эди. Тошкентда ўқияпман деб ҳаммани лақиллатиб, ҳарбий комиссариатни ҳам чалғитиб юрган экан. Охир-оқибат сири фош бўлди. Бахтиёрлар қатори хизматга чақириқ қоғози олди.

“Бизни иснодга қўйдинг, уканг тенгилар билан армияга кетяпсан,” – деб катта акаси боплаб савалаган эмиш. Лекин Шойим сиртига сув юқтирмай, кўча-кўйда керилиб, худа-беҳуда лақиллаб юрар эди.

“Қаердан келаяпсан, – деб сўради у тарғил кўзларини маккорона қисиб, пайкал четида учраб қолган ўша пайт, – Ражабнинг олдида бўлдингми?”

“Ҳа, бир оз кўсак чувишдим,” – деди Бахтиёр истар-истамас.

Шойим уятсизларча тиржайди.

“...кўрдингми, зўр нарса эканми?”

“Оғзингизга қараб гапиринг, ака... – Бахтиёр бўғзига тикилган ғазаб ва аламдан бир зум гап тополмай энтикиб қолди, сўнг секин қўшиб қўйди, – у сиз ўйлаган қизлардан эмас.”

“Кўйсанг-чи, Ражабнинг олди очиқ, мен биламан, уни Болта мудир бузиб қўйган.”

Бахтиёрнинг қўллари мушт бўлиб тугулди. Шойимнинг қизил донача тошган башарасини мўлжаллаб уришга шайланди, лекин ботина олмади.

“Менга бунақа гапларни гапирманг,” – деди аламдан йиғлагудек бўлиб нари кетаркан.

Бироқ Ражаб ҳақидаги сассиқ сафсата шу билан тугамади. Эртаси куни кетарманлар сафдошларидан бирининг уйига йиғилишган кеч дастурхон теварагидаги гурунг яна ўша қизга бориб тақалди.

“Бекорга у чекка-овлоқ ерда кўсак териб юрмайди, – дея хириглади Шойим, уй тўрида ёнбошлаб ётаркан, – талабгорларни овлайди, мазахўрак... шунинг учун семириб кетяпти.

Унинг ғийбатларини кимлардир қийқириб қувватлаган бўлди. Чой сузаётган Бахтиёр кўз остидан сафсатабоз томон бир ўқрайиб қўйдию, уйдан чиқиб кетишга шайланди.

“Манави сафдошимиз ҳам... – Шойим жонсарак Бахтиёрга ишора қилди, – таъмини татиб кўрган.”

Даврада кулги-қийқириқ авжланди. Бахтиёрнинг қизариб-бўзариб, “Бекор гап” дея пўнғиллаши ғала-ғовур ичида деярли эшитилмади.

Ширакайф кетарманлардан бири шу орада овозини баралла қўйди.

“Жуда тўғри қилган. Ахир бу рассом. Рассом одам шундай-шундай кўриб турмаса, яланғоч аёлни қандай чизади?!”

Гурр этиб кўтарилган кулгидан меҳмонхона вассажуфтларигача зириллаб кетди.

Бахтиёрдан “ғинг” деган садо чиқмади. Аввалига бир-икки норизо типирчилаб қўйган бўлса-да, кейинчалик кулгиларга илжайган қўйи қўшилиб ўтирди. Ражабни ошкора ҳимоя қилишга ботина олмади. Балчиқдай бижғиб турган мана бу гап-сўзлар эрта-индин чин чиқиб, эл-улус олдида шарманда бўлишидан кўрқди.

“Булар бекорга бундай дадил гапирмайди-ку, – деб ўйлади у ўша кеч ғашланиб уйига қайтаркан, – ростдан ҳам Ражабнинг бир балоси борга ўхшайди.”

Ўша тун Бахтиёр тўлғаниб чиқди. Хаёлида қарама-қарши ўйлар чарх урар, кўнгли алғов-далғов эди. Қизни ҳар эслаганида вужудида ёқимли ҳислар жунбишга келарди. Охир-оқибат кўнглининг туб-тубида ғимирлаб, пайт пойлаб юрган асл ният отилиб юзага чиқди.

“Шу пайтгача бирор қизни ўпиб ҳам кўрганим йўғ-а, – деб ўйлади у ёстиқни тўшига тортиб, – агар анави гаплар чин бўлса...уни мен ҳам...”

Аммо Бахтиёр ўз хаёлидан ўзи уялиб кўрпага бурканиб олди.

Эртаси куни тагин Ражабга рўбарў бўлган пайт, қизнинг маъюс-махзун қароғларига кўзи тушдию, тун бўйи тўлғаб чиққан фитнакор ўйларидан баттар уялиб, ўз-ўзидан нафратланиб кетди. Аммо бу кўпга чўзилмади. Сухбат қизиган сайин йигит қони ҳам қизиб, қизнинг гоҳ бўлиқ кўкракларидан, гоҳ тиниқ, лўппи юзларидан кўз узолмай, гапидан адашиб, дудуқланиб қолар эди.

“Тошкентга тоғамникига борганимизда музейга кирганмиз, – деб эслаб қолди Ражаб ийманиб, – яланғоч хотинларнинг портретини кўриб роса уялганмиз, қаёққа қочаримизни билмай қолганмиз.”

“Уларни рассомлар аслига қараб чизишган, – деб билағонлик қилди Бахтиёр, – санъатда шунақа усул бор...”

“Ўлсин-е, бунақа усули...”

Бир пайт улар чувиётган кўсак соб бўлиб қолди. Ражаб яна териб келиш учун ўрнидан турди. Бироқ

увишиб қолган бўғинлари оғирликни кўтара олмай ноғоҳ ортага қалқиб, жўяк ичига гурсиллаб йиқилди.

“Ия, эҳтиёт бўлинг!” – деб ирғиб ўрнидан турди Бахтиёр кўмакка ошиқиб. Лекин ҳовлиққанидан ғўза-пояга қоқилиб... узун этакларига ўралашган қўйи ўрнидан туришга уринаётган қиз кучоғига қулади. Шусиз ҳам бутун гурунг давомида бутун вужуди таранг тортиб, эҳтироси жўшиб турган навқирон жон ортиқ чидаёлмай, бўртиқ ёноқлардан ўпиб олди! Ва яна лаблар сари талпинди. Аммо Ражаб бир силтаниб Бахтиёрни осонгина устидан сидириб ташлади.

“Ҳаддингиздан ошманг,” – деди қиз қизариб-бўзариб. Сўнг гандираклаган қўйи ўрнидан туриб, устбошларини орасталади.

Бахтиёр нима қиларини, нима деярини билмай қолди. Унинг кўзлари ҳирсдан ёниб яна Ражабга ташлангиси келарди. Аммо журъат этолмади.

“Сизнинг суратингизни чизмоқчи эдим,” – деб ғудранди аранг.

Ражаб ялт этиб унга юзланди.

“Ниманинг эвазига? – Сўнг ғамгин пичирлаган қўйи қўшиб қўйди. – Менинг суратимни чизиш сизнинг қўлингиздан келмайди.”

Қиз чувима солинган этакни елкасига ташлаб нари кетди.

Бахтиёр тагин уч-тўрт кун Ражабнинг кўзига кўришига уялиб юрди. Лекин кечаю кундуз у ҳақда ўйлар, қандайдир оҳанрабо уни қиз томонга тобора тортқиларди.

Тиз чўкиб кечирим сўрашим керак, севишимни айтишим керак, деган ўй унинг онг-шуурида изғиб юрарди. Бу орада аскарликка жўнаш муддати ҳам етиб келди.

Бахтиёр туман марказидаги ҳарбий идорадан қайтиб келдию, яна пайкал оралади.

“Бугун чиқмаган бўлса-я?! Уларни бошқа пайкалга олиб кетишган бўлса-я?!” – деган хавотирдан юраги ҳапқирар, негадир ўкириб йиғлагиси келар эди.

Бахтиёр теваракка жонсарак аланглади. Шипшийдан, пати кетган палосдек пайкалнинг кун ботар томонида тўзиб юрган қиз-жувонларга кўзи тушдию, кўнгли бир оз таскин топди. Сўнг катта зовур ёқасидаги ғўзалар баланд ва қуоқ ўсган қарта ёққа юзланди. Чунки Ражабни одатда шу тарафда кўпроқ учратарди. Бахтиёр қадамини тезлатди.

Куз офтоби ҳорғин ва ўйчан йилтиллаб турарди. Гўё ундан нур ўрнига занг ёғилаётгандек, дов-далалар сарғиш-қизғиш тусга қоришиб маҳзун ястаниб ётарди. Хазонлар шитирлаб-шивирлаб, ҳавода бир зум муаллақ қотган қўйи оҳиста ер бағирлайди.

Ана, ана у! Ражаб жўяклар оралаб хаёлчан кўсак териб юрарди. Бахтиёр қийқириб қиз томонга қўл силтади. У ҳам товуш таралган тарафга тикилиб турди-да, қўлини ҳавода тўлғади. Сўнг этакларини йиғиштириб пешвоз юргандай бўлди.

Бахтиёр қувончдан гўё қанот қоқиб учди.

“Мендан хафа эмассиз-а, хафа эмассиз-а, Ражаб! Сиз ҳар қандай гўзалдан гўзалсиз, Ражаб! Бир умр ёнингизда бўлсам дейман! Бир умр кўзларингизга термилиб ўтирсам дейман! Мен сизни севаман! Ҳозироқ бориб олдингизда тиз чўкаман, юрагимда борини тўкиб ташлайман!...”

Бахтиёр ич-ичида шундай ҳайқириб, икки кўзини қиздан узмай югургилар экан, ғадир-будир эгатларда бир-икки қоқилиб кетди.

Ҳаво алланечук илиқ ва майин эди. Унда-мунда илашиб қолган мезонлар шўх-шодон ўйноқларди.

Улар юзма-юз келдилар. Оралиқ уч-тўрт қадам қолганда худди биров буйруқ бергандай бараварига тўхташди. Баравар жилмайиб бир-бирига бош ирғаб саломлашган бўлишди.

“Ҳорманг.” – деди Бахтиёр товуши титраб.

“Бор бўлинг, ўзингиз ҳорманг,” – деди Ражаб гўёки шивирлаб.

Бахтиёр туйқус бўшашиб, саросималаниб қолди. Боягина ич-ичида чарх урган хитоблари қайларгадир тумандай тўзиб кетди. Ўрнини алланечук ҳадик-ҳаяжон эгаллади.

“Мен... биз эртага жўнаяпмиз,” – деди у бир дона қовжироқ гўза баргини кўлида эзгилаб.

“Қаёққа?! Армиягами?!”

“Ҳа.”

Ражаб ногоҳ кичрайиб кетгандай бўлди. Юз-кўзида синиқ бир табассум қотиб қолди. Титраётган кўллари билан кофта тугмасини ғижимлаб, кўзларини узоқ-узоқларга олиб қочди.

“Ой бориб омон келингизлар.”

Бахтиёр довдираган кўйи қиз томон юрди. Ражаб унга чўчиб бир назар ташлади, аввал андак тисарилди, сўнг ўқ ариқ бўйига, ажриқзор устига ўтириб қолди.

“Сизга хат ёзиб турсам майлими?” – деди Бахтиёр унинг рўпарасига чўкиб.

Ражаб маънос бош чайқади.

“Йўқ, акамларнинг кўлига тушиб қолса ёмон бўлади. Хат ёзиб сизга зарилми?”

“Мен сизни севиб қолдим... сизни соғинаман.”

Бахтиёр шундай дедию, юраги гурс-гурс урган кўйи кўзларини чирт юмиб олди. Назарида, Ражаб, ирғиб туриб юзига тарсаки тортиб юборадигандек эди. Лекин қиз ҳорғин, эзгин бир тарзда кулди.

“Севги нималигини биласизми ўзи, йигитча?”

“Билмасдим... энди билдим. Сизни соғинаман.”

Ражаб хаёлчан жилмайди. Сўнг чирмаб ўралган рўмолини ечиб, бошини бир тўлғаб сочларини тўзғитиб юборди.

“Мана, соғинсангиз, яхшилаб кўриб олинг.”

Бахтиёрнинг томирларига олов ўрмалади. Қизнинг юз-кўзларига термилиб, уни хаёлан эркалаб пичирлади.

“Сиз чини билан сулуvsиз, Ражаб...”

Қиз ўзича шарақлаб кулди. Аммо бу кулгиси алланечук сохта, зўраки эканлиги шундоққина сезилиб турарди.

“Мен сизнинг суратингизни чизаман,” – деди Бахтиёр энтикиб.

“Менинг суратимни?! Ҳув, ўша кунгидай усулда чизмоқчимисиз?”

“Йў-ўқ, нималар деяпсиз, Ражаб, – дея Бахтиёр ҳовлиққанча эътироз билдиришга киришди. – Ўлай агар, сиз тенгсиз гўзалсиз, сиз... – Бахтиёр қай бир китобдан ўқиб ёқтириб қолган иборани эслаб, секингина кўшиб кўйди. – Сиз мангуликка дахлдорсиз. Одамлар сизнинг суратингизни кўриб чинакам гўзалликни ҳис этишади.”

“Э-э, Бахтиёр, жуда олиб қочасиз-а, эрта-индин ўладиган ҳеч бир тирик жон мангуликка дахлдор бўлмайди. Шулар қатори мен ҳам...”

Ражабнинг сўнги сўзлари шу қадар сўниқ ва ғамгин эшитилдики, Бахтиёр бир оз чиройли гапираман деб қизга озор етказганидан афсусланди.

“Кечирасиз, билмабман.”

Ражаб кенг манглайини қоплаб турган сочларини силтаб ташлаб, яна синиқ жилмайди.

“Мангуликка дахлдор нарсаларни чизгингиз кел-яптими?”

“Ҳа.”

“Унда севгининг суратини чизинг. Боя ўзингиз айтган соғинчнинг суратини чизинг. Шафқатни чизинг. Ана шулар абадий. Ана шулар ҳамиша қадрли.”

Бахтиёр нима деярини билмай қолди. Қизнинг доно маликаларга хос жумбоқли гаплари уни яна бир карра довдиратиб кўйганди.

“Тўғриси... бунга ҳали ёшлик қиламан-ов... лекин қачонлардир чизишга сизга ваъда бераман.”

“Мен эса чиза оламан... хоҳласангиз ҳозир чизиб кўрсатаман,” – деди Ражаб кафтлари билан юзини яшириб.

“Қани энди шундай қилсангиз.”

“Кулмайсизми?”

“Йўқ, нега куларканман.”

“Ҳеч кимга айтмайсизми?”

“Қасам ичиб...”

“Бир умр эслаб юрасизми?”

“Бир умр...” – деб ғудранди Бахтиёр аллақандай соҳир ҳислардан юраги тошиб.

“Мана, сизга ўша сурат,” – деди Ражаб илкис бош кўтариб, юзини қоплаб турган сочларини силтаб ташларкан.

Ногоҳ қизнинг йирик-йирик, тип-тиниқ қорачиқлари сув теккан қахрабодай йилтиллаб турарди. Дўрдоқ лаблари қимтилиб, гўштдор бурни титраб, кўзларидан марвариддек ёш томчиси силқиб чиқди. Силқиб чиққан ёш бўртиқ ёноқлар устида дурдай товланиб бир зум турдию сўнг оқиб кетди. Тағин кўзларидан шаффоф томчи сизиб чиқиб, тағин ёноқларда қалқиб қолди.

Лол қотиб турган Бахтиёрнинг юраклари ўртаниб беихтиёр қиз томон кўл чўзди.

“Ражаб, йиғлаяпсиз-ку, Ражаб?!”

“Тегманг менга... Илтимос, энди кетинг...”

“Сизни йиғлатиб...”

“Илтимос, кетинг... мени десангиз, кетинг.”

Бахтиёр довдираганча ўрнидан турди. Турдию, яна ялт этиб Ражабга юзланди.

Қиз кўзидан томчи-томчи ёш силқиб, дудоқларида бир зум-бир зум дурдай товланиб туриб қоларди.

Худди шу манзара олис бир ўлкада хизмат қилиб юрган аскарни икки йил таъқиб қилиб турди.

Икки йил Бахтиёр ўша маржон-маржон ёшлар таъмини танглайида татиб юрди.

Ҳарбийликдан қайтиб келгач, Бахтиёр зимдан Ражабни суриштирди. Улар бир йилча аввал ота юрти бўлган Жамбулгами, Тарозгами кўчиб кетишган экан. Аскар йигит манзилга элтувчи яккаю ягона уловдан қолиб кетган йўловчидай “ух” тортиб тўшакка кулади. Ўша куни унинг ҳарбийликдан орттириб келган касали энгил бир хуруж қилди.

Орадан йиллар ўтди. Бироқ ўша пайкалда кечган кунлар қанчалар узоқлашган сайин, қиз дудоғида қалққан ўша маржон-маржон ёш шунчалар яқин ке-

лар, шунчалар рангли, шунчалар тиниқ кўринар, Бахтиёрга севги ва соғинч, шафқат ва умид ҳақида теран ҳикматлар сўйлар эди. Охир-оқибат, дард-изтироблар силсиласида унга мўйқалам тутқазиб, мольберт ёнига ҳайкалдай турғизиб қўйди. Талабаликнинг сўнгги йилида Бахтиёр ўзининг “Бир томчи ёш” деб номланган картинасини яратди...

...*Сарғиш-қизғиш ранглар. Қақраб-қуриб, тарс-тарс ёрилган Ер шарни. Ер шарни устида бир ёнини булут тўсган Қуёш балқиб турибди. Булут тўсган Қуёшу Ер ўртасида бир томчи оби-рахмат биллурдай товланади.*

...*Йўқ, йўқ! Бунда мутлақ бошқа манзара. Кўриб турганимиз Ер шарни эмас, қақраб-қуриб, тарс-тарс ёрилган, томчилари бўртиб чиққан Юрак. Юрак устида булут тўсган Қуёшмас, булутдек тўзгин соч бир ёнин тўсган Кўз! Севги, соғинчга, шафқат-умидга лиммо-лим Кўз! Кўз ва қақроқ Юрак ўртасида... олмосдай товланган Ёш!..*

Бахтиёр ана шундай сермазмун, серҳикмат асар яратган эди! Унда ранглар ингроғи баралла тараларди. Унда абадият, мангу дард, мангу савол ғужанак бўлиб ётарди. Бу асар кўрган кўздан бир томчигина ёш талаб қиларди.

Бахтиёр буни жону жаҳоним, умрим мазмуни деб биларди. Ҳатто, Георгий ҳам кўзлари кўм-кўк денгиздай мавжланиб худди шундай деган эди.

Ана энди бу асар йўқ! Бахтиёрнинг бахти, оғир дамларида умид-ишонч бахш этувчи, юпатиб овутовчи сирли дунёси йўқ энди! Ўктам бойвачча уч кун бурун авраб-алдаб Тошкентга олиб кетди. Айёр тулкининг харидори ҳам тайин бўлса керак, киприк қоқмай юз доллар гаров пули ҳам узатди. Мана уч кундирки Бахтиёрнинг ҳаловати йўқ. Ахир уй бўм-бўш, болохона бўм-бўш, юрак бўм-бўш! Бутун дунё хувиллаб қолди. Аммо Бахтиёр ана шундай бўм-бўш, хувиллаган дунёларга сиғмайди. Овунч излаб, юпанч излаб эртаю кеч, кўча-кўйда изғийди, тунлари болахонага қамалиб ўз ўзини сўроқ қилиб чиқади.

Мана, ҳозир ҳам ўша эски диванга ялпайиб, бир пайтлар чала-ярим қолган суратига маъюс термилиб ўтирибди. Лекин у қаршисида чала-ярим умрини, чала-ярим бахтини кўриб хўрсинади. Ўктам бойвачча берган пулни олиб қувончдан ял-ял яшнаган Матлуба ҳам энди эрининг ҳол-аҳволидан хавотирда, врачнинг ваҳимали сўзлари қулоғида бот-бот жаранглаб, гоҳ у, гоҳ бу баҳона билан болохонага тез-тез чиқиб қўяди. Ўйловдан чалғитиш илинжида эрини гапга солишга уринади. Бахтиёр кўнгил учун сохта илжайиб, бир баллар деган бўладию, ғусса қалқиб турган кўзларини олиб қочади.

Мана, Матлуба ҳозиргина тушиб кетди. Бахтиёр зина томон ўғринча аланглаб, жавон ортига яшириб қўйган ароғидан қўйиб ичди. Ич-ичига ўрмалаган оловдан дард-аламлари яна ҳам равшан кўриниб кетди.

“Мен хиёнат қилдим! Ўзимга, Худо берган истеъдодимга хиёнат қилдим. Санъатга хиёнат қилдим!” – дея хаёлан хитоб қилди у, чала ёнган тарашадай тиришаркан.

Бу кўргулик қачон бошланди? Ҳа, эслади, аммакисининг уйига гул чизиб берган кундан бошланди. Ўша куни сотқинлик бутун бўй-басти билан намоён

бўлди. Пойтахтга кетишга амакиси даъват этганида, унинг устидан ич-ичида қулди, жарақ-жарақ пул топаётганидан кибрланди. Йўқ, йўқ, хиёнат анча аввал, ана шу асарни яратган пайтиёқ ниш кўрсатган экан! Ахир, “Бир томчи ёш” Ражабники-ку?! Ўша қизнинг қордан тоза қалби, севгиси учун тўккан кўзёшлари шарофатидан пайдо бўлди-ку бу асар! Эвазига нима бера олди шўрликка? Ҳатто ўша кетарманлар йиғинида мардона туриб уни фисқу фасоддан ҳимоя қила олмаганди. Ўшанда ҳам ўзини, фақат ўзини ўйлаган эди! Йўқ, Ражаб унинг марҳаматига зор эмас. У ўша кўз ёшлари билан бахтли! Бунда эса ўша нарса ҳам йўқ.

Бахтиёр андак довдираган кўйи ароқдан яна қўйиб ичди. Хира тортган кўзи ўнгида туйқус Георгий жонланди. Ҳатто, унинг уст-бошидан анқийётган қўланса ҳид димоғига урилгандай бўлди.

Георгий! Донишманд қария, чинакам санъаткор! Эндигина унинг гаплари маъносини теран англаб турибди. Муюлишда учрашиб қолишган пайт, у Бахтиёр билан саломлашмади, ҳол-аҳвол сўрашмади. “Рисуешь?” – унинг илк саволи худди шундай жаранглади. Чизиш – Георгийнинг назарида чин санъаткор учун соғ-саломатлик белгиси, қолганлари майда-чуйда, холос. Бу-чи, нима қилди? Қарияни илк кўргандаёқ ундан жирканди, ичкиликка пул, бошпана сўраб дард-сар бўлади, деб ўйлади. Асарини мақтаганда эса олчокларча илжайди, унга ҳатто бир пиёла чой қўйиб узатмади. Эҳ, Георгий! Кўзларига қара унинг, кўзларига! Тақдирдан мамнун-масрур порлаб турибди! Яратганга берган истеъдоди учун шукронаси бу! У ўз исқирт афт-ангори, қўланса иси билан ҳаёт устидан, сохта, ғирром, нафси ўпқон жамоат устидан ғалаба қилган! Бу-чи, бу? Гўёки оилапарвар эр, меҳрибон ота! Ўз ожизлигини, ношукурчилигини тирикчилик тирриқлиги билан хаспўшлагга уринган нотавон! Бўпти, шундай ҳам бўла қолсин, саккиз йилдан бери фаровонлик учун курашган бўлсин, лекин нимага эришди? Қани ўша тўкин-сочин рўзғор? Қўлидан ҳеч нарса келмади-ку, турмушини ўнглай олмади-ку?! Бу ҳам камдай, ўзи жону жаҳоним, умрим мазмуни деб юрган асарини ҳам сотди! Арзимаган чақага сотди!..

Бахтиёр истеҳзоли илжайган кўйи яна шиша томон интилди. Шу пайт дарвоза ортига аллақандай енгил машина шитоб билан келиб тўхтади.

“Ким бу ярим кечаси келган, – хаёлидан ўтди Бахтиёрнинг, – Ўктамми? Йў-ўқ, бир ҳафтага муҳлат олган у. Демак... ҳа, анави бригадир бўлса керак, сафарга ҳозирлигини билиш учун келган.” – Бахтиёр шишани шоша-пиша яна жавон ортига яшириб, диванга ўтирди. Гўё, чала-ярим сурат устида ишлаётган киши бўлди.

Дарвоза тақиллади. Машина шарпасидан сергаланиб аллақачон ҳовлига чиққан Матлуба ожизгина “ҳозир” дедию бориб темир эшикни очди.

– Рассом уйдаими?

– Ҳа.

– Ухлаб қолмадиларми ҳали?

Бахтиёр Ўктамнинг овозини таниб, ҳангу-манг бўлиб қолди: “Ия, уч кунда ҳал қилиб қайтибдими?”

Зум ўтмай болохона зинаси оғир-оғир ғижирлай бошлади. Бахтиёр беихтиёр ўрнидан туриб кетди.

– Салом бердик, жаноб рассом.

Ҳансираган кўйи ичкарига бош суққан Ўктамнинг товушида, семиз афт-ангорида норозилик, миннат-ид-дао салқиб турарди.

– Келинг, дўстим.

– Ол, бу матоҳингни, – деди Ўктам пишқириб.

Шундагина Бахтиёр у қўлтиқлаб олган нарсага эътибор берди. Асар! Асар қайтиб келибди! Аммо... аммо муаллиф негандир бундан хурсанд бўлмади. Таажжуб-ташвиш тўла кўзларини диванга ўзини ҳарсиллаб ташлаган Ўктамга тикди.

– Нима гап? Нима бўлди?

– Гўр бўлди, бало бўлди... Опкетар пайтим бир кўзим тушиб ўзим ҳам ўйладим-а, шунақа жиннича нарса-ни биров олармикин дедим-а... эсиз шунча меҳнатим.

Ўктам надомат билан бош чайқанган кўйи ёнидан сигарет чиқариб тутатди. Бир-икки босиб-босиб дуд тортди.

– Илтимос, сал тушунарлироқ... – деб минғирлади Бахтиёр чайнаиб.

– Ўктам у томонга бир чақчайиб олди.

– Тўғриси, ўтган йили бир Георгий деган дайди рассомни фирмага, қоровулликка ёллаган эдим. Кунлик ярим шиша вино эвазига. Ўша сени роса мақтаганиди, кўкларга кўтарганиди. Шунинг учун ишларингга қизиққандим, аниқроғи, фойда келтиришига юз фоиз ишонгандим...

Ўктам бош чайқай-чайқай яна босиб-босиб дуд тортди.

– Тошкентга бордингми ўзи? – деб эҳтиёткорона сўради Бахтиёр.

– Бордим! Шарманда бўлдим! – туйқус қичқириб юборди Ўктам. – Нарсангни кимга кўрсатсам, қаҳқаҳ уриб кулади. Биттаси, бу нима, вакцинами, деб сўрайди. Биттаси виски томчисими бу, деб пиқиллайди. Нима бало, поликлиникадан заказ олиб чизганмисан буни? Хуллас, дўстим бу асарингнинг харидори йўқ! Тушундингми, харидор йўқ бунингга!

Бахтиёр чап қўлтиғи остида таниш, жуда таниш оғриқ қўзғалганини пайқади. Қўл юбориб ўша жойни

секин сийпалаган бўлди. Миясига эса Ўктамнинг сўнги сўзлари тўқмоқдек урилари: “Харидори йўқ, харидори йўқ!..”

Шу асно унинг кўз ўнгида яна Георгий жонланди. “Буни сота кўрма,” деган илтижоси қулоқлари остида жаранглаб ўтди.

“Донишманд қария! – Изтироб билан ўйлади у оғриқдан тиришиб. – У билган, бу асарга талабгор топилмаслигини Георгий англаган. Шунинг учун мени огоҳлантирган...”

Ўктам диванга бесаранжом ястанган кўйи ҳануз бош чайқаб нималарнидир чамаларди.

– Сен ҳам эл қатори яланғоч аёлларни чиз, тоғбоғ манзараларини чиз, – деб минғирлади у худди ўз-ўзига гапиргандай, – ўшанақа расмлар мода экан элита ўртасида. Яхши кетади. Ана, артистларнинг портретини тайёрлаб бер. Ҳеч қурса, ўзлари учун сотиб олишади. Бунақа нарсангнинг...

– Харидори йўқ, – деб пичирлади Бахтиёр синиқ илжайиб.

Ўктам унга бир ўқрайиб қўйди. Сўнг чуқур тин олди.

– Хуллас, гап бундай, дўстим. Бунақа нарсанга баъзи бир чет эллик ўзингга ўхшаш девоналар қизиқади. Ўшаларни пойла. Алдаб-сулдаб яхшигина пуллайсан. Йўқ, яхшиси савдолашгали ўзимни қақир, ёрдам бераман. Хў-ўш... энди-и... менинг заклад пулимни қайтарсанг... Мен аслида сенга яхши бўлсин деб...

Шу пайт Бахтиёр ғалати бир товушда пихиллаб кулди. Кула-кула диваннинг бир четига шилқ этиб ўтириб қолди. Ўктам чўчиб ёнига ўгирилди.

– Эй, Бахти, эй... – деди Ўктам дўстининг бўздай оқарган ранг-рўйидан хавотирланиб, – эй, ҳазиллашдим, пулни қайтаришинг шарт эмас... Бизнинг бизнесда бундай гап йўқ..

Бахтиёр жавоб бермади. Унинг ҳовуз тубидаги қўлмақдай йилтиллаб турган қорачиғлари туйқус хира тортди. Сизиб чиққан бир томчи ёш ёноғида туриб қолди.





ЫНКЕНГ О,
Жанубий Корея Республикаси Сеул шаҳридаги Донедок хотин-қизлар университети профессори, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўқитувчиси.

ЎЗИНИ ЯРАТГАН ҚАҲРАМОН

“Жумўнг” достонида қаҳрамон онг ости кечинмаларининг шаклланиши

Инсон ҳаётининг болалик даври руҳиятнинг истак-туйғулар ҳамда маънавий дунёнинг шаклланишидаги муҳим палла. Боланинг чақалоқлигида илк муомалага киришадиган кишиси – унинг онасидир. Бинобарин, бола онаси билан руҳий-ҳиссий муносабатлар орқали кучли боғланган бўлади. Усмирлик даврига келиб, аста-секин онасидан йироқлашиб “ота дунёси”га кира бошлайди. Бу даврда бола эркак, аёл жинсининг фарқи бора бошлайди, кейинчалик ота-онасини “энг биринчи жинсий объект” сифатида ҳис этади. Лекин, бу туйғу “Эдип комплекси” бўлиб, кейинчалик фарзанд бу комплексдан халос бўлиш – қутулиш учун ота-онасига “жинсий объект” сифатида қарашидан воз кечиши талаб этилади.

Бу босқичда руҳий-ҳиссий жиҳатдан “яраланган” бола отаси билан ўзини таққослайди ва бунинг натижасида юзага келган “superego” томонидан унинг онг ости кечинмаларига босим ўтказилади, аввалги туйғулар унутилади, бекитилади. Босим оқибатида унинг болалик пайтидаги “жинсий объект” ҳақида билганлари онг ости қатламларида сақланиб қолади ва умри мобайнида доимо унинг руҳиятига таъсир кўрсатиб туради.

Халқ достонларидаги қаҳрамонлар, аксарият ҳолларда ота-оналари томонидан ташлаб кетилади ва шу туфайли қалби руҳий яраланиб, изтироб чекадилар. Улар ҳаётда бу изтироблар таскин топа олмаса ёки уларни унутма, умр бўйи бахтсиз яшашга мажбур бўладилар. Шу боисдан ҳам достонлар қаҳрамонлари алам-изтироблардан қутулишга астойдил интилишадди. Уларда руҳий ривожланиш бошқаларга нисбатан кучлироқ кечади ва бу уларнинг ҳаётда янги тўқнашувлар ҳамда синовларга рўпара келишига сабаб бўлади.



Биз куйида корейс халқ қаҳрамонлик эпоси “Жумўнг” достони қаҳрамонининг характерини руҳий таҳлил методи асосида тадқиқ этмоқчимиз. (Ўзбекистонда уни “Жумўнг” телесериали орқали яхши билишади). Ушбу мавзунинг ёритишга киришишдан аввал, достон ижодкорларининг қаҳрамон руҳияти шаклланишига омил бўлган шарт-шароитларга оид қарашларини руҳий таҳлил (психоаналитик) методи воситасида талқин қиламиз.

“Жумўнг” достони корейс халқ оғзаки бадиий ижодиётининг юксак намуналаридан бири. Достон, яратилиш даврига кўра, қадимийлиги боис, унда архаик эпик қатлам яққол кўзга ташланади.

Жумонг (Донг Мён Ван) корейс миллатининг қадим тарихидаги энг йирик Гўгирё империяси бунёдкори сифатида кўплаб олимларнинг эътиборини тортган.

Корейс халқ бадиий ижодиёти поэтик анъаналари Корея ўтмишидаги “уч давлат даври”гача, яъни IV VII асрларга қадар жонли оғзаки ижро орқали оғиздан оғизга ўтиб, сақланиб қолган. Кейинчалик, Гўгирё давлати (918–1392 йиллар) даврида, халқ оғзаки ижодининг йирик намуналари, жумладан, Жумўнг ҳақидаги достон ҳам хитой алифбоси асосида ёзиб олинган. Асарнинг ўша даврда ёзиб олинган айрим вариантлари, баъзи қисмлари йўқолиб кетгани боис, асар ҳажми анча қисқарган.

Кореяда ва хорижий мамлакатларда чоп этилган тадқиқотларда бу достон Гўгирё давлати барпо этилиши тарихи билан боғлиқ воқеаларга бағишланган эпик асар эканлиги қайд қилинган. Достоннинг Кореядаги эски вариантлари “Гванчетованвий”, “Мўдумёжи”, каби китоблар орқали бизгача етиб келган кўплаб тадқиқотларда

таъкидланган. Улар орасида “Самгуксаги” ва “Донггукесанггужип” намуналари энг аҳамиятлилари саналади. Чунки Кўриё давлати даврдан кейин ёзилган барча асарлар ана шу икки китоб асосида яратилган.

Ривоятга кўра Жумўнгнинг онаси Юхва бир тухум туғади. Шоҳ Гимва ўзи севган аёли Юхва билан алоқаларидан кейин туғилган ғайритабиий, яъни ноодатий ҳодиса, деб тухумни йўқ қилиш учун уни отхонага элтиб ташлайди. Лекин отлар тухумни босиб синдирмайдилар, аксинча, эҳтиётлаб, авайлаб-асрайди. Бундан хабар тогган Гимва тухумни тоққа элтиб ташлатади. Тоғдаги жониворлар ҳам тухумни авайлаб сақлайди. Ноилож қолган, тухумни синдириб йўқ қилмаган Гимва уни Юхвага қайтариб беради. Шу тухумдан ўғил бола дунёга келади. Кўринадики, Гимва тухумга нисбатан салбий муносабатда бўлган. Нима учун? Чунки саройда яшайдиган аёллар шоҳдан бошқа бирор кимса билан жинсий алоқада бўлиши мумкин эмас. Бунинг устига, Юхва Гимванинг хотини эмас, балки дадаси уйланган аёл эди. Шу боисдан, Гимва Юхвадан она меҳрини кўмсар, унга шундай кўз билан қарарди. Кутилмаганда Гимвада онага бўлган муҳаббат ўрнини аёлга нисбатан эркаклик иштиёқи, интим туйғу пайдо бўлиб, кучайиб, натижада у Юхва билан жинсий алоқа қилади. Шу тариқа Гимванинг болалик даври ҳаёлатидаги онгсиз жинсий фантазиялари бўй кўрсатади. “Оилада энг катта қиз” бўлган Юхва ўз отасини, онгсиз равишда, эркак кишини севгандек севади ва ундан бола туғишни хоҳлайди, яъни унда оналик туйғуси пайдо бўлади. Демак, дostonнинг “эдик комплекси”нинг ўзига хос эпик талқинини ушбу ўринларда кўрамыз.

Биобарин, Юхвада юзага келган туйғуларнинг барчаси ундаги оналик хусусиятларининг белгисидир.

Гимва ва Юхванинг онгсиз истақлари бир-бирига мос келгани туфайли бир-бирини яхши кўришади. Лекин Гимва образида “ота қонуни”ни бажарувчи қирол тимсоли ўз ифодасини тогган. Тамоилга кўра, агар қирол ўз халқини севмаса ва шоҳ шаънига нолюйқ ишни қилса халқ томонидан ўлдирилиши ҳам мумкин. Шунинг учун Гимва ўзининг Юхва билан алоқасини халқига билдиришдан кўрқади. Унинг “никоҳсиз туғилган боласи” – Жумўнгни қабул қилиши қийинлиги боиси ҳам ана шундан. Жумўнг мавжуд жамият урф-одатларига хилоф тарзда шу жамият аъзоси бўлган ота-онасининг катта хатоси, яъни уларнинг ўз хоҳиш-майллари қондиришлари оқибатида туғилгани учун дунёга келган дақиқадан бошлаб ҳаётида доим ғам-ташвишга, нохуш ҳодисалар ва тўсиқларга дучор бўлади.

Жамият урф-одатига кўра чақалоқ – Жумўнгнинг қонуний отаси йўқ. Демак, Жумўнгни ўз отаси ноаниқ сабабларга кўра ташлаб кетган ва ҳеч қачон ўғлини тан олмайди, у билан кўришмайди. Гарчи катта бир давлатни барпо этган бўлса-да, халқ отаси томонидан ташлаб кетилган зурриёдни, ахлоқий мезонларга мос келмайди, деган ақида туфайли қабул қилиши қийин. Шу боисдан Жумўнгнинг кечмишини дostonда очик-ойдин баён қилиш ножоиз. Шу сабабга кўра, эпик қаҳрамон Жумўнгнинг отаси асарда куёш култи билан боғлаб талқин этилади. Қаҳрамонни тан олмайдиган чин отаси эса учинчи шахс сифатида кўрсатилади. Лекин масалага руҳий таҳлил методи воситасида ёндашганда, яъни психоанализ нуқтаи назаридан қараганимизда Жумўнгга биринчи бўлиб зарар етказадиганлар аслида ота-онаси эканлиги аён бўлади. Чунончи Тухум отхо-

нага ташлаб юборилади. Ифлос оғилхона эса, жамият томонидан нопок, нотоза жой, деб қаралади.

Ота-онаси томонидан тан олинмаган, иззат-нафси топталган индивид, яъни тухум ичидаги ҳомила ўзининг одам яшамайдиган ёмон жойга ташланганини сезади. Хўш, оғилдаги отларнинг тухумни босиб синдирмай, аксинча, уни химоя қилиши сабаби нимада? Қадимгилар тасаввурида от илоҳий, мўътабар жонивор саналган. Машхур олим З.Фрейднинг фикрича, “От – куч, қудрат ва ота ёки оналик тимсолидир”. Демак, бир томондан кимдир тухумни йўқ қилмоқчи бўлиб ташлаб юборса, иккинчи томондан, бошқа биров уни асрайди. Шу боис, тухум ичидаги ҳомила ўзининг ҳаётий мавқеи ва хурмат-этиборини йўқотмай, умри давом этишига ишониб яшайди.

Гимва отхонада ҳам, тоғда ҳам омон қолган тухумни йўқотиш учун уни синдириб ташлашга уринади. Лекин тухум синмайди. Дostonда ўз ифодасини тогган воқеаларнинг аксарияти эпик тасвирдан кўра кўпроқ рамзийликни ифодалашини унутмайлик. Чунончи Гимванинг тухумни синдиришга уринган хатти-ҳаракати ҳам ортиқча ғашига тегиш, бузиш, азобланиш – “бичилиш комплекси” каби туйғуларнинг рамзий талқинидир. Айна вазиятда Гимванинг тухумга тажовузи воқеликка онгсиз ҳиссий муносабатнинг ўзига хос ифодаси бўлиб, бунга қаҳрамоннинг нафрати ва беҳузурлигини такрор кўрсатиш орқали унинг алаmidан халос бўлиш мақсадида уринган ҳаракати сифатида қаралади. Гимва она ўрнига “севги объекти” қилиб олган Юхвани ўз бола-сига бериб қўйишдан кўрқади. Бу “эдик комплекси”нинг таъсири билан боғлиқ. Бошқаларнинг салбий фикри, танқидидан, “бичилиш комплекси”дан кўрқиб кетгани учун бунга сабаб бўлган тухумни йўқ қилишга урингани Гимванинг “кучсиз”ликдан азобланиш ва “бичилиш комплекси” беҳузурлигининг ифодасига айланади. Лекин унинг беҳузурлиги ва жаҳли “бола”сига бўлган севги (эрос) туфайли кейинчалик бир оз юмшайди.

Тухум уч марта оғир синовга бардош бергач, ниҳоят онага қайтарилади. Корейс халқида “уч” рақами “эркак кучи – “эрлик”, “муқаддаслик”, “бенуқсонлик” тимсоли ҳисобланади. Қаҳрамоннинг уч марта оғир синовдан ўтиши эса, унинг насиб этиши тақозо қилинган – омадсиз тақдирдан қутулиш, барча тўсиқларни енгиб ўтиш имконини кўрсатади. Оддий боланинг чақалоқ пайтидаёқ бошидан кечирган синовларнинг уч бор такрорланиши эса “энг биринчи объект” (тарбияловчи – онаси), “энг биринчи жинсий объектлар” (қарама-қарши жинслар – ота-онаси), “энг биринчи бир хил жинс” (ота) ота билан киришган алоқаларининг рамзий талқинларидир.

Яралиш мотивининг бундай талқини дostonда бошқа маънони ҳам ифодалайди. Яъни қаҳрамон руҳиятининг вужудга келишидаги азобли туғилиш жараёнининг ўзига хос тартиботини англатади. Яъни “она-бола”нинг ўзаро яхши алоқаси боланинг илк руҳий-ҳиссий туйғуси – ўзликнинг пайдо бўлишини ифодалайди. Ҳақиқий ўзини барпо этган бола улғайганида ҳам қандайдир фалокатлар туфайли руҳий муаммоларга дуч келганда уларни осонгина енгиб ўтиши мумкин бўлади.

Қаҳрамонлик эпоси “Жумўнг” дostonи алоҳида бир шахс, тарихий сиймонинг бошидан кечирганлари мифозепик тасвирдангина иборат асар эмас, балки корейс халқининг шонли тарихи, этник шаклланиш жараёнларининг эпик кўламда тасвирланган дostonдир. Жумўнг тимсолида биз миллати учун мислсиз жасорат кўрсатган қаҳрамон тимсолини кўрамыз.



Ғайрат МАЖИД



Бу кун ишқ мавсуми

* * *

Бир кун аён бўлгай олам асрори,
Поён топармиди юрак тилсими.
Ошиқ юрагимнинг кетмас баҳори,
Бу кун ишқ мавсуми,
Бу ишқ мавсуми.

Кетдик, юлдуз тўла осмон боғига,
Сомон йўли элтар фалак тоқига,
Кўнгил тушин гулнинг алвон оҳига,
Бу кун ишқ мавсуми,
Бу ишқ мавсуми.



Дунёни бошқача дунё этгали,
Яна дилни булбули гўё этгали,
Тошларни, қумларни кимё этгали,
Бу кун ишқ мавсуми,
Бу ишқ мавсуми.

Юрак, юракларга зиё бўлмасанг,
Ҳам шундай ёғдули наво бўлмасанг,
Ҳечам розимасман дарё бўлмасанг,
Бу кун ишқ мавсуми,
Бу ишқ мавсуми.

* * *

Баҳорга ичikkan гуллар саргардон,
Кўкларга узанган қўллар саргардон.
Йилларнинг илкида йўллар саргардон,
Йўқотганим нима,
Топганларим не?



Ўзича дилдираб дилми адашган,
Бир гўзал жаннатий елми адашган.
Кўнгил дунёсида гулми адашган,
Йўқотганим нима,
Топганларим не?

Фасли хазонларга умримни қориб,
Ётдим тупроқларга бағримни бериб.
Шунчалар ожизман, шунчалар гариб,
Йўқотганим нима,
Топганларим не?

Алвидо айтдим ман видога, ай дил,
Кўнглимга бегона садога, ай дил.
Илтижолар ёлғиз Худога, ай дил,
Йўқотганим нима,
Топганларим не?

ҲАҚДАН БИЛДИМ

Бу дунёнинг жилвасига учмоқ нега,
Узуқ-юлуқ шевасига учмоқ нега,
Париларнинг ишвасига учмоқ нега,
Кўзим узра тоза нигоҳ Ҳақдан, билдим.

Юрак маним қанотлари алвон қушим,
Яна тинмай чарх ургувчи карвон қушим,
Олисларга дилни бошлар сарбон қушим,
Кўнглим ичра муқаддас оҳ, Ҳақдан, билдим.

Неки қайғу ютавериб йиғлайверсам,
Ишиқ йўлидан ўтавериб йиғлайверсам,
Зор-интизор кутавериб йиғлайверсам,
Дил чашимага тиниқ ирмоқ Ҳақдан, билдим.

Савдоларнинг синоатин англагувчи,
Нидоларнинг синоатин англагувчи,
Наволарнинг синоатин англагувчи,
Муножоту Дугоҳ, Сегоҳ Ҳақдан, билдим.

Сидқу вафо дил қасрига қўрган доим,
Қасру қўрганларни ўзи қўрган доим,
Шамол бўлиб, дарё бўлиб уйғон доим,
Тилу дилим айтар Оллоҳ, Ҳақдан, билдим.



* * *

Алда мени, севгилим...

Рауф ПАРФИ

Оҳ! Дунё Карбало даштини,
Кимдан олдинг кимнинг қасдини,
“Севмайман, деб айтма ростини”,
Алда мени, севгилим, алда.

Майли Вомиқ-Узро бўлмасак,
Майли Тоҳир-Зухро бўлмасак,
Майли битта дунё бўлмасак,
Алда мени, севгилим, алда.

Ташишидан безсам дунёни,
Қўмсайверсам хуришид-самони,
Ёмон кўрсам ҳамки риёни,
Алда мени, севгилим, алда.

Ким кўрибди бекам-кўстини,
Тоқат дедим дилим дўстини,
“Севмайман, деб айтма ростини”,
Алда мени, севгилим, алда.



* * *

Менинг йўлларимни боғлама, ганим,
Дилингни кинлардан тозалаб юбор.
Умидни одамзод бермайди, ахир,
Мен Ҳақдан тилайман не истагим бор.

Менинг йўлларимни боғлама, ганим,
Мен ошиқ дилларнинг туробидирман.
Гулнинг ҳижронида куйиб, ўртаниб,
Кўйида бир чашими туробидирман.

Менинг йўлларимни боғлама, ганим,
Қанча мусибат бор, дилим бардошли.
Сенинг йўлларингга парвойим йўқдир,
Бу менинг йўлимдир, тиканми, тошли.

Менинг йўлларимни боғлама, ганим,
Шундай ҳам дунёси гаддор, димоғдор.
Хиёнат вақтинча голибдир, аммо
Ҳамиша музаффар садоқату ор.

Менинг йўлларимни боғлама, ганим,
Ҳисларимни қушдай кўкка учирдим.
Меҳр сўзин ёздим кўнгил лавҳига,
Барча ёмонликдан кечдим, кечирдим.

Менинг йўлларимни боғлама, ганим...

БАҲОР

Кўзлару кўнгиллар яшнасин дебми,
Кўклам боғ-роғлар тўшайди шолча.
Муаззам баҳорнинг оппоқ булутдек,
Оппоқ орзуларин гуллайди олча.

Дарёдек оқади буғдойзорлар, оҳ,
Қуёшга ёзилган ям-яшил пайгом.
Рангин камалакмас, ахир, бағрингда,
Рангин бир муҳаббат порламиш, Осмон.

Бошига оқ дўпти кийган тоғларнинг,
Ўйларин шилдираб сўйлар жилгалар.
Ялпиз бўйлай дея ариқ лабидан,
Аста бош кўтарар, аста қўзгалар.

Ҳофиз қушчаларнинг сирли навоси,
Сахий маликадан тортиқ бир сайроқ.
Қаранг, қизгалдоғу қоқиғуллардан,
Лойсувоқ томларда илибди байроқ.

Ҳамма, ҳамма нарса, илгаяпсизми,
Уйғониш фаслига етдик деб мамнун.
Хўб, пардоз айлаган Лайлидир – баҳор,
Унга интиқ бўлган жон борки Мажнун.

Кўзлару кўнгиллар яшнасин дебми,
Кўклам боғ-роғлар тўшайди шолча.
Муаззам баҳорнинг оппоқ булутдек,
Оппоқ орзуларин гуллайди олча.



Фулом КАРИМИЙ

АРСЛОНХОН МИНОРАСИ

Ҳикоя



Ҳижрий 523 йилнинг¹ жазирама ёзи. Пайканд – Бухоро карвон йўлида йўловчи сийрак. Карвонлар салқинда йўл босишни мўлжаллаб, жазирама туш пайтини карвонсарой ва работлар девори соясида ўтказиб ҳордиқ чиқаришади. Офтоб ғарбга оғиб, тиғи ўтмаслашгач, карвонсаройлардан биридан бир тўп қуролланган отлиқлар қўш отли, заррин соябон арава ҳамроҳлигида Бухоро сари йўлга тушди. Отлар гижинглаб, сувлиқларини чайнаб, олға талпинсаларда, суворийлар тизгинни тортиб, оҳиста йўл босишар, имиллаб бораётган аравадан илгарилаб кетмасликка уринишарди. Отлиқлар барчаси пўлат совут ва дубулға кийишгани, қимматбаҳо от абзаллари, олдинда бораётган ясовул кўтариб олган баланд туғдан улар хоннинг шахсий соқчилари экани дарҳол четга чиқиб йўл берган йўловчилар ва йўл бўйидаги қишлоқлар аҳолисига тез аён бўларди. Бироқ негадир ҳамиша кумуш эгарли, зар ёпинчиқли қорабайир отда савлат тўкиб борадиган Мовароуннаҳр хоқони қорахоний Арслонхон Муҳаммад ибн Сулаймон кўринмас эди. Соябон арава ортида бошларига салла ўрашгани ва қуролсиз эканликлари боис бошқалардан яққол ажралиб турган икки-уч табиб, шунингдек, зарбоф тўнли бир неча мулозим хомуш ва ўйчан ҳолда бир-бирлари билан пичирлашиб гаплашиб боришарди. Соябон аравада ётган хоннинг хасталигини сир тутишга ҳарчанд уринишмасин, совуқ хабар шамолдек ўзига йўл топиб, хон мавкаби Бухорога етиб келмасданоқ, ёшу қари бухороликлар бундан воқиф бўлишди.

Арслонхоннинг Бухорога ташрифи ҳар гал ғоят тантанавор кечар, шаҳар дарвозалари олдида карнай-сурнайлар чалинар, нафақат аёёну умаролар, уламою боёнлар, балки оддий бухороликлар ҳам фавж-фавж бўлиб, улуғ ҳукмдорни қаршилаш, садоқату ихлосларини изҳор этиш учун чиқишарди. Бу гал эса аҳли Бухоро хоннинг ташрифидан хурсанд ёки хафа бўлишини билолмай ҳайрон эди.

Пайкандга сув чиқариш учун қазилаётган ариқ ва вайрона шаҳарни қайта тиклаш мақсадида бошланган қурилиш ишларини кўздан кечириш учун борган ҳукмдорнинг кўққисдан оёқ-қўли фалажланди. Не-не табиблар, ҳакими ҳозиқлар дардига даво топишолмади. Оёқлари тамоман шол бўлиб, муолажадан сўнг фақат қўлларини сал ҳаракатлантира оладиган бўлди. Тақдирга тан берган Арслонхон пойтахт Самарқандга қайтиб, қурултой қақриб, Мовароуннаҳр тожу тахтини тўнғич ўғли Насрга топширишни кўнглига тугиб қўйди.

Хонга азият етмасин, дея ғоят секин йўл босган мавкаб кечқурун Сумитанга² етиб келди. Арслонхон тахтиравонда ётган ҳолида Бухоронинг Чаҳор Бақри – Абубакр Фазл, Абубакр Ҳомид, Абубакр Тархон ва Абубакр Саъд қабрларини тавоф қилиб, мухтожларга назр-ниёзлар улашди. Тунни Сумитанда мазор ёнида ўтказиб, тонг отиши билан хон мавкаби Бухорога йўл олди.

Хон хасталигини элу юрт мусибати деб билган бухороликлар қиёфаси ғоятда маҳзун. Хон беморлиги ва бемажоллиги сабаб, аёёнлар ва раият билан кўриша олмаслигини ясовуллар эълон қилгач, халойиқ йўлнинг икки тарафига четланди ва отлиқ соқчилар

куршовидаги соябон арава Қоракўл дарвозасидан шаҳарга кирди. Ҳамиша найзаларини азот кўтариб юрадиган соқчилар ғусса аломати сифатида найза учларини ерга қаратишган. Арава ортидан мунғайиб келаётган бухороликларнинг кўзларида ёш йилтирарди. Ахир, Бухоро ободлиги, халқ осойишталиги ва фаровонлиги учун Арслонхончалик жон куйдирган ҳукмдорни тарих кам кўрган.

Арслонхон ўзини саройга ёки Аркка эмас, жоме масжидига олиб боришни буюрди. Ўн йилча аввал ўз фармойиши билан қурилган муҳташам масжид олдида уни аравадан тахтиравонга олишди. Хоннинг паҳлавон гавдаси анча кичрайиб, қушдек енгил бўлиб қолган, мош-гуруч соқолли юзи рангпар, қалин қошлари остидаги кўзлари ич-ичига чўккан бўлса-да, ҳамон тийрак. Масжид олдида қад кўтарган юксак минорага боқаркан, туйқус хоннинг кўзлари ёлқинланди. Минора қурилганига икки йил бўлди, холос, бироқ довруғи етти иқлимга таралди. Узоқ-яқин ўлкалардан Мовароуннаҳрға келиб-кетаётган савдогар ва сайёҳлар Бухородан сўз очишганда гапни минора таъриф-тавсифидан бошлашади. Бунёд этилиши ҳамано, қадимий шаҳар тимсолига айланган беназир иншоотнинг пастидан тепасигача муайян оралиқда безаклар алмашина боради. Жонсиз ғиштлар меъмор муҳандислар иродаси билан турли ҳандасавий шакл-нақшлар ясаб, белбоғлар билан ажратилган безаклар ёрқин бўёқлар билан пардозлангач, шакллар уйғунлиги ва ранглар жилосидан гўёким уларга жон битган ва жўр бўлиб, мангу ҳаёт қўшиғини куйлашаётгандай эди. Нигоҳни миноранинг бирон-бир қисмида узоқ тўхтатиб туриш мушкул: гоҳ жимжимадор тўлқинсимон безаклар, гоҳ нафис ҳандасавий шакллар, гоҳ баланддаги равоқлар тепасидаги куббачалар кўзни олиб қочаверади. Бобил минораси ва Искандария маёғидан сўнг рўйи заминда бундоқ муаззам минора қад ростлаганини бани башар тарихини сув қилиб ичган муаррихлар ҳам айтиб беришолмайди.

Минорадан кўз узолмай турган хон хаёлида икки йил бурунги воқеалар жонланди. Бир неча аср кўр тўкиб турган эски минора кошнларни кўчиб, ғишлари нураб, кўққисдан қулаб, бир тўп тупроғу ва ғишт уюмига айланди. Хайриятки, воқеа тунда рўй берганидан ҳеч кимга шикаст етмади. Жоме масжидини янгитдан тиклаган Арслонхон айна қулаган миноранинг ўрнида янги минора қурдиришга қарор қилди. Эски миноранинг умри калталиги сабоқ бўлиб, янги минора имкон қадар узоқ муддат пойдор турмоғини истар эди. Ўшанда у уста Бақони ҳузурига қақриб, арқда яккама-якка суҳбатлашган. Олис ўлкадан келган элчиларни қабул қилиш маросими эндигина тугаб, элчилар ва аркони давлат саломхонани тарк этишган, хон бошида олмосдан қадалган тож ва заррин чопонда кўзларини бир нуқтага қадаб, ўйчан ўтирарди. Меъмор таъзимдан сўнг ҳукмдор кўрсатган жой, одатда, бош вазир ўтирадиган зарҳал курсига қунишибгина ўтирди.

– Не сабабдан қақирганим аён бўлса керак, – деди хон тахт суянчиғига ястаниб. – Минора қулагани, эҳтимол, аршдан бир пайғом, яъни “янги масжидга янги минора ярашур”, – деган ишорадир. Бироқ минора ёлғиз муаззинлар азон айтиши учун қурилмаса, дегандим. Миср мамлақатидаги Искандария шаҳрида

¹ Мелодий 1129 йил.

² Сумитан – ҳозирги Чорбақр.

денгиздаги кемалар адашмай бандарга етмоғи учун улкан маёқ қурилганидан хабаринг бор. Бухорода денгиз йўқ. Бироқ чор тарафдан келадиған карвонлар қум денгизини кесиб ўтурлар. Минора ҳали чўл ичкарасида бўлган карвонлар кўзига ташланса, ниҳоят манзилга яқинлашган йўловчиларга далда ва руҳий мадад бўлур. Кошки, Бухорода боқий турадиған минора бунёд этолсак! Хўш, бу хусусда не дейсен?

Хондаги жонланиш уста Бақога кўчиб, ҳаяжондан жойида бир кўзғалиб қўйди:

– Олампаноҳ! Кўҳна минора қулаб тушгандан бери қулингизда тиним йўқ. Аълоҳазратдан бирон фармоиш бўлмаса-да, қодир Аллоҳ дилимга солдимикин, туну кун хаёлимда янги миноранинг тарҳига оид турфа фикрлар ғужғон. Ул минора хаёлимда аллақачон қад ростлаган. Бунёд этсак, шубҳасиз, рубъи маскундаги миноралар арслони бўлур!

– Баракалла, отанг бежиз Бақо номини қўймаган. Анинг тарҳини қоғозга туширдингми?

– Йўқ ҳали, ҳазрат. Амр этсангиз, шогирдларим билан уч кунда бажо келтурурмен.

– Бугундан кириш! Хазинадан сўраганингча маблағ берилур. Минора битгач, меъмор, муҳандис ва қурувчиларга минорага ишлатилган ғиштлар сонига тенг кумуш танга инъом этурмен...

Уста Бақо номига муносиб улуғ бир ишга жазм этганига Арслонхон минора пойдевори учун қазилган чуқур хандақни кўрганда яна бир бор иқрор бўлди. Хандақдаги сув коризлар орқали оқизилиб, туби қурилган, пойдевор учун жой тайёрлаётган қурувчилар тепадан қараганда митти одамчалар бўлиб кўринарди.

– Минорани замин қаърига эмас, самога қаратиб қур, дегандим-ку, – дея ҳазиллашди кайфияти кўтарилган хон.

– Заминда пойдевори қанча мустаҳкам бўлса, самога парвози шунча юксак бўлади, шохим, – деди уста Бақо, ҳозиржавоблик билан. – Алҳол, иноят кўрсатиб, минора пойдеворининг илк ғиштини муборак илкингиз ила қўйсангиз.

Хон шахт билан зар чопонини ечди. Оқ чакмонда хоннинг мушақдор қомати янада бўртиб кўринар, барча қизиқсиниб, унинг хандаққа тушишини кутарди. Аъёнлар эътирозига қарамай, хон лопиллаб турган узун нарвондан хандақ тубига тушди. Хумдонда обдон пишган ёмбидек қизғиш япалоқ чорси ғиштни зумрад, ёқут кўзли узуклар тақилган қўлида бир зум салмоқлаб, қурувчилардан бири катта ёғоч идишдан белкурақда олиб ерга тўккан қоришма устига қўйди...

Хонни масжид ичкарасига олиб киришди. Халойиқ намозга келишига ҳали вақт бор. Арслонхон ётган ҳолида касаллик оқибатида букилмайдиған бўлиб қолган қоқшол кўлларини кўкка чўзиб, пичирлаб дуолар ўқиб, Аллоҳга ибодат қилди. Шу асно хон фармониға кўра шаҳар ташқарисидаги Намозгоҳ масжиди қурилишига бошчилик қилаётган уста Бақо етиб келди. Соч-соқоли оқарган меъморни ясовуллар кийимини алмаштиришга ҳам фурсат бермай, ошиғич келтиришди. Сал букчайган уста Бақонинг эғнида яктак, бошида тумоқ, белида фўта, оёқларида маҳси-кавуш. У ҳар қуни қурилишгоҳга тонг саҳардан келиб, кун бўйи тиним билмас, чизмаларни ушлаб, ҳавозалар бўйлаб гоҳ юқори кўтарилар, гоҳ пастга тушар, ҳар жойда ҳозир

нозир бўлиб, ҳар бир ғиштниг терилишига син солиб, ишни кузатар, бирон жой кўнглига ўтиришмаса, муҳандису қурувчиларга хатоларини англашиб, амрона ўша жойни бузиб, қайта қуришни буюрарди. Сўзини ҳеч ким икки қилолмас, зеро, уста Бақо Арслонхон ёрлиғи билан қорахонийлар салтанатининг бош меъмори лавозимига тайинланган. Уста Бақо хоннинг аянчли аҳволдан гарангисиб, беморга жавдираб қарар, устма-уст таъзим қилар, тили калимага келмасди. Унинг аҳволини тушунган Арслонхон ўзи сўз қотди:

– Кўп вақтингни олмасмен, уста. Бухоро мен учун азиз, бироқ узоқ тўхталишга бу гал фурсат йўқ. Дилим суҳбатингга мойил. Холи суҳбатимиз ўзинг қурган минора тепасида кечишини иштаймэн.

– Олампаноҳ, минора бунёдкори – сиз. Қулингиз эзгу ниятингиз рўёбга чиқишига восита бўлган бир меъмормен. Бироқ, минора тепасига чиқмоқ сизга азият бўлур...

– Бошқа иложим йўқ. Бухорони бутун бўйи-басти билан кўрмоқ иштаймэн. Минора тепасидангина бунинг имкони бор.

Арслонхон аёну мулозимлар эътирозига ҳам қулоқ солмади. Уни икки навкар бири бош, иккинчиси оёқ тарафидан кўтариб, зиналардан масжид томига олиб чиқишди. Бу ердан минора ёнбошига ташланган кўприкча қаршисида эшик очилган эди. Навкарлар хонни авайлаб минора ичига олиб киришди ва қўлида машъал кўтарган ясовул ортидан ним қоронғиликда эҳтиёткорлик билан айланма зинадан тепага кўтарилди бошлашди. Борган сайин минора ингичкалашиб, пиллапоаялар торайиб, чиқиш қийинлашарди. Ниҳоят, миноранинг тепадаги яна кенгайган қисмига чиқишди. Мармар қопланган айлана саҳнда ўн олти тараф равоқли дарчадан чор атроф кафтдагидек яққол кўзга ташланади. Бир оз нафасини ростлаган хонни саҳн бўйлаб айлантиришди. Хон ҳар бир дарчадан пастда ястанган шаҳри азимга ютоқиб тикилар, гўёки Бухоронинг сувратини кўз қорачиқларига жойлаб олмоқчи бўлар эди.

Мана, Бухорода қурилган илк буюк иншоот Арк, нарироқда Исмоил Сомоний мақбараси, унинг ёнида Чашмаи Аюб обидаси. Бир тарафда ўзи қурдирган сарой ва мадраса. Мадраса ҳовлиси кимсасиз. Бинобарин, талабалар дарсхоналарда мударрислар сабогини тингламоқда. Зарафшондан чиқарилган ва шаҳарни кесиб ўтиб, ҳовузларни оби ҳаёт билан таъминлайдиған Шохруд ариғи кумуш тасма каби товланади.

Ҳаётлигида “отам” дея эъзозлагани шайх Ҳасан Намадпўш хонақосининг мовий гумбазларида хоннинг нигоҳи михланиб қолди. Шайх Ҳасан ибн Юсуф Бухорий доимо намад хирқа кийиб юргани учун “Намадпўш” лақабини олган. У ўттиз йил узлуксиз рўза тутди. Ифторликка ҳам фақат шолғом ва кўкатлар тановул қиларди. Зоҳиран дунёдан этак силкгандек кўринса-да, шайх Бухоро аҳолисининг иймон-эътиқоди кучайиши учун қаттиқ қайғурарди. Яккама-якка суҳбат қурганларида Арслонхонни фақат хайрли ишларга ундарди. Шайх ўн тўрт йил аввал суиқасд натижасида шаҳид кетди. Бироқ ўғитлари хоннинг қулоғига қуйилиб қолган. Пирининг дуоси боис Арслонхон ҳукмронлиги даврида Бухорода ҳатто пойтахт Самарқанддагидан ҳам зиёда бунёдкорлик ишлари амалга ошди. Икки қатор девор билан ўраб олинган шаҳар ташқарисидаги қишлоқлар,

далаю боғларни ҳам минора тепасидан томоша қилиш мумкин. Мана, Хоразм тарафдан Варахша йўли бўйлаб турнақатор карвон келмоқда. Туялардаги тойтой юклар орасида нималар борлигини тусмоллаб билиш мумкин. Хоразмлик савдогарлар Эдил³ бўйидаги Булғор, ҳатто ундан шимолроқдаги Рус ўлкаларигача бориб савдо қилишади. Мовароуннаҳр молларини у ерларга элтишса, шимолий юртлардан олмахон, сувсар ва бошқа жониворлар мўйналари, булғорий чармни Бухоро ва Самарқанд бозорларига келтиришади. Ўзлари ҳам бойишади, тўлаган божларидан давлат хазинаси ҳам даромад кўради. Арслонхон шаҳар дарвозасига яқинлашаётган карвонни армонли нигоҳ билан кузатаркан, Юсуф Хос Ҳожибнинг талай қисми ўзига ёд бўлиб кетган “Қутадағу билик” достонининг савдогарлар ҳақидаги бобидан бир байтини пичирлаб такрорлади:

*Туғардин батарқа юриб тезгинур,
Тиламиш тилакинэ сенга келтирур.*

Ажаб, очундаги ҳар касбу корнинг ўзига хос афзаллиги бор. Ҳатто хон ҳам қаламрави сарҳадидан ташқари чиқолмайди. Савдогарлар эса, Машриқдан Мағрибгача шамолдай кеза олурлар. Арслонхон баъзан ҳузурига келган савдогарлардан рўйи заминдаги ўзи кўрмаган турфа элу элатлар, шаҳарлар, дарёлар, тоғлар, чексиз ўрмонлар, олти ойлаб қуёши ботмайдиган юртлар ва бошқа ғаройиботлар ҳақида эшитганда, беихтиёр ҳавасланар, билдирмасдан хўрсиниб кўярди.

Шаҳарнинг шарқий деворига яқин жойда катта майдонда қизғин бораётган Намозгоҳ масжиди қурилишини кузатгач, Арслонхон бошини базўр буриб, уста Бақога жилмайиб кўйди.

– Халқ ва қурилишда ишлаётганлар сизни дуо қилишмоқда, ҳазратим, – деди, унинг нигоҳидан фикрини уққан меъмор. – Қурувчилар учун хайрия тариқасида қўшимча озуқа ва зарур буюмлар келтириб бераётган бухороликлар бисёрдур.

Намозгоҳ масжиди қуриладиган Шамсобоуд мавзесида бир пайтлар қорахоний ҳукмдор Шамсулмулк сарой қурдирган ва атрофида боғ-роғлар барпо эттирган. Атроф – жавонибдаги даштнинг катта қисмини девор билан ўраб, қўриқхона қилган. Қўриқхонада қуён, тулки, оху ва архарлар тез кўпайиб, тўқайлар орасидаги кўлларда ёввойи ғозу ўрдақлар гала-гала сузишарди. Хон Шамсобоудда дам олар, ов қилиб кўнглини ёзарди. Замон ўтиб, сарой анча хароб бўлди. Собиқ қўриқхона ҳудуди хушманзара бўлгани учун бухороликлар байрамларда сайилга чиқишарди. Арслонхон бу ерда ҳайит намозлари ўқиладиган масжид қурдиришга қарор қилди. Шунда халқ ҳайит кунлари шаҳар масжидларига тикилишмай, кўпчилик Шамсобоудга боради. Ҳайит намозидан кейин сайил ва томошалар ўтказиладиган жой ҳам шу яқинда. Бошқа пайтларда Намозгоҳ Шамсобоуд ва атрофидаги қишлоқлар аҳолисига жоме масжиди сифатида хизмат қилаверади.

Хоннинг унсиз кўз ишорасига кўра, уни саҳнга ўтиргизиб, ёнбошига ёстиқлар қўйишди. Уста Бақо ёнига чўккалади.

– Аллоҳ берган бу дардга ношуқурлик этмасмен,

уста, – деди Арслонхон маҳзун тортиб. – Мени йигирма етти йил улуғ бир мамлакат тахтига ўтиргизган, улкан бунёдкорликларга изн бериб, халқнинг дуосига сарафроз этган Аллоҳ энди дард юборганида, дилимдан заррача ношуқурлик ўтса, бу қулини бандам демасин. Ахир, Парвардигор ўз пайғамбари Айюб алайҳиссаломга синов тариқасида дард ва мусибатлар юборганда, ҳазрат Айюб чидаб, шуқур этганлар-ку! Ул зотнинг қадами Бухорога ҳам теккан. Ҳассаларининг учидан ҳосил бўлган чашма сувидан ҳаммиша ихлос билан ичганмен. Улуғлар ҳаёти ва бардоши биз учун ибратдур, албатта.

Фақат бир армоним ўзим билан кетадиган кўринадир. Пайкандни – беш аср илгари Қутайба вайрон этган қадимий шаҳарни қайта обод этмоқчи, бир вақтлардаги каби Бухорою Самарқанд қаторида турувчи улуғ шаҳарга айлантирмоқчи эдим. Афсус, насиб этмади....

– Ҳали имкон бўлур, хоқоним. Каломи шарифда айтилганким: “Фаллазийна аману ва амилу лаҳум мағфиратун ва ризқун карим”⁴. Яъни: “Иймон келтирган ва яхши амаллар қилганлар учун мағфират ва улуғ ризқ бўлур”. Ажаб эмас, дард берган эгам шифосини ҳам берса.

– Қайдам, уста, бу ниятимни рўёбга чиқариш амримаҳол, шекилли. – Хон бир муддат узоққа тикилганча жим қолди. – Соғлом пайтимда сиёсатимдан кўрқиб, улуғу кичик амру фармонларимни сўзсиз бажарарди. Фалажга мубтало бўлишим билан, лашкар беклари орасида: “Арслонхон бутун хазинани қурилишларга, харобаларга сув чиқариш учун ариқлар қазишга совурмоқда. Оқибатда лашкар маоши кечикмоқда. Хоннинг куёви – салжуқийлар салтанати султони Санжарнинг лашкарлари биздан бир неча бор кўп маош олишаркан. Яна деярли ҳар йили бирон юртга юриш қилиб, сонсиз ўлжалар билан қайтишади. Биз – қорахонийлар лашкарининг салжуқийлар лашкаридан қаеримиз кам?! Биз ҳам ҳарб ишига моҳир туркийлармиз. Хон хазинадан яхши маош беролмаса, бирон юртга ғазотга бошлаб борса бўлади-ку!” – деган гап-сўзлар тарқалиб, фитна етиладигани хабарини етказишди. Албатта, фитна уруғи аввалдан мавжуд бўлиб, фитначилар қулай фурсатни кутиб юришган. Дарҳол Пайканддаги қурилишларни тўхтатиб, бор маблағни лашкарнинг маошини ошиғи билан тўлашга сарфладим. Шундай қилмаганимда фитналар бўрони кўзғалиб, салтанатда парокандалик юз бермоғи мумкин эди. Янги фитналарнинг олдини олиш учун мен тўнғич ўғлим Насрни хон деб эълон қилдим. Алҳол, пойтахтга бориб, тожу тахтни унга топширмоқчимен.

– Қарорингиз одилона ва оқилонадур, аълоҳазрат, – тасалли беришга шошилди уста Бақо. – Ўғлингиз тахтга ўтиргач, ўғит ва йўл-йўриқларингиз асосида юртни бошқарур. Иншооллоҳ, шаҳзода сиз бошлаган хайрли ишларни охирига етказур.

– Афсус, мен бундай деб ўйламасмен. – Хон яна нигоҳини кўз илғамас кенгликларга қадади. – Ёшлигимдан улуғ донишманд Юсуф Болосоғунийнинг “Қутадағу билик” асарини севиб ўқирдим. Назаримда, бу улуғ зотнинг ўғитлари Аллоҳ каломи ва пайғамбаримиз сал-

³ Эдил – Волга дарёсининг қадимий номи.

⁴ Куръон, Ҳаж сураси, 50-оят.

лаллоҳи алайҳи васаллам ҳадисларидан сўнг энг тўғри дастуруламалдур. “Қутадғу билик”да ҳукмдор халқ фаронлиги ва осойишталигини таъминлаши, вазирлар бу ишда унга таянч бўлишлари лозимлиги айтилган. Бироқ беклару вазирлар, қорахонийлар хонадонига мансуб шахзодалар орасидан мени англагучи одамни кам топдим. Шу боис улардан бирини эмас, сени ушбу суҳбатга чорладим. Яқинларимдан фақат қизим Моҳитуркон мени англади. Уни салжуқийлар пойтахти Марвга келин қилиб узатаётганимда: “Она қизим, хазинадан хоҳлаган нарсангни олиб кет”, – дедим. Қизим шундай жавоб берди: “Отажон, мумкин бўлганида сизни ва онажонимни олиб кетардим-у, бунинг иллати йўқлигини биламен. Амр қилсангиз, котиблар сиз қўлдан қўймай ўқийдиган “Қутадғу билик” китобидан бир нусха кўчириб берсалар. Мен ҳар гал уни қўлга олганимда, ҳойнаҳой, отажоним ҳам ҳозир шу китобни ўқиётган бўлсалар керак, деб сизни ўйлаймен”.

Бир куни қизимдан изтиробли мактуб олдим. У малика сифатида эрига маслаҳат берибди: “Шоҳим, пойтахтингиз Марвда катта мадраса қурдирсангиз. Илмли одамлар кўплаб етишса ва давлат ишларига олинса, салтанат равнақ топув”. Султон Санжар қизимни калака қилиб, қаҳ-қаҳ уриб кулибди: “Отанг Мовароуннаҳрнинг барча ерига ёмғирдан кейинги қўзиқориндек иморатлар қуриб ташлаётгани етмагандек, энди сен Хуросонни қурилиш майдонига айлантирмоқчимисен? Ақли бор ҳукмдор хазинани қурилишга эмас, лашкарни кўпайтиришга сарфлайди”. Бу кўнглимга оғир ботди. Фарзандим эзгу ниятда бўлса-ю, уни мазах қилишса. Дарҳол Марвга маблағ ва мактуб жўнатиб, қизимга: “Сен ўзинг хоҳлаган тарҳда мадраса қурилишини бошлайвер, то битгунича маблағ билан таъминлаш менинг зиммамда”, дедим. Қизимдан: “Отажон, қурилиш бошланди, ёшу қари марвликлар сизни дуо қилишмоқда”, деган жавоб келганида тахтга чиққан кунимдагидан ҳам кўпроқ қувонганмен⁵.

Агар билсанг, менга ворисликка энг муносиб номзод – қизим Моҳитуркон. Бироқ, афсуски, уни Мовароуннаҳр тахтига ўтқазиб имкони йўқ. Ўғилларимдан қайси бири бошига тож киймасин, хазинани лашкарни оширишга сарфласа керак. Шул сабаб, сендан ўтинчим шуки, Намозгоҳни битказишга шошил.

⁵ Арслонхон 1130 йилда Мовароуннаҳр тахтидан жудо бўлиб, 1132 йилда Балхда вафот этгач, қизи отаси жасадини Марвга келтириб, ўзи қурдирган мадрасага дафн этган.

Самарқандга етишим билан хазинадан қолган зарур маблағни жўнатамен. Бу масжид халқ учун ғоят зарур. Хайрли иморатлар бунёд этиш қодир Аллоҳга ҳам мақбулликка далиллардан бири шуки, катта бобом Шамсулмулк ўзи учун Шамсобоғда қурдирган тиллақори сарой бир аср ўтмай вайрон бўлиб кетди-ю, қарвонлар ва йўловчилар манзилгоҳи сифатида чўл ўртасида қурдирган Работи Малик ҳануз эл қорига ярамоқда. Бу менга дарс бўлиб, Бухорода қурган саройимни ҳам мадрасага айлантирдим. Эндиликда Аллоҳ менга оғир дард юборган бўлса-да, халқ хизматини бўйнимдан соқит қилгани йўқ. Бу Бухорои шариф билан сўнги дийдорлашув. Бугун Қорақўл дарвозасидан кирган бўлсам, эртага Самарқанд дарвозасидан чиқиб, суюкли шаҳримни мангу тарк этамен. Намозгоҳ битгач, масжиднинг очилиш маросимига шахзодалардан бири келиб, хизматларингни тақдирлайди, албатта.

– Хотиржам бўлинг, ҳазрат, илк ғиштини ўзингиз қўйиб берганингиз Намозгоҳни албат битказурмиз, – деди уста Бақо овози титраб. – Ҳозирги дамда хазинадан катта маблағ ажратиш мушкуллигини қўлингиз яхши англаймен. Минорани қурганимизда нисор этган инъом-эхсонингиз туфайли ҳанузгача ҳеч нарсага зориқмай рўзгор тебратиб келмоқдамен. Бинобарин, Намозгоҳ қурилиши учун менга ваъда қилганингиз ҳақдан воз кечамен. Ўша пулга масжиднинг бир устунни тикланса, қўлингиз учун энг катта ҳақ шудир. Муҳандису меъморлик касбини эгаллаган ўғилларим ва жиянларим ҳам маошсиз ишлай олурлар.

Арслонхоннинг мижжаларида ёш йилтиради. Қўлини зўрға кўтариб, меъморнинг елкасига қўйди.

– Умринг узоқ бўлсин, яна кўплаб дунё тургунча турадиган бинолар қуриш насиб этсин, азиз дўстим!

Уста Бақонинг ўпкаси тўлиб, хоннинг қуруқшаб қолган қўлини авайлаб ушлаб, дувиллаб ёш тўкилаётган кўзларига сурди. Бухорои шарифнинг жаҳоний шухратига шухрат қўшган икки улуғ фарзанди ўз заминий фаолиятларини яқунлашлари учун жуда оз фурсат қолганини ботинан англаб, аччиқ кўзёши тўкишар, Арслонхон ва уста Бақони елкасида кўтариб, кўкка мағрур бўй чўзган минора Аллоҳнинг изни билан бунёдкорлари бўлган бу зотларга уларнинг муборақ номи ва эзгу аъмолини асрлардан асрларга олиб ўтажанини айтиб, гўё унсиз таскин-тасалли берарди.





Дилафруз ТҰРАҚУЛОВА

Менга мухаббатни ўргатгин, Эгам



ЙЎҚОТДИМ ВА ТОПДИМ

Қалб. Исён кўтарар. Беаёв ҳадик,
Бошга гишт тушгандек қарахт турибман.
Бойлигин йўқотиб қўйган телбадек,
Мен ҳамон ўзимни излаб юрибман.

Ҳаёт. Юклаб қўйма дарду-ташвишинг,
Кўрган ситамларим шусиз ҳам озми?
Бир пайтлар кутардим қорнинг ёғишин,
Энди ҳис қилмайман баҳорми, ёзми.

Шамол. Ёлғиз эсиб зерикмадингми?
Билсанг ҳамроҳ бўлар булутлар селга.
Дил дафтарим варақла, кел, энди мени –
Олиб кет қадамлар етмас манзилга.

Мўъжиза! Мен қайта тугилдим гўё,
Йўқотиб қўйгандим ҳатто сўзимни.
Барин қайтиб берди шафқатли дунё,
Ажаб, топиб олдим энди ўзимни.

СЕВИШНИ ЎРГАТ

Мухаббат. Нима у, бахтми ё кўзёш?
Не учун бемаврид муздади кўнглим?
Энди қандай бўлай у билан сирдош,
Севишни менга ҳам ўргатгил, дўстим.

Асраган кўзларга тушиди хору хас,
Севги кўп яшамай таслим қилди жон.
У тирик. Топаман. Ҳали кеч эмас,
Ёрдам бер, севишни ўргат, қадрдон.

Нетай, мухаббатнинг кўзи кўр экан,
Менинг ҳам кўзларим кўр бўлди, нетай?



Юрагим саҳнини босмасдан тикан,
Севишни ўргатгин, мен ҳам ҳис этай.

Юракни гам босди ёгилгандай сел,
Ювилиб кетсайди ўтмишидаги дард.
Йўл сўраб одамдай яшай, ёрдам бер,
Йўл кўрсат, севишни ўргат, мухаббат.

Айтгил, нима қилсам уни топаман,
Не қилсам оғриққа топилар малҳам?
Бир умр ўтмайин гўё шарпадай,
Менга мухаббатни ўргатгин, Эгам!

ОДАМДЕК ЯША

Келасан, кетасан. Лом-мим демайсан,
Керак эмас менга жонсиз ҳис-туйғу.
Эшикдан мунгайиб қарайсан мудом,
Ва ташилаб кетасан бир олам қайғу.

Меҳмон бўлиб эмас, мезбондек яша,
Қалбим ўртасидан жой ол, қаср қур.
Сен излаган севги мана, кўр, ўша,
Мардлик қил, у билан абад бирга юр.

Ишқнинг нимжонгина қўлларидан тут,
Етакла уни ҳам бахт манзилига.
Бас, энди қўрқувни, ҳижронни унут,
Шодлик-ла олиб чиқ севги сайлига.

Юрак ирмоғида югурмаса сув,
Мухаббат боғида хазон бўлардим.
Сенинг ҳаётимга атаганинг шу –
Келмоқ қувончи-ю, кетмоқнинг дарди.



*Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,
ЎзМУ доценти*

ЗИЛОЛА САТРАЛАР

Шеър ишқидан бир тутам кўнглингизга тушган бўлса сиз бахтли инсонсиз. Чунки шеърият ва гўзаллик доимо бир-бирини излаб юради.

Ҳамиша соҳир туйғулар оғушида яшаш шоирликнинг биринчи белгиси бўлса керак. Китоб чоп эттирганларнигина шоир деб тушунадиганлар бор, аслида шоирлик кўнглида бўлади. Эзгу туйғулар билан инсон ўзини руҳан бойитиб бориши керак. Исдеъдодли шоирнинг гўзал шеъри кўпчилик дилига нур бериб, кўнглини поклашга хизмат қилади. Қандай туйғулар ҳақида эмас, қандай ёзишда деган гап бор. Зилола Хўжаниёзованинг шеърларини ўқиганингизда мавзу ранг-баранглигини бирлаштириб турувчи бир ҳолатни – мана шу “қандай” ёзишни сезасиз. Бу ҳисларини майин ифодалашга ошuftалик. Кутилмаган хулосалар беришга, гўзал сатрлар яратишга интилиш. Шоира нима ҳақида ёзмасин ўзига хос овозда шеър айтмоқни истайди. Ҳар бир тушунчани ўзича изоҳлашга рағбат билдиради. “Ватан” шеърда юрт кечмишини шундай тасаввур қилади:

*Гоҳида шуқуҳли аркони давлат,
Гоҳида бурдалаб ташланган бир тан,
Гоҳо ўзлигини йўқотган миллат,
Гоҳ эрки кишанлаб қўйилган саман.*

Ватанни “буюк саждагоҳ” дея эъзозлаган шоира унинг ўтмишига-да, келажагига-да бирдек меҳр билан қарайди. Сатр бошида сўзларнинг такрор келиши-аллелетерасия ҳодисаси маънони, шеър архитекtonикасини кучайтирган. Сатрларда юрт бошидан кечирган яхши-ёмон кунларга ишора бор. Шоира “Ўғлоним” шеърда савол-жавоб тарзида “Ойи, Ватан нима?” саволига жуда ўзбекона жавоб беради. Кўз очиб кўргани, юракнинг ҳар лаҳза ургани, бешиқдаги кўзmunчоқ, ўзбек ўғлонининг ғурурию, қизларнинг ибосида, ҳовлидаги райҳону момоларнинг алёру алласида дея тушунтиради:

*Ўзбек ўғлонига кўркдир ғурур-ор,
Қизлар ибосида Ватан нақши бор!
Момонғининг алёру алласи Ватан,
Ҳовлимизда ўсган райҳондир Ватан!*

Ҳа, мана шундай Ватанга меҳрни болаларимиз гўдаклигиданоқ онгига, шуурига қуйишимиз, юртга садоқатни ўргатишимиз керак. Ватан, она сўзлари кўпинча ёнма-ён юради. Бу мавзуда қалам тебратган шоирлар қалбидаги туйғулар пўртанасидан келиб чиқиб, Ватанга ва онага меҳрини ифодалайдилар. Шу билан бирга онанинг фарзандга бўлган муҳаббатини ҳам ўтли сатрларда ифодалайдилар. Зилола бу мавзудаги шеърларида қуруқ, баландпарвоз гаплардан қочади. Самимий, дилида борини сатрларига сочади ва оналарнинг ташвиши фарзандлар туфайли эмасми деган хаёлларга боради. Она сочидаги оқ, юзидаги ажинлар кўпайишига ўзини айбдордек сезади:

*Она! Сочингизга оқ оралабди,
Аслида айбдор менмасми... Она?!
Йиллар юзингизга тўр қоралабди,
Йилмас, асл маддор менмасми... Она?!*

Айни пайтда дунё шодлигини онанинг жилмайишида кўриш, бу ҳам фарзанднинг ўзгача нигоҳидан.

Зилоланинг дунёга шеърият кўзи билан боқишга интилиши, шеър азобидан ҳайиқмаслиги унинг янги-янги бадий топилмалар қилишида қўл келади, кашфиётларга ундайди. Яхши шеър азобида қийналиш истагининг ўзи ашъорга фидойилик эмасми?

*Қўйинг энди мени, майда ташвишлар,
Майдаланиб кетдим зарра ҳисоби.
Азобдан иборат бўлса яшамоқ,
Майлига қийнасин, шеърнинг азоби.*



Мана шу азоб – “Илиниб ойнинг бир тутам нурига”, “Дарахтлар шохида оққушлар меҳмон, куртаклар сирини айтмоққа ҳозир”, “Сўлиб қолса муҳаббатнинг ғунчаси гар, тирилсалар кўзларимнинг ёшларидан”, “Кўзларимнинг тили гуллайти қийғос, заҳоб кўчаларда изларим ютар”, “Майсалар замининг бағрига, сиғмаган туйғулар тилидир”, “Қуёш – кўкнинг мангу тегирмон тоши”, “Кўксимда дарз кетган тошойна – Кўнгил!..” каби гўзал ташбеҳларнинг туғилишига замин яратгандек. Шу азоблар учун шоирага нафис ўхшатишлар инъом қилингандек таассурот туғилади шеърхонда.

Шоира табиат ҳодисаларидан руҳиятига мос ажойиб қиёслар топади ва ниятини ҳам шу зайлда сингдира олади. “Ҳаёт чизгилари” шеърида: – “Ёмғир... менинг улкан кўнглимнинг синиб тушаётган бурда-бурда бўлақларидир”, – дейди-да фалсафий хулосаларга мойил тарзда, инсон руҳиятининг пучмоқларига назар ташлайди, нигоҳ орқали характерни кўрсатишга боради:

*Кимдир ўзни панага олар,
Мўлтирашар дарчаларидан,
Намиқиб, хасталаниб қолмайин дея,
Менинг кўнгил парчаларимдан...*

Шоира ишқ, соғинч, ҳижрон, армон, исён каби ҳеч кимга бегона бўлмаган туйғулар ҳақида ёзганда янада жўшиб кетади, туйғулари қалб тубидан силқиб-силқиб чиққандек бўлади. “Қалбимда туйғулар қалқийди гирён” мисраси билан бошланувчи шеър ошиқ истагининг энг авж пардаларда куйланган оҳларидек тасаввур уйғотади:

*Гар севсанг ўт бўлиб, оташдай севсанг,
Ёндириб- куйдириб, қуёшдай севсанг.
Гар севсам, мавжланиб уммондай севсам,
Чексизу ҳудудсиз осмондай севсам.*

Ҳудудий чексизликларни қўмсаш, қуёшдек севгига уммондек жавоб бериш иштиёқи ва шу залворга дош бериш истаги, лирик қаҳрамон кўнгил қудратидан, мусаффо ишққа орзумандлигидан далолат. Бу ўқирманни-да кенгликларга чорлайди, қалбига мусаффолик олиб киргандек бўлади.

Шоира туйғуларини ифодалашда сўз ўйинидан, сўзларни маъно-мазмун жиҳатдан қарама-қарши қўйишдан усталик билан фойдаланади. “Ишқ дарди...” шеъридаги қуйидаги тасвирга қаранг:

*Кўксимда жар битган, кўзимда жилға,
Кўнглимда дийдирар қирқ йиллик чилла,
Сенсиз кунларимни ичаман ҳилла,
Ердаги оҳларим етмас осмоним,
Барибир яхшисиз, менинг “ёмоним”.*

Мана шу руҳ, туйғулар селоблиги, майин оҳанг, гўзал ташбеҳларга бойлик Зилоланинг “Кузги дарахтларнинг баргида соғинч”, “Ҳали сизга айтолмаган сўзларим”, “Армон суврати”, “Ярим тун”, “Ўзимдан Ўзимгача”, “Туйғулар исёни” каби лирик шеърларини ҳам қамраб олган.

Зилоланинг бу мавзудаги шеърларини ўқиганингизда, яхши шеър ҳақида гапириш мушкуллигини, унинг тўла таравотини ўқиганингиздагина ҳис қилишингизни сезиб қоласиз. “Юрагимда довулми, исён”, “Сенсизлик”, “Ҳаёт чизгилари”, “Аслида...” шеърлари фикрингизни яна ва яна тасдиқлагандек бўлади.

Армонли дунё, умидли дунё кўп ишлатамиз. Шоира ўзича армоннингда умиднингда бир-бирига боғлиқлигининг моҳиятини очади. Тақдир сўқмоқларида адашган, ҳаётнинг бешафқат сўроқларидан озурда юракда туғилган армон умидга доя бўлишини “Умидли дунё” шеърида чиройли беради:

*Бошимни урмоққа тош йўқ, девор йўқ,
Дилимга йўл топган бир дилафзор йўқ,
Менинг савдоимга арзир бозор йўқ,
Ота, шу экан-да армонли дунё!*

*Йўқ! Ота, мен ҳали бир нур топурман,
Ахир, юрак гардин юволмас кўз ёш.
Қалбим уммонидан бир дур топурман,
Бир кун дил тоқиға қайтади қуёш,
Ота, шу эмасми, умидли дунё?!*

Инсоннинг ҳамиша нурга талпиниши, орзулари амалга ошишига истак бўлгани ҳолда, шунга мос ирода кучи бўлмаслиги мумкин. Бундай шеърлар эса иродани кучайтиришга, кўнгилни кўтаришга ёрдам беради. Шу ўринда шоиранинг сўз қўллашига эътибор қилиш керак. “Дил тоқиға” жуда ўринли топилган, ва шеърнинг ҳиссий бўёғини қуюқлаштирган. Муҳими лирик қаҳрамоннинг кечинмаларини армонли дунёдан умидли дунёга ўтишидир.

Зилола Хўжаниёзова шеърлари фикрлашга мойиллик, тасвир тиниқлиги, ифода силлиқлиги, янги бадиий топилмаларга бойлиги билан ажралиб туради десак адашмаймиз. Шоира ижодида “қўлга олдим яна торимни, гўзал ёшлигим, ғазал ёшлигим” каби ёдингизга бошқа шеърларни соладиган мисралар, “қартайган ҳиллол” сингари китобхонга сингиши қийин жумлалар учраб туради. Ижод азобидан қўрқмаган шоира бундай қусурлардан қутула боради дея умидланамиз. “Юрагимда бир гул ўсади”, “Дил шеваси”, “Кўнгилга йўл” каби шоирона номланган китоблар муаллифи Зилола Хўжаниёзовага бадиий пухталиққа интилиш жараёнида устозлардан ўрганиш, жаҳон шеърятини яхши билиш ва мушоҳада юритишдан тўхтамаслик асосий омил бўлишини унутмасликни истаб қоламиз.





Акмал САЙИД

Соҳир саҳарлардан сўрайман сени

СОҒИНЧ

Соғиндим, онажон, соғиндим бирам,
Димоққа урилган оққурай тотин.
Кўзимнинг олдидан кетмас сираям,
Похол чайла, бола, ўроқчи хотин.

Ховучгина овулни оқшом тарк этган,
Тутунлар ўрлаган таниш ўчоқни.
Соғиндим, саҳарлаб тонгни уйготган,
Подасини ҳайдаб юрган қишлоқни.

Кампирнинг қўлида заранг таёғи,
Қочиб томга чиқиб олар болалик!
Сехрваш кўринар ойнанинг ўроғи,
Юлдузга осилиб ухлаб қолардик!

О, узр, онажон, мен-ку гофилман,
Андак унутибман хушнуд чоғлари.



Гина-кудратингга сўзсиз дохилман,
Сени эсга солди Дўрмон боғлари!

Соҳир саҳарлардан сўрайман сени,
Ўзингдан бир жаннат йўқдир яхшироқ.
Йироқдан бўлса ҳам танийсан мени
Отамни йўргаклаб кўтарган қишлоқ!

ЁЛҒОНИНГ ШИРИН

Биламан азизим, ёлгонларингни,
Аммо ишонаман, билмайман сирин.
Кучоққа оламан ёмонларингни,
Ёлгонларинг эса ростингдан ширин.

Кўзларинг шаъмидан менинг кўнглим тўқ,
Киприklar комидан уқаман барин.
Бу кўзларда ўзгаларга бир жой йўқ,
Майли, ёлгонларинг ростингдан ширин.

Шеър кўнгил тилидир. Уни яна шодлик ва изтироб сингари муаззам туйғуларнинг ўзига хос шеvasи дейиш ҳам мумкин. Шундай беназир шеърлар борки, уларни ўқийтуриб, кўз олдингизда ҳаётнинг мангу ҳақиқатлари, тириклик саҳнасининг шафқатсиз манзаралари пайдо бўлади. Уларнинг ҳар бири ўз ижодкорининг ҳиссиётчан қалбидан бир парча десак ҳам муболаға бўлмас.

Сен-ку кетдинг, қолавердим жим,
Абас излар муқаддас бўлди.
Сароб энди сўнги илинжим,
Юрак яна борига кўнди.

Бу мисралар истеъдодли шоир Акмал Саййиднинг қаламига мансуб. Шоир ўз шеърларида инсон руҳиятининг гоҳ шиддаткор, гоҳ сокин кайфиятларини, бирда ҳазин, бирда ўйноқи оҳанглари ўзига хос тарзда тараннум этади.

Тақдири азал шоир зотига ана шундай некбин юракни, эхтиросларнинг мавжли дарёсини, шикаста қаламни муносиб кўрган.

Бошимга ёғдирсанг афгонларингни,
Сипқориб оламан само укпарин.
Тарқатиб юборар гумонларимни,
Барибир, ёлгонинг ростингдан ширин.

Ростингни жонгинам, эшитмас бўлай,
Эшитсам тўсатдан ўлишим тайин.
Яна бир ёлгон де, қурбонинг бўлай,
Негаки, ёлгонинг ростингдан ширин.



РУҲИЯТ МАНЗАРАСИ

Тун чодрасин тортар эриниб,
Қўрғошин булутлар карвони.
Тўлин ой кўринмас беркиниб,
Осилган камалак – айвони.

Бехосдан чапаклаб юборар,
Мудраган тарновлар гурросдан.
Қайинзор шовулла, ёлворар,
Садрлар урарлар бехосдан.

Мен эса деразам ёпаман,
Рухим-ку шайланган парвозга.
Қўлимда шам, уни ёқаман,
Мисралар қуйилар қозғозга.

* * *

Шунча йиллар ўтиб яна тушиди йўлим,
Яна келдим, танидингми, ўзи гулим?
Баҳор чоғи яна мунис ҳар галгидай,
Ҳар дамгидай менга тўшак Қўзигулим!

То кеч қадар дала кездик толиқсак ҳам,
Тун пардаси бўлди бизга ёпинчиқ ҳам.



Гар ой нури бошимизда чайилса ҳам,
Сендан узиб кетолмадим, Қўзигулим!

Майли, баҳор ҳар йил келиб кетаверар,
Согинчларим елларгача етаверар.
Фақат мени ташлаб кетма, кетма йироқ,
Ўтмаган кун борми ўзи, ўтаверар.

Йиллар келиб яна тушса гариб йўлим,
Сочларимга оқ тушса ҳам ё Раб, гулим!
Сен томонга интиламан то жон қадар,
Ажабланма, ўтса агар шундай куним.

* * *

Қаердадир йўл бўлиш керак,
Аниқ, бундай қолмайди мавҳум.
Қаердадир йўл бўлиш керак,
Сену менга ҳали номаълум.

Ҳатто йўлин топади бешак,
Ёмғир чоғи дод солган ирмоқ.
Қаердандир керак-нокерак,
Қулоқларга чалинар сўроқ.

Қаердандир келади овоз,
Қаердандир келар шиора.
Сўроқлари ҳали тугамас,
Кўнаверар кўнгил бечора.

Қаердадир йўл бўлиш керак,
Қаердадир ечим бордир.
Йўл тополмай тураман бироқ,
Нуқул дерлар: “Сабр қил, сабр!”

Ижодий фаолияти давомида “Жаннати аёллар”, “Мольберт кўзлари”, “Илҳом азоби”, “Ой тўлган тунда”, “Таважжуҳ они” сингари китоблари билан кўпчиликнинг меҳрини қозонган шоир ва адиб Акмал Саййид ижодкор сифатида ўз кечинмаларини моҳирона инкишоф этиб келмоқда. Унинг шеърларида табиатни, оламни, чексиз борлиқни тадқиқ этишга интилиш кучли. Шу билан бирга муҳаббат аталмиш инжа туйғулар ҳам шоир битикларида ўзига хос тараннум этилади. Зеро, ишқ ва ошиқлик қисмати аксарият ҳолларда бахт эмас, кулфатга, висол эмас, айрилиққа, қувонч эмас, балки ғам-аламга туташади. Бу фикрни Фузулий жуда гўзал ифодалаган: “Азал котиблари ушшоқ бахтин қора ёзмишлар”. Мана шу биргина мисра замирида жуда катта дард, айни пайтда шу тақдирга жимгина кўниш туйғуси мужассам. Зотан, ошиқлик шоир учун энг улуғ мартабадир.

Дарвоқе, ажойиб қаламкаш, шоир Акмал Саййид шу кунларда ўзининг қутлуғ 50 ёшини қаршилади. Шоирга ана шу қутлуғ сана муносабати билан ижодий парвозлар тилаймиз!

ТАҲРИРИЯТ



Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Давлат мукофоти лауреати

КЕНЖА ҚИЗ

Очерк

га доғ туширмай қўриқлайдиган ҳам биринчи галда ўғиллар...

Иномжон ака билан Анорхонлар ҳам учта ўғлим тўртта бўлиб қолади, деган умидда ўғил кутардилар. Лекин вақти соати етиб, Худо уларга қиз ато этди ва энди ўғилларимас, балки қизлари тўрттага айланди. Гўдакка “Саййид ул-айём”да, яъни кунларнинг улуғи бўлган жумада туғилгани учун “Одина” деб исм қўйдилар. Эшитганлар: “Ҳм-м... Кенжаси ҳам қиз бўлибди-да...” деб қўйишарди сермаъно қилиб. Ота-она бу пайтда йўрғадаги шу мурғак Одина вақтлар келиб бир эмас, ўн ўғилнинг ишини бажара оладиган меҳнатсевар, ақлли, шаддод, серғайрат, ишчан, қадамидан ўт чақнайдиган ишбилармон қиз бўлиб вояга етишини, албатта, билмас эдилар. Бу воқеа 1974 йилда юз берди.

Одина кичиклигиданоқ ҳар нарсага қизиқувчан, ҳаракатчан бўлиб ўсди. 1981 йилда Сарой қишлоғидаги 29-мактабнинг 1-синфига ўқишга кирди. У айрим қизларга ўхшаб бўш-баёв эмас, балки изланувчан, тиниб-тинчимас, ўқишни қаттиқ тутган, дугоналари билан дарров киришиб кета оладиган хушмуомала, дарсларда ҳам ўқитувчига энг кўп савол берадиган ўқувчилар сафида бўларди. Уйга келганда дарсларини қилиб бўлиб, уй ишларига қарашар, кейин кўзларига кўзойнак тақиб, сўфибармоғига ангишвона кийдириб тўн қа-виётган, белбоққа чиройли гул солаётган Анорхон аянинг ёнига ўтириб, бувисининг игнани ўйнатаётган моҳир бармоқларига ҳавас билан тикиларди.

– Бувижон... мен ҳам тиксам бўладими? Тиқишни жуда яхши кўраман. – дейди Одина бир куни.

Анорхон ая сулувлукда ўзига тортган ўн икки ёшли қизига меҳр билан қарайди:

– Нимага бўлмас экан, тентаккинам? Бўлади, бўлади! Қиз бола деган тикиш-бичишни яхши билиши

1

Шаҳрихоннинг шундоқ ёнгинасида жойлашган жуда файзли ва шинам Сарой қишлоғи одамлари ҳурматга сазовор, ўзларининг тадбиркорликлари, удда-буронликлари билан атроф музофотда донг таратган. Бўздан Андижонга тўғри катта тахтиравон йўл тушган, тақдир тақозоси билан табиий равишда Буюк Ипак йўлининг бўйига чиқиб қолган қишлоқ яна ҳам ободонлашиб, юртимизнинг одамлар ҳавасини келтирар даражада гўзал масканига айланди. Албатта, ҳар бир ерни обод этадиган куч, шижоат бу – унинг одамлари.

Сарой қишлоғида Иномжон Отахонов деган бир одам яшар, ўзи Шаҳрихондаги “Атлас” фабрикасида машина ҳайдар, рафиқаси Анорхон колхозчи эди. Оилада олти фарзанд – уч қиз ва уч ўғил ўсарди. Худои таоло еттинчи фарзанд нишонасини ҳам кўргизди. Ота-она агар фарзанд кутса албатта ўғил умид қилиш халқимизда урф-одат. Лекин бу қизларнинг қадрини пасайтириш эмас, балки дунёнинг юки асосан ўғиллар зиммасига тушиши, ўғил ота мулки, уй эгаси бўлиб қолиши, қиз эса “бировнинг хасми” экани, кун келиб узатилиб юборилиши, йироқ-йироқларга кетиб қолиши эҳтимолидан, албатта. Душман бостириб келса, даставвал унинг ҳимоясига отиладиган йигитлар, Ватаннинг, ота-онанинг, муштипар опанинг, суюкли сингилнинг ташвишига елка тутадиган, уларнинг шаъни-

керак ўзи. Сен-чи, анави кўғирчоғинга янги кийимлар тикиб бер, ўрганасан. Қарамабсан-ку, бечоранинг кийимлари эскириб кетибди...

Она-бола кулиб юборадилар. “Кўғирчоғининг кийимлари эскирганидан” хижолат Одина дарҳол кийимлардан кўғирчоғига кийимлар тикишга тушади...

Одинанинг тикувчиликка меҳр қўйиши шундан бошланган бўлса керак. Унинг устози – бувиси. Бу ҳақда кейин.

Инсоннинг толеи Худодан. Ўша толега инсоннинг ўзи боради, биров уни етаклаб олиб бориб қўймайди. Барига инсоннинг ўзи тиниб-тинмас меҳнати, интилишлари, ақл-идроқи билан эришади. Лекин меҳнатнинг меҳнатдан фарқи бор. Бир тошни тепадан пастга тушириб қўйиш, яна тепага чапдастлик билан олиб чиқиш ҳам меҳнат. Бунинг кимгадир нафи тегадими? Йўқ. Инсоннинг меҳнати ўзига ҳам наф келтирсин, элга ҳам. Одинанинг дадаси, дунёнинг паст-баландини кўрган, роҳатини ҳам туйган, азобини ҳам тортган Иномжон ака суҳбатларда қизига мана шу мангу ҳақиқатларни тушунтиришга ҳаракат қиларди. У, айниқса, кенжалари бўлгани учунми, Одинага кўпроқ эътибор берар, мунгли-да, кўнгли чўкмасин, дегандай ёнига тез-тез қақриб турарди.

Иномжон ака ҳали болалигида бобоси Отахон бобони қулоқ қилиб юборадилар.

– Ёш етим қолганман, – дерди Иномжон ака. – Бир тўғрам нон учун, бировлар молини боқиб катта бўлганман, эҳ, афсус... Ҳаётнинг ачиқ-чучугини хўпам тотганман...

Одина дадасининг ҳикояларини жим эшитиб ўтирар, насиҳатларини кўнглининг туб-тубига жойларди.

2

Мактабни битиргач, Одинахон 1991 йилда бошланғич таълим ўқитувчиси бўлиш мақсадида Бўз педагогика билим юртига ҳужжатларини топширди. Саида Зуннунова номидаги бу ўқув маскани (ҳозир педагогика касб-ҳунар коллежи) бутун водий ёшларининг интилиб келадиган жойи эди. У ерда ҳаёт қайнарди, водийнинг бири-биридан ўтаман деган билимдон гўзал қизлари, ҳаёт остонасида турган ёшлар, бир дунё орзулар оғушида билим олишар, ўқитувчилик сир-синоатларини ўрганишарди. Бундай жойда ўқиш Одинахон сингари интилувчан қиз учун айна муддао бўлди. У таҳсил асносида ҳар хил тўғаракларда қатнашди, танловларда иштирок этди, жуда кўп адиб ва шоирлар билан ўтказилган қизиқарли учрашувларда олдинги қаторларда ўтирди. Бу ерда Ўзбекистон Қаҳрамонлари Саид Аҳмад, Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов, олим ва шоирлардан Наим Каримов, Бегали Қосимов, Пирмат Шермухамедов, Муҳаммад Юсуф, Иқбол Мирзо каби ва бошқа кўп таниқли адиблар меҳмон бўлишган. Кўнглида бир дунё орзулари мужассам Одинахон ана шундай маънавий-маърифий муҳит ҳукмрон бўлган ўқув юртида таҳсил олди, билимини оширди.

Кунлардан бир кун Балиқчиға ота-оналарини кўргани кетган. Салима деган дугонаси қайтиб келганда жуда хафаҳол кўринди. Танаффус пайти эди. Одинахон қараса, жуда руҳи тушган, йиғлаворай деб турибди.

– Нима бўлди? Бирон ёмон иш бўлдимми? – ташвишланиб сўради дугонасидан.

– Доим шунақа... – деди кўзларига келган ёшни артиб Салима. – Борсам, маҳалламиздаги иккита қизга совчи кепти. Қайта-қайта келиб туришибдийкан...

– Келса, яхши-да. Шунга шунчами?

– Йў-ўқ... – дугонаси йиғламсиради. – Бизниқига битта одам ҳам қадам изи босмаган... Мен хунукман, деб айтаман-ку сенга... Кимга ҳам керакман мен? Жуда ўксиндим...

Одинахон шарақлаб кулиб юборди.

– Вой ўл! Топган гапингни қара! Қиз бола хунук бўлмайди, жинни! Ҳаммасининг ўз вақти соати бор...

– Мана, сен чиройликсан, сенинг йўригинг бошқа...

– Салима Одинахонга ҳавас билан қаради. – Сенга совчилар келиб ётган бўлса керак...

– Менга ҳам жа-а келиб ётгани йўқ, – юпатди дугонасини. – Бунга ўйлаб ўтирмайман ҳам. Ҳозир ўқишимизни ўйлайлик. Салима! Сенга ҳам совчи келди, шошма. Сен ажойиб қизсан, билимдон, дилинг тоза... Бўлажак куёвинг ҳам бахтли бўлади ҳали. Гап чиройда эмас, инсоннинг қалби чиройли бўлсин. Тушундингми? Шунга интилайлик.

– Рост айтасан. Раҳмат сенга, дугонажоним! Мен ҳам эрга тегай деб, жа-а ўлиб турганим йўқ... Тагин ундай деб ўйлама! – уялиб деди дугонасининг гапларидан баҳри дили очилган Салима. – Энди, кўнгли эканда...

Икки дугона қўл ушлашганча дарсхонага югурдилар...

1993 йилда билим юртини муваффақиятли битириб қайтган Одинахонни ўзи ишлаган мактабга бошланғич синфларга меҳнатдан ўқитувчи лавозимига қабул қилдилар. У кичиклигиданоқ ўқитувчиликни, болаларга сабоқ беришни, уларга ҳунар сир-асрорларини ўргатишни орзу қиларди. Ҳар бир инсонни ижодкор десақ ҳақлимиз, фақат кимдир ўз салоҳиятини англаб, тиришиб изланиб, ўз-ўзини кашф эта олади, кимдир эса эътиборсиз қараб, балки ялқовликдан, вақтни кўлдан чиқаради. Ўқувчиларга меҳнатдан дарс берар экан, табиатан ижодкорликка, хусусан, дизайнерликка мойил қиз вақтни бой бермади, лаёқати аста-секин намоён бўла борди.

Одинахон ҳали ўзи ўқувчилик пайтидаёқ, ўқувчилар либоси жуда одми, кўримсиз эканидан кўнгли тўлмай юрар, ким чиқарган ўзи, дер, ҳатто кийгиси келмас эди. Мактабда ишлар экан, у узоқ кечалар қоғоз устида ўтириб, изланиб, чизиб-ўчириб, ўқувчилар либосининг бир неча мақбул бичимларини ўйлаб топди. Чизганлари бувиси ва опаларига жуда ёқди. Лекин ҳали уларни бировга кўрсатиш нияти йўқ эди унда.

1997 йилда “Ўқувчилар либоси” республика кўриктанлови бўлиши ҳақидаги хабарни эшитган Одинахон, бир қатнашиб кўрай-чи, моҳир тикувчилар билан баҳс бойлашишни менга ким қўйибди, лекин иштирок этиб, кўриб, секин-секин ўрганиб бораман-да, орзуга айб йўқ, деди ўзига ўзи. У бу ишининг кейинчалик тадбиркорлик фаолиятида дастлабки қадам бўлиб қолишини билмасди.

Йигирма уч ёшли саройлик шаддод қиз, зикр этилган кўрик-танловда қатнашиб, манаман деган даъвогарларни ортда қолдириб, фахрли биринчи ўринни эгалласа бўладими! Саройда дув-дув гап бўлиб кетди! Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1-ўрин учун

совғаси ҳам жуда ажойиб экан: 4 та олий сифатли тикув машинаси! Ёзувчиға ўткир қалам, созандаға яхши соз ҳада қил, энг яхши совға шу бўлади, дейдилар-ку. Бир пайтлар уйларида бувисидан ташқари, тўрт опа-сингил ўртасида талаш биттагина чок машиналари бор эди. Анорхон ая, ҳой, бузиб қўясизлар, камроқ ишлатинглар, майда ишларингни қўлда тикиб қўя қолинглар, деб қизларига рухсат беравермасди. Одинахон кечалари ўтириб машинада тикиш ишларини адо этарди. Энди эса уларда бир эмас, нақ тўртта тикув машинаси бор!

Одинахон бағоят руҳланиб кетди. 1998 йилда кишлоқнинг уйда ўтирган қўли гул ўн аёлини жамлаб чеварлик цехи очди. Шу йили Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган “Келинлар либослари” кўриктанловида 3-ўринни олишга эришди. Аста-аста давлат буюртмалари ҳам туша бошлади. 1999 йилда яна 15 та тикув машинаси сотиб олгач, ишчилар сони 40 тага етди. Бари саройлик, шаҳрихонлик аёллар, қизлар эди. “Ҳамкорбанк”дан 2 миллион сўм кредит олгани жуда қўл келди. Одинахон цехда кўпдан ўйлаб юрган ниятини амалга оширди: болалар учун кишки кийимлар тикишни йўлга қўйди. Чеварлик цехи энди бежирим пальтолар, курткалар, кителлар тикиб харидорларга етказиб бера бошлади. “Ташаббус-2002” кўриктанловида “Яхши тадбиркор аёл” номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритгани Одинахоннинг ўз қадамларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлади.

Билим юртида ўқиётганида, қизлар ўртасида, ким нимани яхши кўради, кимга нима ёқади, қабилда тортишув бўлди. Кимдир у ёқади, деди, кимдир бу. Одинахоннинг жавоби ҳаммани қойил қолдирди. Жавоб бундай эди: Одинахоннинг энг яхши кўрган қаҳрамони – Тўмарис момо. Энг ёқтирган шоираси – Нодира бегим. Энг яхши кўрган китоби – “Ўтган кунлар”, энг яхши кўрган киноси – “Сангам”, энг яхши кўрган шаҳри – Шаҳрихон, энг яхши кўрган азиз инсон – бувиси Анорхон ая. Энг яхши дугонаси – Салима...

3

Ўқитувчилик қилаётганининг тўққизинчи йили Одинахон бундан кейинги тақдирини тадбиркорликка бағишлаши кераклигини англади, кўнгли шуни тилаб турарди. Мамлакатда тобора қанот ёзиб бораётган тадбиркорлик, бизнес ҳаракатлари уни оҳанрабодай ўзига тортар, катта-катта режаларга кириш, дея чорлаётгандай бўларди. Замон талаби шундай эди. Лекин ақлли қиз бу ишларни адо этиш учун унга билим, айниқса иқтисодий билим зарурлигини тушуниб етди ва бувиси Анорхон аяга ёрилди:

– Ўқишни давом этдирмоқчиман, буви.

– Тўғри қиласан, қизим. Билиминг бўлмаса қийналиб қоласан.

Ўқишга кир!

Бувисининг сўзларидан дадилланган Одинахон Андижон муҳандислик иқтисодиёти институтининг молия-кредит факультетига сиртдан ўқишга кирди ва 2008 йилда битириб иқтисодчи мутахассислигига эга бўлди.

Ўшанда институтга қабул қилингани ҳақидаги хурсандчилик хабарини айтгани кирганда, Анорхон ая уни табриклади-да, худди қизининг кўнглидагини кўриб тургандай деди:

– Қани, бу ерга ўтир-чи. Гапим бор. Мана, ўқишга ҳам кирдинг, энди биргина чеварлик цехи билан чегараланиб қолиш мумкинмас, қизим. Уни кенгайтириш лозим. Шаҳарда ҳам ўқув маркази очсанг яхши бўларди...

– Мен ҳам шуни ўйлаб юргандим, бувижон. Ичимдагини топдингиз! – кулди Одинахон. – Манзура опам ҳам айтди. Шундай ўқув марказига талаб бор. Ҳамма тил ўрганаман, дейди. Кўплар шундай жойни қидириб юрибди. Кенгайтириб бораётган чеварлик цехига юқори савияли тикувчи кадрлар керак, уларни ўзимиз тайёрлашимиз лозим. Очаман, албатта.

Шу тариқа ўн беш киши ишлайдиган, ҳозир Насибхон опаси бошқараётган “Одина-файз” ўқув маркази очилди ва тезда эътибор қозонди. Эҳтиёж кучайганидан ўқув курслари олтитага етди.

Айни пайтда чеварлик цехининг имкониятлари ҳам кенгая бошлади. Узоқни кўзлаган қиз, ишни яхшилаш, самарали натижаларга эришиш учун янги замонавий технологиялар олиб келиш зурурлигини ҳис қилди, йўқ эса, бозоргир буюмлар ишлаб чиқариш, бозор иқтисоди талабларини бажариш мушкул. Ҳа, корхонани модернизация қилиш даркор.

Юртбошимизнинг маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва технологик жиҳозлар, бутловчи буюмлар импорт қилишда божхона божи ва солиқлардан озод этиш тўғрисидаги қарорларида берилган имтиёзлар катта ёрдам берди. Шундан фойдаланиб, корхонага хорижий тикувчилик соҳасидаги замонавий тикув дастгоҳларини олиб келишга киришди. Дадил ҳаракат қилган Одинахон “Алоқабанк”дан олинган кредит эвазига 52 минг еврога Хитойдан орзу қилиб юрган буюртма гул(вишивка) ва турли нақшлар соладиган, яна кўп фойдали “хунар”лари бор дастгоҳ-машина олиб келиб ўрнаттирди. Тикув машиналарининг сони энди 100 тага етди. Иш яна ҳам юришиб кетди. Ҳозир корхонада 120 та аёл иш билан банд. Шунча оиланинг тирикчилиги ўтиб, қозонлар қайнаб турибди... 38 нафари чеварчилик хунарини махсус эгаллаган коллеж битирувчиларидир. Натижада корхона мактаб ва коллеж ўқувчилари учун олинган буюртмаларни тўлиқ қоплашдан ташқари, хорижга 600 минг АҚШ доллари қимматида маҳсулот экспорт қилишга эришди. Одинахон келгуси йилда экспорт ҳажмини 2 бараварга ошириш, иш ўринларини яна 80 тага кўпайтиришни кўнглига тугиб қўйди.

4

– Мамакатимизда Президентимиз раҳнамолигида тадбиркорликка кенг йўллар очиб берилмоқда, – дейди Одинахон. – Бунга фақат қувонасан, бир ғайратингга ўн ғайрат қўшилади. Фамхўрликлар учун миннатдоримиз. Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” ҳақидаги маърузаларида ҳаммамизнинг олдимизга жиддий масалалар қўйилди, биз уни қисқа қилиб “Концепция” деймиз, корхонамизда қайта-қайта ўрганиб чиққанмиз. Қайси бирига қараманг, жуда зарур, ҳаётий масалалар-да.

– Чиндан ҳам ҳаётимизнинг барча соҳаларига синчков назар ташлаб ўтилган, – дедим мен. – Ҳақиқатда, уни ҳаётимиз концепцияси, мустақил мамлакатнинг яшаш концепцияси, дейиш мумкин.

– Жуда тўғри, домла. Масалан, Концепцияда биз тадбиркорлар учун яратилаётган имкониятлар ва қулайликлар кўламини янада кенгайтириш бўйича кўплаб устувор вазифалар белгилаб берилган, – сўзини давом этдирди Одинахон, – яъни тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ривожлантириш, уларнинг эркин фаолият юритишлари учун ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш юзасидан бир қатор тақлифлар илгари сурилганки, биз учун айна муддао, бари келгуси ишларимизнинг баралла қанот ёзишига яхши шароитлар яратади. Чунончи, тадбиркорликда рухсатномалар беришда тартиб-қоидаларнинг соддалаштирилиши, рухсатнома учун тушган аризаларни кўриб чиқиш муддатининг аниқ кўрсатилиши жуда муҳим.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашувлар учун жавобгарликни кучайтириш, режали текширувларни янги очилган корхоналар учун – улар ҳали гўдак, яхши оёққа турмаган-да, – уч йил муддатга узайтириш ҳам яхши натижаларга олиб келади, албатта...

Одинахон берилиб сўзлайди, эндигина ўттиз етти ёшга кирган ёш тадбиркор аёлнинг фикрлари асосли ва мантиқли, ниятлари эса ёруғ ва улканлигидан кишини ўзига ром этарди.

Ҳамма, жумладан, тадбиркор ҳам ўз ҳуқуқи учун курашмоғи керак, ишга нафи тегадиган тақлифларни кўтариб чиқиши лозим, биров келиб қилиб бермайди. Одинахон буни жуда яхши тушунади. Бошқа тадбиркорлар билан мулоқотларда ҳаётнинг ўзи кўндаланг қўяётган масалалар, уларни ҳал қилиш йўллари, қабул қилинаётган қонунларнинг кенг йўллар очаётгани ҳақида фикр алмашиб туради. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, ишлаб чиқариш ҳажмини камайтирмаган кичик тадбиркорлик субъектларининг фаолияти солиқ органлари томонидан текширилмаслиги, банклардан кредит олиш қоидаларини енгиллаштириш, ишончли мижозларга минимал талаб асосида кредит бериш тадбиркорларни янада руҳлантиради, дадил қадам ташлашларини осонлаштиради.

“Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонунда тадбиркорларнинг хусусий мулклари қонуний ҳимояланишига эътибор берилаётгани кўп мақбул ишдир. Мазкур ҳужжатда хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқмаслик бўйича меъёрлар қабул қилиш кўзда тутилгани ҳам тадбиркорларга кўрсатилаётган алоҳида ғамхўрлик намунаси дур.

– “Оилавий тадбиркорлик” тўғрисидаги қонун ҳам жуда ажойиб, – дейди Одинахон. – Оилавий корхонада ёшига етмаган оила аъзолари ҳам бўш вақтларида корхонада ишлашлари мақбул дейилган. Бу жуда тўғри. Шундай қилинса, фарзандларимизни маълум бир касбга йўналтириш осон кечади. Уларнинг бўш вақтларини банд этмоқ, фойдали ишларга жалб қилмоқ мақсадга мувофиқдир.

Одинахон Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг катта мажлисида депутатлар, давлат

ва жамоат вакиллари ҳузурида минбарга чиқиб, юқорида зикр этилган, ҳал қилиниши зарур бўлган тадбиркорлар олдида турган долзарб муаммолар ҳақида сўз юритди ва ўз тақлифларини ўртага ташлади....

5

Одинахон ҳали ўз ишларидан қониқмас эди. Унда янгидан янги режалар пайдо бўларди. 2003 йилда буниси Анорхон аядан фатво олиб чорвачилик фермер хўжалигини ташкил қилди ва уни дадасининг исми билан “Иномжон-файз” деб атади. Иш “ким ошди” савдосида ғолиб чиқиб, 23 сигирга эга бўлгандан кейин бошланиб кетди. Дастлаб ижарада ўтириб иш олиб борилди. Кейинчалик моллар сони 110 тага, ундан 200 тага етди. Туман ҳокимияти хўжалик учун 60 гектар ер ажратди. Унга арпа, соя, буғдой экилар, қушга ҳам сув керак, ҳам дон, дейдилар-ку. Хўра сигирларга эса сифатли, углеводлари кўп ем, ширали озуқалар керак...

2007 йилда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий инқирозга қарши чоралар дастурига мувофиқ 378 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиб, Германиядан ва Польшадан жаҳонга машҳур бўлган 83 та “Гольштейн-фриз” насли сигирларидан харид қилинди, ундан олдин эса озуқа захиралари мустаҳкамлаб қўйилди. Келтирилган молларни ўз вақтида озиклантириш, парваришлаш ва сунъий уруғлантириш ҳисобига уларнинг сони 282 тага етди. 13 та сигир эгизак туғибди! Яна қувонарли томони шундаки, моллар бир йил ичида Германиядаги кўрсаткичлар даражасида сут бера бошлади. Ҳар бир бош сигирдан кунига ўртача 30-35 литргача сут соғиб олинмоқда.

– Кўпдан ўйлаб юрган ниятим бор эди, – деди Одинахон, ёзги оғилхонани айлланиб юрганимизда. – Худого шукур, сут мўл, кундалик эҳтиёжларимиздан ҳар куни 2,5-3 тонна ортиб қолмоқда. Уларни қайта ишлаш керак, деган қарорга келдим... Пишлоқ, йогурт, творог, қаймоқ, қатиқ, сметаналар ўзимизда чиқсин, дейман.

Одинахон шу йил “ЎзЭкспо” кўргазмасига бориб, Германиянинг “Агрорис” фирмаси вакили билан хўжалик даромади ҳисобидан 180 минг еврога минитехнология – замонавий сутни қайта ишлаш дастгоҳига шартнома тузганди. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида завод ишга туширилди. 25 та ишчи ўрни яратилди. Завод кунига 7 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга.

– 50 сўтих ерда иссиқхона қилганмиз, – давом этади Одинахон. – Чикитсиз маҳсулот ишлаб чиқариш тизимига ўтиш мақсадида йил бўйи йиғиладиган 5 000 тонна гўндан гумус, яъни чиритма олиш устида ишляпмиз. Гумус – лотинча тупроқ дегани. Ерга жуда фойдаси бор.

– Гумусни нима қиласизлар? – сўрайман мен.

– Нима қиламиз? Фермерларга сотамиз! – дейди Одинахон қулиб. – Қўшимча даромад оламиз.

Бу чинакам тадбиркорнинг сўзлари эди.

Бир пайтлар иншо этган “Боқий дунё” шеърини романим қаҳрамонларидан бири, XIX аср охирларида худди шу Шаҳрихонда яшаган сарватманд Азимбойнинг куйидаги сўзлари эсимга тушади:

“Ақл билан сарф қилинган “бир”
“Икки” олиб келса ёмонми?..”

Ҳа, бир сўм сарфлаб, икки сўм топиш – ҳамиша тадбиркорнинг орзуси бўлиб келади. Чинакам тадбиркор эса топганини эзгу ишларга сарф этади. “Иномжон-файз” фермер хўжалиги ҳам бундан мустасно эмас. Шахрихон туманидаги 29-62-ўрта мактаблар, 15-махсус интернат хўжалик томонидан оталиққа олинган. Яқинда Сарой қишлоғидаги еттита кам таъминланган оилаларга ва 15-махсус интернатга насли сигирлардан 8 та совға қилинди (битта сигир 5 миллион 600 минг сўм туради). Қишлоқдаги гузар қурилишида, шаҳардаги ўзбек мумтоз шоири Оразий музейини реконструкция қилишда сезиларли ёрдамлар кўрсатилди. Барини Одинахоннинг ўзи назорат этади.

6

Толе ҳам интилганга кулиб боқади. Буни Одинахон Отахонова мисолида яққол кўриш мумкин.

– Кеча бувижонимни муборак ҳаж сафарига жўнатдик, – дейди Одинахон хурсандчилигини биз билан баҳам кўриб. – Қурбон ҳайити кунларида кўп юртдошларимиз, онахонларимиз қатори Маккаи мукаррамада бўладилар. Дадам роҳатимизни кўрмай ўтиб кетдилар. Энди биз фарзандлари, у киши кўрмаганларни ҳам бувижонимиз кўрсинлар, деймиз.

Одинахон мамнун эди. Анорхон аянинг фарзандлари ҳаммаси иш билан банд, бекор юргани йўқ. Тарбия шундоқ бўлган-да. Катта қизи Манзурахон Отахонова чеварлик цехи бошлиғи, Насибохон ўқув марказини бошқаради, Матлубахоннинг ўз савдо фирмаси бор. Тоҳиржон Отахоновнинг деҳқон фермер хўжалиги 30 гектар ерда деҳқончилик қилади. Одинахоннинг турмуш ўртоғи Алишер Мадазимовнинг ҳам алоҳида бизнеси бор.

– Яқинда “Ҳамкорбанк” бизга 92 та сигир олиш учун 300 минг АҚШ доллари миқдорига 2,5 % га имтиёзли кредит ажратди, – давом этди сўзини Одинахон. – Германиядаги ҳамкорлар билан келишиб қўйганмиз, яқинда бориб 123 та “Гольштейн-фриз” насли сигирларидан олиб келишимиз керак. 31 сигирни эса тежалган ўз маблағимизга оламиз. Бир неча кундан кейин акам билан бирга Германияга бориб келаман...

Шу пайт иккита бир хил кийинган, беш ёшлар чамасидаги, бир-бирига ўхшаш ширинтой икки бола юғриб келиб Одинахонга ўзларини отдилар.

Менинг таажжубланганимни кўрган Одинахон чиройли жилмайди:

– Булар ўғилларим, Ҳасан-Ҳусанлар. Яна бир ўғлим бор, икки ёшда... Бўлажак ёрдамчиларим-да...

– Ҳа, Худо умр берсин, катта йигитлар бўлиб етишсинлар! – тилак билдирдим мен.

– Раҳмат!

Одинахоннинг эсида, 1997 йилда дадаси Иномжон ака юрак хасталиги билан оғриб қолди. Шифоҳонада ётар экан, қизига қараб деди:

– Қизим, сенга бир гап айтаман. Доно қизимсан, сенда шунга ўқув бор, ақлинг ҳам етади. Боболаринг тижорат, тадбиркорлик билан шуғулланишган. Оққан ариққа сув келади албатта... Юртимизда тадбиркорликка кенг йўллар очилляпти. Қўрқмай тадбиркорлик касбини эгаллагин. Пул ҳам бўлади, обрў ҳам... Доим хайру эҳсон қилишни унутма! Сенга оқ фотиҳа бераман, олгину олдирамагин, униб-ўсгин, улғайгин. Омин, Аллоҳу акбар!

Иномжон ака қўлларини юзига тортди.

Бу дадасининг васияти эди.

– Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида шундай ажойиб сўзлар бор, домла, – дейди Одинахон. – “Шахсан менга “насл” ва “насиба” деган сўзлар ўртасида қандайдир илоҳий боғлиқлик бордек туюлади.” Мен бу сўзлар ҳақида кўп ўйланаман, ҳайратга тушаман. Жуда чуқур маъноли сўзлар! Улар менинг, оддий қишлоқ қизининг тақдирига жуда ҳам боғлиқдек... Менинг бобом шўролар даврида қулоқ қилиниб, отиб ташланган, ерлари мусодара этилган эди. Орадан 70-80 йил вақт ўтди, Мустақил давлат бўлди. Қаранг, домла, замона айланиб, мен тадбиркорлик бошлаган ерлар бир вақтлар бобом деҳқончилик қилган ерларнинг айни ўзи бўлиб чиқди! Одамлар бу ҳақда ёқа тутиб сўзлашади. Чиндан ҳам “насл”дан авлодларга “насиба” қолар экан. Юртбошимизнинг қутлуғ китобини ўқиганимда насл ва насиба кучи тўғрисида айтилган гаплар сермазмун ҳаётий ҳақиқат эканига ҳар сафар имон келтираман...

Одинахон юрак-юрагидан сўзлар, унинг сўзларида буюк боболарга эҳтиром, юрт улуғига миннатдорлик, тадбиркорлик учун, ўзлигини намоён қилиш учун катта имкониятлар яратиб берган Мустақилликка шукроналик туйғулари қоришиб кетган эди.

Одинахон оилада кенжа қиз бўлиб туғилган. Отаона ўшанда йўрғадаги шу мурғак чақалоқ вақтлар келиб, бир эмас, нақ ўн ўғилнинг ишини бажара оладиган меҳнатсевар, ақлли, шаддод, серғайрат, тиниб-тинчимас, ишчан, қадамидан ўт чақнайдиган ишбилармон қиз бўлиб вояга етишини, албатта, билмас эдилар.

Лекин буни бугун бутун Ўзбекистон билади.

**Анджон,
2011 йил ноябрь**



Одинабону ҚУЛМУРОДОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

“ҚУШ ТИЛИ” МАЛОИМАЛАРИ

“Қуш тили” асрлардан асрларга ўтиб келаётган энг қадимги ибора ҳисобланади. Маълумки, улуғ шоир Алишер Навоий болалик чоғларидаёқ Шайх Фаридиддин Аттор қаламига мансуб “Мантиқ ут-тайр” дostonини ёд олган ва сўнги нафасгача шу дурдона асар ҳаяжони билан яшаган. Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асарини шу дostonга жавоб тариқасида битгани тасодифий ҳодиса эмас. Бу хусусиятни асар муаллифининг ўзи ҳам кўп маротаба такрор этган. Хусусан, “Лисон ут-тайр”нинг бир боби “Ўзининг Шайх руҳи мададидан анга татаббу қилганга қақнус тимсоли” деб номланган. Дурдона асарда сўзга икки хил маъно юкланади. Биринчиси сўз – калом, иккинчиси – сўз куймоқ маъносида. Зотан “Сўзана” сўзи форсийда куйиш маъносини билдиради. Мазкур атама ўзаги сўз ҳисобланади. Ана шунга ишора сифатида Навоий ёзадики:

*Ўртадим олам элини, ўзни ҳам,
Қуш тилидин ўзга қилмай сўзни ҳам,
Будур умидимки бу сўзи фано,
Барча куйганга бақо бергай яно.*

Яъни: мен қуш тили иборасини такрорлаб ўзимни ҳам, олам аҳлини ҳам анча қийнаб, ўртаб қўйдим. Бундан умидим шуки, ўткинчи сўз ишқ оловида куйганларни бақо оламига, мангу оламга дахлдор қилсин.

Навоий шу байт воситасида шоирларни – сўз кишиларини мангуликка дахлдор бўлишлигига ишора қилади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Сўз кишилари жисмонан бу дунёни тарк этганларидан сўнг ҳам шеърсеварлар қалбида яшаб келаверадилар. Зотан, Фаридиддин Аттор кўз юмганига қарийб саккиз аср бўлди, у ҳамон руҳан яшамоқда. Бу хусусият Навоий шахсияти ва ижодига ҳам тааллуқлидир.

Инсон шахсияти ниҳоятда мураккабдир. Сўзга ўта садоқатли одамлар ва аксинча сўздан доврўққа, нуфузга эришишда бир восита сифатида фойдаланадиган кимсалар аввал ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор. Худди шу нуқтаи назардан қаралганда Навоийнинг куйинишлари ҳам оддий ҳолат эмас. Зотан бугунги кунда чин шеъроят билан бирга маддоҳлик шеъроти ёнма-ён яшаб келаётгани маълум. Маदдоҳликдан

кутулишнинг ягона йўли қадимда синалган усуллардан фойдаланиб асар битиш, турли хил баёзлар тартиб беришдир. Шундагина адабиётга қизиқувчиларнинг савияси ўсади. Ўтган 2011 йил Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги сифатида тарихга муҳрланди. Бу муборак саналарга бағишлаб бир қанча китоблар чоп этилди. Шулардан бири, менимча, “Тафаккур” нашриётида босмадан чиқарилган “Қуш тили” халқаро антологиясидир. Ушбу халқаро антология ўзбек, рус, турк, инглиз, немис, испан, поляк, француз тилларида нашрдан чиқарилган. Антологияга қирқдан ортиқ мамлакатларда яшаб қалам сураётган етмиш етти нафар шоирнинг қуш мавзусидаги ҳамда “қуш” сўзи ишлатилган шеърлари жамланган.

Антологиянинг илк саҳифаларида Навоий ҳақида инглиз тилида Гарри Дик, Турсунов, Содиқова мақолалари, Навоий ижодидан намуналар француз, рус, инглиз, немис, поляк тилларида ёритилган. Бизнингча бундан кўзланган мақсад улуғ ўзбек шоири асарларини жаҳон миқёсида тарғиб этишдир. Зотан, Навоий шахсияти, ижоди ҳали, дейлик, Жалолиддин Румий даражасида жаҳон бўйича у қадар машҳур эмас. Айниқса, Лотин Америкаси мамлакатларида Навоий ижоди унчалик ҳам тарғиб этилмаган. Ҳатто зиёли қатламни бундан беҳабар дейиш ҳам мумкин. Бу – биринчи хусусият. Иккинчи хусусият шундан иборатки, бугунги кунда адабиёт ихлосмандлари Европа ва Америка, Африка қитъаларида яшаб қалам сураётган шоирлар ижодини деярли билмайдилар. Ушбу антология мана шу бўшлиқни тўлдириш мақсадида ҳам тайёрланган.

Учинчи хусусият шуки, бу антология воситасида бундан беш аср аввалги ва XXI аср бошидаги шеърот ўзаро туташтирилади. Олис ўтмиш ва бугунги давр ораллиғидаги масофа “олиб қўйилади”. Бир муқова остидаги қадимги давр ва ҳозирги шеърот намуналари ўрин олгани қизиқарлидир.

Тўртинчи хусусият – ғарб тилларини яхши биладиган тадқиқотчилар жаҳоннинг машҳур шоирлари шеърларининг қай даражада таржима қилинганлигини аниқлашлари мумкин. Бу амал эса илмий ишларга мавзу излашда асқотади.

Бешинчи хусусият – антологияга кирган шеърларнинг аксариятида воқеликка кўчирилган шакл ўзбек ўқувчилари учун унчалик таниш эмас. Постмодерн оқими унсурларига эга шеърлар ўқувчига эришроқ туюлиши ҳам мумкин. Аммо ўзбек ўқувчиси китоб мутолааси жараёнида ҳозирги вақтда жаҳон миқёсида олдинги ўринларга чиққан авангард йўналишлар ҳавосидан нафас ола бошлайди. Бу жуда ҳам ғаройиб ҳодиса ҳисобланади. Ана ўша бешта хусусиятга эътибор қаратсак, халқаро антология аҳамиятини тушунамиз. Ушбу антологияда шеърлари жамланган Праяг Сайкия (Ҳиндистон), Кристофер Меррил (АҚШ), Вивен Плаб (Янги Зеландия), София Бежсинска (Польша), Жене Доти (АҚШ) каби шоирлар ижоди ўта синчков ўқувчиларимизга бир қадар таниш. Чунки уларнинг шеърлари вақтли нашрларимизда ва “Илонбалиқ” халқаро антологиясида чоп қилинган. Бу шоирлар ҳам ноанъанавий усулларда қалам тебратиб, шу баробарида халқаро адабий алоқаларни ривожлантиришда ўз ҳиссаларини кўшиб келмоқдалар. Масалан, Праяг Сайкия, Чўлпон, Усмон Носир, Рауф Парфи, Абдулла Орипов каби қирқ саккиз ўзбек шоири шеърлари ассам тилига ўгирилиб Ҳиндистонда нашр этилган. Кристофер Меррил эса жаҳонда довруқ қозонган. Айўва дастури раҳбари сифатида бир қанча адибларимиз билан шахсан танишган, уларнинг ижодларидан хабардор бўлган. Хуллас, антологиянинг айрим муаллифлари ўзбек адабий доиралари билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйишган. Бу эса адабий жараёнимиз тобора кучайиб бораётганидан, яқин келажакда шоирларимиз ҳақ миқёсига чиқиши мумкинлигидан далолат беради.

Маълумки, шоирнинг кучи шеърда усул қўллаш, рамз-тимсолларни ишлатиш, шеър руҳини вужудга келтириш, қисқача қилиб айтганда, сўз воситасида мўъжиза кўрсатиш амаллари орқали аниқланади. Халқаро антология муаллифлари ижодига шу мезон асосида ёндашган маъқул.

Венесуелалик шоир Антония Трухилио қаламига мансуб шеърнинг илк сатрлариёқ ўқувчи диққатини ўзига тартади:

*Бу қуш ўлимидан олдин
Тумшукчасини очишга ва сайрашга интилади
Барғни эмас
Уни қўллаб турган дарахтни
Кесиб ўтмоқчи.*

Қуш орқали яратилаётган воқелик ўта сирли. Қуш шохга қўниб ўтираркан, ёнидаги япроқни эмас, яхлит дарахтни ўйлайди. У ўляпти, яъни жисмидан руҳи чиқиш арафасида турибди. Унинг фикрлари телбалик ва ҳақиқат оралиғидаги фикрлардир. Бу телбалик учиб, бошқа ҳақиқат келади. Ана ўша чизгилардан сўнг шоир ҳолатлар рўйхатини ўқувчига тақдим этади. Ва унинг нигоҳи энди далаларга қадалмайди. Анави дарахтлардан олтин ҳам кутмайди. Бу қуш ўлимидан олдин ўз дунёсига, яъни ичида товланаётган ўша шохга учади. Демак, қуш энди кўк сари эмас, ўзининг ичига, яъни руҳи дунёсига қараб учаяпти. Гап озодлик хусусида кетмоқда. Ҳар қандай шакл озодликка раҳна солиши мумкин дея уқтиради шоир. Ва шеърнинг иккинчи бўлагида бу мулоҳазаларини янада “қуюқлаштиради”.

*Бошқа қуш
Чинакам қуш
Саҳифага тушишдан
Бош тортмоқда*

Шоир энди Қуш ва Озодлик ғояларини ёнма-ён қўяди. Озодликка эришув йўлларини босқима-босқич таърифлаб боради. Пировардида “у бўшлиқни танлади” дея ёзади. Аён бўладики, Шарқ мумтоз шеърляти ва Ғарб замонавий шеърляти Лотин Америкаси шеърляти негизида испан назми руҳияти акс этишини унутмаслик жоиз. Орасидаги ришталар у қадар узоқлашмаган. Бу худди сувнинг музга айланиши ёхуд бугга эврилишига ўхшаш ҳолат. Афсуски, Шарқ ва Ғарб шеърлятини бир-биридан айро тарзда тадқиқ этишни таклиф қилаётган олимлар ҳам бор. Улар фақат шеърнинг шаклига диққат қилмоқдалар. Ҳолбуки бирламчи белги шеър руҳи ҳисобланади.

Шоирлар қуш деганда айнан қушни назарда тутишмайди. Қуш – инсон орзуси тимсоли, у – инсонийлаштирилган образ. Биз фикримизни қушгача кичрайтирсак, асл ғояни англай олишимиз ҳам мумкин. Қушни инсонийлаштиришга норвегиялик шоир Истерин Иралу шеъри мисол бўла олади:

*Паға-паға тушар экан қор
Шамол ҳилпиратган
Сариқ-яшил палтоли
Жувоннинг нақ устида
Сирғалиб-сирғалиб учади чорлоқ
Иккисини ҳилпиратар қор.*

Шеър бор-йўғи олти сатрдан иборат. Қўлланган усул у қадар мураккаб ҳам эмас. Аммо “сариқ-яшил палтоли жувон” ибораси орқали қушнинг инсонийлаштирилгани ғаройиб. Шеърда қор ва шамол ҳаракати сўнгги сатрларни “очиб юборади”. “Сирғалиб-сирғалиб учади чорлоқ, иккисини ҳилпиратар қор”. Қор ва Шамол образлари Қуш ва Инсон образлари билан яхлит ҳолда чизилади. Бу чиройли тасвирга айланади, айнан шу кичик шеър ёдимизга япон хакку ва танкалари руҳини солади. Бу сезги тасодиғ эмас. Зотан, Ғарб шоирлари ҳам япон шеърлятидан таъсирланишмоқда. Жумладан, антологияга америкалик шоир Жене Доти хаккулари киритилгани бунга далил бўла олади.

Шеърлари инглиз, испан, ўзбек, мўғул тилларига таржима қилинган араб шоири Саид Гоуда (Ганконк) қаламига мансуб “Маъюс қушим” сарлавҳали шеърнинг илк сатрлариданоқ Шарқ шеърляти анъаналари яққол кўринади. Шоир “Олтин қафас” образи орқали мумтоз шеърлятимизга имо-ишора қилади. Зотан, улўғ Навоий ҳам шу турдаги образларни ғазал, рубоийларида кўп ишлатган. С.Гоуда оддий тасвирдан мураккаб усулларга ўта бошлади:

*Қушлар дўконидан сотиб олганим
Олтин қафасдаги дон-дунга сероб
Анҳор оқиб турган мавода ўсган
Қушим хомуш, бетоб
Айвонга иламан
Жаннатий овоз-ла
Уйғотишин истайман ҳар тон*

Аммо қушнинг боши эгик. “Қушим хомуш-хомуш, Сайрга чиққанда қаддин ғоз тутар. Самога боқади ноумид, соғиндимикин ё муҳаббатини”. Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева қаламига мансуб “Батамом уйғонсам...” сарлавҳали шеър лирик қаҳрамони уйғониш ҳиссиёти билан озодликни ёнма-ён қўяди. Шеър хулосаси тубандагича:

Ўзимча кимнингдир
 Ғамини едим
 Кимнингдир кунига
 Юрибман яраб.
 Батамом уйғониб
 Ополсам дейман
 Учиб кетармидим
 Кўкларга қараб.

Шеър инглизча таржимада ҳам берилган. Инглизча таржимада шеър шакли, руҳи сақлаб қолинган. Бадий таржима муваффақиятли чиққанми-йўқми, бу алоҳида мавзу. Биз учун аҳамиятли жиҳати, ўзбек шоираси шеъри овозаси етти иқлимга етганлигидир.

Замондошларининг шоҳидлик беришича, Алишер Навоий Шайх Фаридиддин Аттор қаламига мансуб “Мантиқ ут-тайр” достонини ўқиғач шундай беҳушлик ҳолатига тушган экан: ёш Алишерни рамз-тимсоллар жодулаб қўяди ва унинг реал ҳаётга қайтгиси келмайди. Оқибатда бўлғуси шоирнинг яқинлари бу жодуга тўла китобни унинг қўлидан олиб яширадилар. Аммо Навоий аллақачон матнни тўлалигича ёдлаган экан. Бу ҳам шеъриятнинг мўъжизакор кучга эга эканлигидан далолат беради.

Антологияга кирган аксар шеърларда шундай сеҳрли куч ҳукм сураётганига ишончингиз комил бўлади. “Қуш тили”нинг асосий тилсимларидан бири ҳам тил мўъжизаларига бориб тақалади. Саккиз тилдаги уйғунлик, руҳ яқинлиги мазкур китобда юз очиб тургандай гўё.



НЕВАРАКУЛЧА

Эй, беғубор ёшлигим

ЁШЛИК

Ёшлик, сен қалбимизда
 Мисли оқар дарёсан.
 Барча дилга ёқувчи,
 Ажиб қўшиқ, навосан.

Қўшиқ куйлайди ҳофиз
 Сен-ла сўзлайди шоир.
 Ёшлик, сени қумсаймиз
 Токи тириклик тақдир.

Бобом, бувим соғинар
 Ҳар вақт қумсаб ёшлигин.
 Кўзда маъюс соғинч-ла
 Эслар шўх, бебошлигин.

Дилбандига дер, шошма,
 Ўсишга гунча гулим.
 Улғайгач, сен айтарсан,
 Бир зум қайт, эй, ёшлигим.

Сен ҳақингда жуда кўп,
 Ўйлайман шўх-шодлигим.
 Бир он қайтсанг қанийди,
 Эй, беғубор ёшлигим.

Сен менинг соғинчимсан,
 Сен менинг ҳаяжоним.
 Ёшлик қалбимда қолган,
 Қувончим ҳам армоним.

ОНАЖОНИМ

Олам аро ягона,
 Меҳрибон, азиз онам!
 Бошингиз бўлсин омон,
 Сирдош менга ҳар замон,
 Қалб қуёшим, онажон!

Доим бизни қўллайсиз,
 Соғлигимиз ўйлайсиз.



Рушана НАЗАРОВА

Кўп ҳикматлар сўйлайсиз,
 Дилдошим, жон-онажон,
 Қалб қуёшим, онажон!

Ўзи емай, едирган,
 Ўзи киймай, кийдирган.
 Дилни нурга тўлдирган,
 Меҳрибоним, онажон,
 Қалб қуёшим, онажон.

Нишон тумани



Баҳор илҳомлари



Моҳичеҳра
ҲАҚБЕРДИЕВА



Сирожиддин
ИБРОҲИМ

ГУЛЛА БАҲОР

Ой кўринар сокин тунлари,
Майин шамол эсар кунлари,
Оқ фаришта – бодом гуллари,
Бу хур фасл айтинг, қайда бор?
Гулла баҳор, гуллагин баҳор.

Ҳар юракда куй этар ижро,
Куёш нурун дилга қилиб жо,
Шундай неъмат берганки Худо,
Минг саждалар қиламан такрор,
Гулла баҳор, гуллагин баҳор.

Ўлкам сени интиқиб кутди,
Қаҳратоннинг минг захрин ютди,
Кўзларини йўлингга тутди,
Кел, қалбларда қолмасин губор,
Энди кетмай гуллагин, баҳор.

Қашқадарё



* * *

Қишининг қадамлари арир бирма-бир,
Чечаклар чўчишиб унмоқда
кимдан?
Ёмғир бу –
кажрафтор менга очган сир!
Қувонч эргашигандай бўлар изимдан.

Кутдим,
таширфига зор, мунтазир
Бойчечак келибди элчиси бўлиб.
Илҳақ қилгани-чун сўргандек узр,
кулади...
(У қачон йиғлаган ўзи?)
Жўшиб куйлаганда севинч кўксимда,
Не азоб гамли бир нидо илгадим.
Ҳарсанглар остида қолган майсалар,
Булутга қўшилиб ўксиб йиғлади.

Оҳ, бўлди!..
Буёғи шеърга сизмади.

МАСЛАҲАТ

Кўксинг –
калитини йўқотган эшик,
Биров келолмайди
юрагин ютиб.
Ўқланган кўзингга қарай олмас тик,
Энтикиб туради
садосиз кутиб.

Кутиши бу –
сўзсиз вақт билан курашмоқ,
Ажалдан бошқаси бир наф кўрмайди.
Фақат буюклик деб юрган бўлсанг тоқ,
Бил,
Тангри мавқеин сенга бермайди.

Болаликда ўйнаб, кўча чангитиб,
Эркаланиб юрдик она бағрида.
Ота-онамизни баъзан ранжитиб,
Қолдирганмиз баъзан гам сўқмоғида.

Ҳолбуки ҳар лаҳза, ҳар он бетакрор,
Ёшликни беқадр қилмоқ кўп гуноҳ.
Инсоннинг умрида ёшлик бир баҳор,
У қайтиб келмайди, келмайди, эвоҳ...

Эллиққалъа



Термиз



**Манзура
ЭГАМБЕРДИЕВА**



**Гулирухсор
МАМАТҚУЛОВА**

ЯНГИ КУН ОЛДИДАН

Дунёни мунаввар қилмоқда Куёш,
Қиличдек поралаб тимқора тунни.
Нечукдир киприкда пирпирайди ёш,
Шодланиб кутаман шу янги кунни.

Яна соҳир бир тонг, янги ши режа,
Яхши ном қолдирмоқ учун бир имкон.
Ўқиб, ўрганаман кечаю кундуз,
Ахир мен инсонман, баркамол инсон...

БЕБАҲО ЁШЛИК

Ўтмоқда дарёдек шалола ёшлик,
Олий орзуларга ҳавола ёшлик.
Согиниб эслаймиз кексайган чоғда,
Олис қирда қолгай гуллола ёшлик.

БАҲОРИМНИ СОҒИНДИМ

Ҳамон дийдирайди совуқдан олам,
Қаҳратон қаҳрига етмайди нолам,
Соғинчим қўлимга тутқазди қалам,
Баҳорим, соғиндим, келасан қачон?

Кўклам нафасини, майсазорларни,
Булбуллар хониши, чаманзорларни,
Оловранг, гул тўла лолазорларни
Соғиндим, баҳорим, келасан қачон?

Оғушинг ёғдирса ерга ёмғирлар,
Келсанг лолаларга тўларди қирлар,
Гулнинг ифориға интиқдир диллар,
Баҳорим, соғиндим, келасан қачон?

Келмасанг ёнингга борайми ўзим,
Йўқ дема сўзимга бер энди изн,
Йўлингга зор бўлиб толмоқда кўзим,
Соғиниб кутганим, келгин, баҳорим!

Бир умр ёнимда қолгин, баҳорим!

* * *

Кўзларимда куларди шодлик,
Армон дилга бермасди халал.
Кўлларимдан тутолмай ҳижрон,
Ортда қолиб кетарди ҳар гал.

Тотиб кўрдим дунё мазасин,
Кўзёшимдек тахир-ку таъми.
Бизлар айро бўлган ўша кун,
Тўлдимиқан дунёнинг kami?

Армон мени бахт кемасида,
Ташлаб кетди ҳижрон бағрига.
Энди дунё камин тўлдириб,
Яшапман кўниб барига.

Андижон



Нилуфар
ҚАЮМОВА

* * *

Сиз учун юзимни шабнамда ювдим,
Шамоллар сочимни майдалаб ўрар.
Капалаклар эса бойчечаклардан,
Сизнинг қўлингизга гулдаста берар.

Соҳир саҳарларда, гуллар қўйнида,
Менга гап ўргатар сайроқи қушлар.
Кўзим изингиздан излар ишқ сўзин,
Дийдорнинг сафоси кўнгилини хушлар.

Ногаҳон жимжитлик гуссаси ила,
Ёнимдан ўтдингиз нигоҳсиз, дилсиз.
Мен эса қоларман гамбода, дилхун,
Пойингизни ўпар мастона ялпиз.

Уйчи тумани



Рисолат
ИСКАНДАРОВА

БЎЛМАС

Гуллар кулиб чиқарса бошин,
Қайирганда қалдирғоч қошин,
Фалак йиғлаб тўкса-да ёшин,
Сўлмоқ бўлмас кўклам фаслида.

Тоғ қўйнидан сув сойга оқар,
Қушлар сози қалбимга ёқар,
Нафис гуллар дилимга боқар,
Сўлмоқ бўлмас кўклам фаслида.

Нур сабоси – кўклам сабоси,
Бахт ёғдирар баҳор самоси,
Ҳаётбахш куй – қушлар навоси,
Сўлмоқ бўлмас кўклам фаслида.

Қизгалдоқ кўз ташлар тоғлардан секин,
Боғу далаларда яшинайди экин,
Ҳаёт бешигига жон кирар, лекин
Сўлмоқ бўлмас кўклам фаслида.

Урганч



Фозил
ХУДОЁР

ҲАЁТ БАРИ БИР ШИРИН

Бир мўйсафид ўрмондан,
Қайтарди ўтин териб,
Бирдан йиғлаб юборди,
Кўксини ерга бериб.

Нега ундай дейсизми?
Чунки ҳолдан тойганди.
Беҳоллик майлику-я,
У ҳаётдан тўйганди.

Сўнг нолиди Худого:
– Яшаидан тўйдим, етар,
Жонимни ол, розиман,
Ўлсам армоним кетар.

Шу маҳал қуюн мисол,
Ажал йўқлади чолни.
Деди: “Сўйла, биродар,
Тушунтиргин аҳволни”.

Чол эса донг қотди-ю,
Чақчайиб қолди кўзи.
“Бу тушми ё ўнгим” деб,
Айтди ўзига-ўзи.

Кейин қўрқиб сўз қотди:
– Келишинг билмагандим,
Юким оғир экан хўп,
Ёрдамлашгин дегандим.

Кўнглидаги гапларни,
Айтолмади ҳеч бирин.
Алқисса шуки, дўстлар,
Ҳаёт бари бир ширин.

БИР КУН ТАШЛАБ КЕТАМАН

Ўйламасдан кет дединг,
Энди сенсиз нетаман.
Мен ҳам чорасиз қолиб,
Севгини тарк этаман.

Юракдаги ишқингни,
Нафратим деб ўйладинг.
Тўзри қарор қилмасдан,
Ҳижрон сари бўйладинг.

Балки сен учун ҳозир,
Тирноқчалик қадрим йўқ.
Лекин кун ўтган сайин,
Қалбинг куйдирар бир чўғ.

Шунда ўзинг билмасдан,
Ишқда ёниб куясан.

Худо хоҳласа бир кун,
Менга ҳам зор бўласан.

Бу хаёлмас, мақсаддир,
Мен мақсадга етаман.
Сени жондан севсам ҳам,
Бир кун ташлаб кетаман.

Бағдод тумани



**Мафтуна
ҚУРБОННАЗАРОВА**

БОЙЧЕЧАГИМ

Умр ўзи дор устида ўйнашимкан,
Шунчалар ҳам тақдиримиз ўхшашимкан.
Энди танни қаро ерга тўшашимкан,
Бойчечагим, қорда қолган бойчечагим.

Гўзаллигинг қору музни эритолмас,
Сени менинг куйган бағрим иситолмас.
Чорасизман, дилдирама, оҳ, илтимос,
Мен ҳам сендай бағри тўлган бойчечагим.

Бу ерларда яшинамоққа қўймайдилар,
Сочларингни узиб олиб, ўйнайдилар.
Топташади, нозик жонинг қийнайдилар,
Ўз умрини хавфга солган, бойчечагим.

Ҳидларингдан ўрғилайин, жондош гулим,
Юзларида қувонч балққан дилдош гулим.
Бўй кўрсатма чиқмай туриб қуёш, гулим,
Қор қўйнида хиёл толган бойчечагим.

Кашқадарё





**Асрорбек
СОЛИЖОНОВ**

* * *

Ярим кеча...
Ой қилар пардоз,
Юздан олар паранжисини.
Мен эса ўйлайман дилхун,
Сени ҳамда райҳон исини.

Райҳон иси билан қоларман,
Майли, оппоқ либосга ўран.
Қузатишар сени бу кеча,
Қурбақалар айтишиб ўлан.

Қўлларингни бўягандирсан,
Муҳаббатнинг алвон рангига.
Балки сен ҳам алдангандирсан,
Тилла балдоқлар жарангига.

Ярим кеча...
Безабон хаёл,
Сўйлаб берар сенинг ҳақингда,
Паризода бўлардинг балки,
Менинг севги мамлакатимда.

Лекин хаёл, ҳаммаси хаёл,
Кокилларин ер ўпган сулув.
Бахтинг тилаб қўлим очмайман,
Ҳовучимга тўлиб қолар сув.

Ярим кеча. Ой қилар пардоз.


* * *

Севги – умримнинг ёмғирли мавсуми,
Муҳаббат мен учун сўнгги йўқ фасл.
Қўрқмай ухла дилбар, гулдураклардан,
Ёнингдаман ахир, ёдингдаман ахир.

Эслаб кўр биз билган оқшомлар ҳақда,
Биз уйғотган тонглар сўнгсиз асотир.

Гулчамбарлар таққин яна оҳиста,
Ёнингдаман ахир, ёдингдаман ахир.

Бир қара, соғинчим – оппоқ хаёлим,
Бодом шохларига илиниб ётар.
Бизни айиролмас кузаки ўлим,
Ёнингдаман ахир, ёдингдаман ахир.



**Жавоҳир
ФАХР**

МАКТУБ

Қоқ ярим тунда,
Ухламайсиз, кўзёш тўқасиз.
Сизга ёзган мактубларимни,
Ой нурида ўқиб чиқасиз.

Ухламайсиз, олмайсиз ором,
Юлдузларга термилиб ҳорғин.
Сувратимни қучиб йиғлайсиз,
Борлигингиз олиб оғир тин.

Юракларга сололмас ҳадик,
Зимистон кеча сукунатлари.
Шу лаҳзадан севги яралди,
Эъвоз топди ишқ мактублари.

ИШҚ ҲАРОРАТИ

Ўтган умрим бир лаҳзалик,
Ёдимдадир шўх болалик.
Дилгинамни куйдирган чўғ,
Ёр, ишқингиз ҳарорати.

Ёшлик дамлар ортда қолди,
Термилган жуфт кўзлар толди,
Ўтдан олиб, ўтга солди,
Ёр, ишқингиз ҳарорати.

Сочларимга оқ тушибди,
Дардларимга дард қўшибди,

Юрагимга мос тушибди,
Ёр, ишқингиз ҳарорати.

Сурхондарё вилояти



**Комила
НОСИРОВА**



Ҳеч шафқат қилмасдан
Бечора дилга.

Алвидо!
Унутгум энди барини.
Ёпаман мангуга дил дафтарини.
Ва сени
Тарк этиб кетаман абад,
Ортимдан изиллаб
Қолар муҳаббат.

Тошкент

ДЕМАК...

Демак, мен сиз учун битта бегона,
Демак, мен сиз учун эканман ҳеч ким.
Иқрорман, мен битта далли, девона,
Жудаям гуноҳкор бандаман балким.

Ўзимни тушунмай яшаяпман, рост,
Ўзимни англашга оғиз тафаккур.
Кўнгил дардларидан бўлолмай халос,
Ўша дардларимдан топаман ҳузур.

Кўзларим ёшига чўкаман такрор,
Дардлар ёмгирида чўмиламан мен.
Менга бегонасиз, деб айтинг бир бор,
Ҳасрат-ташвишимга кўмиламан мен.

Ёнимга келманг, деб беринг сиз буйруқ,
Ёнингизга бормай қўяман, аммо –
Менга бундай боқманг, қараманг совуқ,
Ҳиссизлик ҳасрати этмасин адо.

Сизга бегонаман – олгим келмас тан,
Тан олгим келмайди, қиламан инкор.
Бироқ мен бир кун шёрларим билан
Ишққа ёт кўнглингиз қиламан бемор.

Алвидо!
Бу сўзга йўқ эди тоқат,
Китобларда ўқиб қолардим фақат.
Энди-чи?
Шу сўзни оляпман тилга,



**Дилшода
ҲАЛИМЖОНОВА**

Менинг ҳақим майсаларнинг киприклари,
Кўзларимда пишар қантак ўриклари,
Сизга элтар манзилимнинг кўприклари,
Тонгларимни тугиб бергум хаёлларга.

Булутларнинг титроғида тушига киргум,
Ялпизларнинг ўтлоғига ишига киргум,
Бориб-бориб бир девона ишққа киргум,
Бораримда тун чўкмасми малолларга.

Юринг, дардни даво билан юзлатгани,
Юринг, ҳақни Худо билан юзлатгани,
Жоним асра жонингизни уйготгани,
Юрагимни илиб қўйинг шамолларга.

Фарғона





Дилобар
САЙДАХМЕТОВА



Гулнисо
САЙДАЛИЕВА

АРМОН

*Армон недир менинг учун, ёронларим?
Ушалмаган орзуларим, ҳам розларим.
Балки қалбим тубидаги бир сир эрур,
Балки дилим ўртаб юрган азобларим.*

*Армоним бор, юрагимни нимталар у,
Ёдга тушса вужудимни тилкалар у.
Балки армон жавоб топмас саволимдир,
Жавоб топсам у вужудим тинч қўярму?*

*Армон, сенинг бир умрлик асирингман,
Сен подшоҳим, мен эса бир канизингман.
Армон, мени тутқунликдан қўйиб юбор,
Бир умрга бўлай сенинг қарздоринг ман.*

Тошкент



Дилшода
ЭРГАШЕВА

СЕВИШИМНИ КЎЗЛАРИМДАН БИЛ!

*Кўзим юмдим... парвозим баланд,
Гўзал бари, ожсиз фақат тил.
Эй, руҳимда яралган дунё,
Севишимни кўзларимдан бил.*

*Этолмасман изҳори сўзим,
Бўғзим узра тиқилгандек қил.
Ҳаёт менга меҳр-ла боқиб,
Севишимни кўзларимдан бил.*

*Бари ширин – дард ҳам, алам ҳам,
Қаср қурди шодликлардан дил.
Йўқ, ҳеч кимга ўхшамай сени,
Севишимни кўзларимдан бил...*

Севишимни кўзларимдан бил!

Сурхондарё вилояти

Гулноза
КАРИМОВА

ШИРИН ТУШЛАР

*Тушларимга кирдинг бахт – гулим,
Тунд ҳаётим ёришиб кетди.
Излаганим менинг бахт йўлим,
Толемга бирлашиб кетди.*

*Тонгдай ёрқин, эҳ, ширин тушлар,
Тонглар бунча хушнуд этасиз.
Менинг кўнглим хушлаб тунлари,
Қуёш чиққач ташлаб кетасиз.*



НЕГА ШУНДАЙ?

*Қувончли кунларим сизсиз ўтмайди,
Хомуш кунларимда жим туролмайсиз.
Лекин нимадир кам, недир етмайди –
Мен ҳақда менчалик қайғуролмайсиз.*

*Йиглаб юборгингиз келар дам-бадам,
Кипригим кўзёшга бўлганда тарнов.
Уйимнинг тўрига киролсангиз ҳам,
Юрагим тўрига бировсиз, биров...*

*Ё мен ҳаддан ошиқ арзанда қалбман,
Ё кутган меҳримни ўзим бермадим.*



Ёки фаришта деб сизни ўйлабман,
Балки ўзимними, яна билмадим...

**Садоқат
ҲОТАМОВА**

Нега шундай экан, олам одамга
Чин дўст бўлмақни ҳам уддалолмайди.
Эҳтимол шунгадир дўстлик оламга,
Келди-ю, ҳалиям кета олмайди.

**Садоқат
МУСУРМОНҚУЛОВА**

КЎЗЛАРИНГДА КЎРСАМ ЎЗИМНИ

Пешонангда нурли қуёшинг бўлиб,
Юрагингда сабру бардошинг бўлиб,
Бир умрга ёнингда сирдошинг бўлиб,
Кўзларингда кўрсам ўзимни.

Тоғларнинг бошидан кетганида қор,
Богларимга эрта келганда баҳор.
Япроқлар пичирлаб битганда ашъор,
Кўзларингда кўрсам ўзимни.

Ҳар дам ҳилол эмас, юлдуз мисоли,
Қоп-қора тун эмас, кундуз мисоли.
Вафода тенги йўқ, бир қиз мисоли,
Кўзларингда кўрсам ўзимни.

**Гулнора
МИРАҲМЕДОВА**

УСТОЗИМГА

Сиз билан кўнгилга эргашиб,
Ўзни севиб қолдим-ку мен.
Қогоз ва қалам-ла тиллашиб,
Сўзни севиб қолдим-ку мен.

Ҳис-туйғулар қалбда бир гунча,
Очилгунча тугар дошларим.
Гоҳида бир сатр ёзгунча,
Қогозга томчилар ёшларим.

Менга улуг асли бу неъмат,
Унга ошно қилганингиз соз.
Сўзларнинг сарбаланд келбати,
Мени босиб қўймоқда, устоз.

Фаргона

* * *

Адирлар пойимда иқболим кўзлаб,
Лола япроқлари меҳр-ла сўзлаб,
Мажнунтол ортимда титради бўзлаб,
Кўнгил болаликка қайтмоқ истайди.

Учқур вақт – тутмоққа бўлсайди имкон,
Орзулар йўлида бўлмасдим қурбон,
Майсазорларимни қучсайдим бир он,
Кўнгил болаликка қайтмоқ истайди.

Соғинганим, ташлаб кетмасанг эди,
Руҳим, хазондайин учмасанг эди,
Севги деган заҳар ичмасанг эди,
Кўнгил болаликка қайтмоқ истайди.

Йиллар шамолига қулочим очиб,
Ёзган шеърларимни майдалаб сочиб,
Кўз ёшимдан унган тикондан қочиб,
Кўнгил болаликка қайтмоқ истайди.

**Севара
КАРИМОВА**

ҚЎҚОНИМ

Қўқоним, сен муқаддас,
Сенинг ўзинг дурдона.
Шаҳарларим ичида,
Азиз, гўзал, ягона.

Тупрогинг ҳидлаб ўнай,
Суртай қошу кўзимга.
Эй, муқаддас она-юрт,
Достондирсан сўзимга.

Кишиларинг меҳнаткаш
Нозиктаъб ҳамда буюк.
Парваришлаб ўстирган,
Оналар каби суюк.

Қўқон шаҳри



Юлдуз НАФАСОВА,
ҚорақалпоғистонДУ талабаси

ШЕЪРИЯТДА ЛИРИК КЕЧИНМА

Дунёда ҳеч бир нарса ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ҳаттоки энг кичик заррачанинг ҳам яралишида нимадир туртки ёки таъсир кўрсатган бўлса керак, ҳойноҳой. Бу фикрни шеъриятга муқояса қилсак, кўнгил туйғуларининг яралиши қалбу шууримизни жунбишга келарли даражада ҳаяжонга солса, тасаввуримизни бошқа – номаълум бир олам синоатларининг мантиқини англашга даъват этса, демак, ушбу ҳодисага шоир ўз мақсадларини тўлиқ сингдира олганлиги, айна пайтда, "хос оҳанг"ни танлай билганлиги аёнлашади. Шоир – сўз танлайди. Сўзнинг руҳи ва киши кўнглига таъсир этувчи жиҳатлари ранг-баранг ва сержило бўлгандагина ҳақиқий шеър бўла олади. Негаки, шеър шоир англаган, ҳис қилган оламнинг меваси. Бу оламга кириб бориш бизни нафақат ижодкор оламга яқинлаштиради, балки дунёнинг сир-синоатларини тушунишга замин ҳозирлайди. Руҳиятнинг чексиз имкониятлари борлигидан огоҳ этади. Муҳими, уни қандай ва қай тариқа ифодалай билишда деб ўйлайман.

XX аср интиҳосидаги шеъриятда халқона оҳанг ифодаси кўзга ташлана бошлади. Шу ифода усулида "эксперимент"лар қилиш анъанаси ўзгача тус олди. Аниқроғи – урф бўлди. Айниқса, услубий "яқин"лик сезилиб қолган ҳолатлар учраб турди. Лекин бу рўйхатда ҳамма шоир ҳам ўзига хос услубда ижод қила олди деб бўлмайди. Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид, Маҳмуд Тоир, Иқбол Мирзо ижодида тамомила янги-ча руҳ, янги-ча кайфият борлигини катта авлодга мансуб мунаққидларимиз ҳам эътироф этишди. Бу сафнинг бошида минг-минглаб шеърхонларни йиғлатган, кўнгил туйғуларининг нозик сирларидан қалбларга ёруғлик, меҳр ва вафо уруғини экиб кетган Муҳаммад Юсуф эканлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Жумладан, халқона оҳангда битилган ҳамда шу анъанани тадрижий давом эттириб, ўз ҳиссасини қўшиб келаётган Иқбол Мирзо шеърияти ҳам фикримизнинг ёрқин

далилидир. Биз ушбу ихчам тадқиқотимизда лирик кечинма хусусида бир-икки ҳолатни таҳлил этишни лозим кўрдик.

Иқбол Мирзо шеъриятида лирик кечинма табиати – уч тарихий ўлчам, кеча-бугун-эртага тарзида намоён бўлади. Кечинма ҳар бир шеърнинг моҳиятидаги акс эттирилган маънони ифодалайди. Кечинма турлича бўлиши мумкин. Иқбол Мирзонинг кейинги йилларда яратган Ватан ҳақидаги шеърларида лирик кечинма кўпроқ – тарихий шахслар, тарихий обидалар, Ватанни англаш ва уни тушуниш, шу туфайли ўз дунёқарашини ифодалаш, яъни борлиқдаги воқеа-ҳодисаларга шахсий муносабати ила ёндашуви орқали поэтик яхлитлик касб этади. Демак, кечинма табиати ўз даврининг адабий маҳсули сифатида юзага келиши ойдинлашади. Масалан, шоирнинг "Она тупроқ" шеърида кечинма – тарих ва бугун тимсолида ифода этилади:

*Авлиёлар, даҳоларнинг бешигисан,
Нақшбандлар топган жаннат эшигисан.
Тирикликнинг навоси ҳам қўшиғисан –
Сен азизсан, муқаддассан, эй саждагоҳ,
Ўзбекистон, ота макон, она тупроқ!*

Ушбу шеърда кечинма – тарих, замон ҳамда Ватан муқаддаслиги-ю, Каъба янглиғ саждагоҳлигини англаб етишга ўқувчини даъват этади. Аёнки, ҳар қандай шеър ўқувчи қалбига кўчган туйғулар таъсири онг ости қатламларида реаллашади, шу боисдан "тушунча" субъектив "мен", объектив "мен" томон эврилади. Шеърнинг иккинчи мисрасида "Нақшбандлар топган жаннат эшигисан", дейди Иқбол Мирзонинг лирик қаҳрамони. Дарҳақиқат, лирик кечинманинг энг бирламчи хусусияти унинг самимий ифода этилишида кўзга ташланади. Туйғу самимий бўлмаса, яъни чин ифода этилмаса, шеър бадиияти етарлича талқин

қилинмаслиги мумкин. Айнан бу ҳолат шеърнинг руҳида яққол сезилади. Бинобарин, кўнгил туйғулари хоҳ у жиддий, хоҳ у қувноқ мазмунда ифодаланишидан қатъи назар, самимийлик бўлмаса, ҳақиқий санъат асари, ўқувчи қалбини ҳаяжонга сола билмайди. Чин ва самимий туйғудангина гўзал шеър яралади. Иқбол Мирзо ижодини шартли равишда уч хил мазмунга бўлиб ўрганиш мумкин:

Биринчиси – муҳаббат ҳақидаги шеърлар;

Иккинчиси – ижтимоий-сиёсий лирика;

Учинчиси – Ватан мавзусини тараннум этган шеърлар мажмуи.

Шоир ўз таржимаи ҳолида "муҳаббат менга қалам тутқазган, кейинчалик бу юрт, ватан ишқига айланган" деган эди. Шоирнинг муҳаббат ҳақидаги шеърларида ифодаланган кечинмалар китобхонни ўзига тезда жалб этади, кўнгилларга ёруғлик инади, умидбахш туйғуларни тухфа этади:

Ёмғирлар сочилди, ғуборлар кетди,

Сенга гул туюлмади баҳорлар кетди.

Еллар ҳовучида уфорлар кетди,

Шамолча ҳимматим бормиди менинг?

Мендан сенга фақат озорлар етди.

Шоир ушбу шеърида лирик қаҳрамоннинг маҳзун кайфияти билан китобхонни таништиради. Самимий ва халқона оҳанг уйғунлиги замирида поэтик аниқлик ва яхлитликка эришилган. Лирик қаҳрамон кечинмаси – туйғуси чин ва самимийдир. "Ўз жуфти ҳалоли"га "бир гул туюлмади", "фақат озорлар" отказанига иқдор бўлади. Бундай ҳолга тушганидан ўзини айбдор эканлигини тушунтирмакчи бўлади. Шеър тўртта банддан иборат бўлиб, поэтик ечим ўзига хос тарзда яқунланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Иқбол Мирзонинг аксарият шеърларида замондош инсон руҳияти, Ватан ва халқ олдидagi бурчи, аҳдига вафодорлиги, виждонли, ор-номусли, ўзидаги масъулиятни теран ҳис этувчи қаҳрамонлар бўлибгина қолмай, тарих ва ўтмиш ҳодисаларини ҳам чуқур англаб етган инсон

бўлиб кўз ўнгимизда намоён бўлади. Шеър – оний бир лаҳза, кайфият мевасидир. Бу нафосат оламига кириб борган сайин, қалбимизни гўзал туйғулар, бетакрор орзулар, умидворлик ҳисси чулғай бошлайди. Аёнки, ҳар қандай шеър лирик кечинма асосида яралади. Шу боисдан шеърдаги ҳар бир унсур – кечинма, фикр тадрижи томон юқорилай бошлайди. Муҳими, туйғунинг ифодаланиш даражаси билан ўлчанади бу каби ҳодисалар. Шоирнинг қуйидаги "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" шеърида бунинг ёрқин асосини кузатамиз:

Ватан кенгдир элнинг бағри кенг учун,

Юртбошининг меҳри қўёшга тенг учун.

Бу имкон, бу замон сену мен учун,

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон.

Бу ўринда лирик кечинма шеърнинг барча компонентларига сезиларли таъсир кўрсатган. Шоирнинг шахсий туйғуси – объективлашган кечинмага эврилган. Ватаннинг кенглигию азизлигини, ҳар бир гўшасининг мафтункорлигидан, унда яшовчи ҳар бир инсоннинг орзулари – беғуборлигини, қалбида ишонч ва ғурур борлигидан сўз очади шоирнинг лирик қаҳрамони.

Умуман, ҳар бир шеър шоир англаган ҳақиқатлар кечинмалари замирида дунёга келади. Кечинма соф ва самимийлик томон ўзгаргани сари, шоирнинг бадий маҳорати ҳам шунчалик тиниқлаша, юксаклаша боради. Иқбол Мирзонинг хоҳ муҳаббат, хоҳ ватан, хоҳ дўст, хоҳ ҳаёт тўғрисида ёки шунга яқин мавзулар куйланган шеърларини яхлит олиб қарайдиган бўлсак, халқона оҳанг шоир ижодида ўзига хос, бетакрор, самимий, гоҳ ўйчан, гоҳ шод йўсинда ифода этилганлигининг гувоҳи бўлаемиз. Кечинма бағридаги умид, чақириқ, даъват – инсон ўз ўзини англаши, тушуниб яшаши, ҳар бир нарсанинг қадрига етишидан муайян сабоқлар бера олиши айни ҳақиқатдир. Шундай экан, ҳар бир кўнгил ўзига хос оҳангни, туйғунини топиб ўқиши, қалбидаги саволларга жавоб ахтаришида – шоир ижодий дунёсидан баҳра олиб яшаши муҳимлиги аёнлашади...





Дилором ДИЛХОҲ



КУЮКТУТ

Ҳикоя



Муаллиф чизган сурат

Очликнинг азоби тутди, ҳар ким қўли-қўнжига илашганини ютди. Аввал кўкка етдик деб кўкарганнинг барисини ейишди, кейин, селдрбош ҳам қуриб қопти, энди ўлмаимиз, дейишди. Шунда ҳам арпа каплаб қанча одам шишиб ўлди. Тирик қолгани буғдой пишиғига етган бўлди.

Эрман деганнинг бари урушда, кунимиз ўзимизга қолди бу туришда, деб аёлман деганнинг барининг оти ўроқчи бўлди.

– Биргад ўлсин, ой чиқсаям, кун чиқсаям шунга бўсин экан-да, – деб белини маҳкам тугди аёллар.

– Отаси волос¹ бўган, ўгай отасининг отиминан журипти бу жувонмарг, марднинг майдони у ерда, аёлман

қолган Жовдот биргаднинг жойи қаерда? – деди аёллар.

Норсулув қуш уйғонмай уйғонди, кечаси билан қуруқ чандирни шимиб йиғлаб чиққан гўдагига боқиб ичи ёнди. Чорасизликка чора топмоқчидек ўз-ўзига сўзланди:

– Ор дегани устун келди, бунда қолмоқ ўлим бўлди. Отангам кеч кетиб, кетганигаям йилдан ошди, улим. Кўнгли бўш одам эди, кўнгилчан эди, охири “кўнгилли” бўп кетди. Ўзиям, ҳар нега қўл урса чин пишиғи минан киришарди, пашисттиям инига қувған бўлса керак, келганда олдига жугурип чиқасан, – деди дадилланиб.

Дадил бўлгани билан боласини кўтаришга бели чидамади. Катта бир бўхчани бўшатиб, боласини бола кўтарганга ўхшатиб белига туйди. Муқаддам чечаям чиққандир деб, тешиқдан увада чопонни олиб, қўшнисига ҳам қараб қўйди.

Озиб-тўзиб қоқ бўлган, эри кетиб тоқ бўлган Муқаддам ҳам эрганақдан осилиб қўшнисини чақирди, сўнг яна аллақачон йўлга тушган қизига бақирди, анов тош олмаминан, айронданам озгина олдингми, деди. Қизи ҳам ўн учларни қоралаган эсли эди, Самат қоранинг қизи эмасми, рангиям қора тусли эди.

– Ҳа!.. Самат акам тушингизга кирдим, азондан туриб опсиз?.. – деди Норсулув боласининг бошидан туриб ўроқча эгилар экан.

– Эй... қўйсангиз-чи, нима қиламиз, бу кунларам бошда боракан, бир сўкиш кам-камда, айнанай, – деб қўшнисининг қўлидаги тугунчани олди.

Банда ёғий бўлиб бошга кулфат солган билан Худо ўз марҳаматини аямади, шу йили ариқларда сув мўл бўлиб, омоч шудгор қилган бўз адирларда ҳам буғдой яхши бўлди. Қишлоқдан чиқа туриб, икки аёл элда туёқ зоти қуриб, мол ҳам далага ҳайдалмай қўйилган бўлса-да ҳамон оти “Подажотоқ” деб аталадиган жойдан ўтиб, тўғри буғдой дала боши – Куюктутга қараб кетишди.

Куюктут шундай куюктут эди, Худо суйган суюк тут эди. Чақмоқ урган гавдаси қуламаган, бирон бад ниятли одам йўламаган. Ичи куйсаям кўкарган тут, эл билан элнинг дардини кўтарган тут. Ёмғирдан пана, иссиқда

¹ Волость – кишлоқ шўроси маъносида.

соя, чарчаб толиққанга суянчиқ, мисоли қоя. Беланчалар осилса алла айтган, бева-бечоралар куйган борки, унга қайтган тут эди.

Ҳамма куюктутни қоралаб жам бўлган вақти, вақти сахар эди. Биргадирнинг жияни Салим оқсоқ оқсоқланиб деди: "Бугун бардаммисиз, чечалар?.." Эрига ҳам бошини кўтариб қарамаган аёллар, кўзлари ерда, бош ирғаб ҳа деган бўлди. Салим ҳам сўраган билан ҳамманинг аҳволи не эканини билди. Уям... кўп чатоқ чиқди, Ойсанамни олиб қочиб хотин қилиб шуни уқди:

– Хотиннинг бари бир экан, тиллашсанг сенга тир экан. Тувғани шу бир қиз бўлди, яна тилагани бирас, ўнамас, юз бўлди, – дедию хирмонжойга кетди. Куюктутдан одам ариб, Норсулув боласига имо қилиб кўшниси Муқаддам билан қизига секингина ҳозир, дедию тутга суяниб ерга ўтирди. Бовуридаги бўхчани бўшатиб, ярим кафт толқонни доқа рўмолининг учига лўнда қилиб гўдагининг оғзига солди. Уйқудаги гўдаги онасини излаб қолди. Тут сояда ухлагунча ўғлини "ҳиё" лади, буғдойпояга кеч қолиб борганиям уялади. Елбешикка ҳам бир қараб кўйди: – Нима бўлсаям Ойсанамнинг қизи-да, ойпарчага ўхшайди-ей, – деди ичида. Норсулув оёғининг учи билан юриб кетди, чекига тушган ерни илғаб, қолганига югуриб етди.

Яна бир шохи – кўлида беланчак, этагида бир бола куюктут қолди. Куюктутнинг танаси ўйиқ бир эшик бўлди. Паст шохида ел тебратган бешик бўлди. Елбешикни ел тебратди, шукур қилиб ўз кунини эл тебратди.

Кун қизиганида иш ҳам қизиди, рўмоли қийшайиб ўроқчи аёлларнинг сочи тўзиди. Қияни қиялаб ўрган Норсулувнинг кўзига қишлоқ қорайиб кўринди. Эри йўқ, бошэгаси йўқ, кўзига дунё торайиб кўринди. Тутамлаган буғдойи кўлида қолди, Норсулув атрофга назар солди.

– Муқаддам чечанинг қора қизи ҳали ёш-да, орқада қопти, бечора кичкина бўлсаям ўроқ тутиб ризқини топди, – деди. – Болам! – деди-ю, бола меҳрини туйиб кетди, кўйлаги ҳўл бўлиб, билса, кўкрагида сути ийиб кетди.

– Вой улим! – ўроқни ерга ташлади, кўзимас, кўксини ёшлади. Қулоғига олис бўлса ҳам бола йиғиси эшитилди. Бу йиғи овозини қулоғи эмас, кўнгли эшитгандай бўлди. Куюктутга етганида йиғлаган ўзиники эмаслигини билди. Елбешикка чопиб борди, бора солиб кўнглини ёрди:

– Эй куюктутнинг остида ухлаган ой қизим, гиргитонинг бўлай ўзим, сену менга деган кунам бордир-да.

Ойсанамнинг қизи ҳа деганда йиғлаб кўнавермади, кўзидан ёши тинавермади. Норсулув қизни олди, олиб этагига солди, қизни овутиди:

– Сен манов бўхчани қара, – деди, бўхча ичида ухлаб терга тушиб ётган ўз ўғлига имо қилиб:

– Толқонди толлисимиан кўзини очмайди, отасининг ули-да, қиздинг йиғисигаям учмайди, – деди атрофга назар ташлаб. Ойсанамнинг қораси кўринмади, қора қумғоннинг ости тутаб ётар, тут остига ким келиб ким кетгани ҳам билинмас эди. Уйғотиб эмизай деса, ўғли уйқуда бўлди, йиғлангани овутмоқни қийин билди.

– Келе... й қизим, энанг билиб жотирма, отанг гумон қилиб жотирма, – деб эна кўксини қизга тутди.

Қизам эна айирмади, эма туриб бирам бурнини жийирмади. Бир кўкракни қоқалаб бўлди, ёт энада ухлаб бўлди. – Айтмайман, – деб қизни елбешикка солди, сўнг ўз ўғлини кўлига олди. Толқонни оғзидан олиб кўкрагини солди. У ҳам уйқусида толқон эмас, кўкрак

сўрди, кўзини очиб оёқларини тираб кўрди. Куюктутда иссиқдан қочиб чумчуқлар соялади, Норсулув ўғлини яна "ҳиё"лади. Яна ишига чопди, кўкраги бўшаб ҳаловат топди. Ёпиқ қозон ёпиқлигича қолди...

Пешинда аёллар яна куюктутнинг остига қайтишди, ўзларича йигити йўқ қизларга ҳазил қилиб кўшиқ айтишди:

*Куёв тўнлар қавийсан,
Ёринг қани, ёр-ёр,
Жўқди жўқлаб чиққани,
Боринг қани, ёр-ёр.*

*Бир ваъдаси бормиди,
Кўзинг жўлда, ёр-ёр,
Эрман деган олисда,
Ўзинг жўлда, ёр-ёр.*

*Ўроқ тутсанг буғдойинг,
Эшилади, ёр-ёр.
Айтмай десанг дардега дард,
Қўшилади, ёр-ёр.*

Қизу жувонлар ёр-ёр айтишди, Маллабой ўзича ўнга кирса ҳам сонга кирган бўлиб, қора қумғоннинг қорасини мўйлаб қилиб, қорақуя бармоқларини ёйиб роса ўйнади. Аёллар қотиб-қотиб кулишди, бир пайт отда Жовдот биргадирнинг яқин келиб қолганини билишди. Бу келибоқ сўкар деб, аёллар кўзини олиб қочиб буғдойпайкалга югургилади. Салим эса чўлоқ оёғига пайтава ўраёлмай шошиб қолди.

– Жим!.. – деди Салим ҳам тоғасига, кўрсаткич бармоғини тутиб, чақалоқларга имо қилиб, аслида эса ўзи сўкиш эшитиб қолишидан, бир қамчи еб қолишидан кўрқди.

– Ҳа жиян! Бу туришда мени жувонмарг қиласан-ов сен, сўкай десам... – деди Жовдот биргадир паст овозини баландлатиб, бир бешикка, бир Самадга қарар экан.

– Эй сен менинг овзимға урма! План бор, план!.. Каттадан катта кўп, замон бунақа бўлса, – деди отининг жилловини тортиб.

– Тушунаман, тоға...

– Эй! Сен ниманиям тушунардинг эси паст, анов Қулмат чолга айт, буғдой янчишга яна отини бермаса, ўлса ўлигиниям мазорга қўйдирмайман, лекин, – деди кўзлари баттар вазоҳатдан ёниб, тишлари тегирмон тошидай ғичирлар экан. Сўнг оти йўртиб кетди, феълида, Салимниям ҳар гапи билан ўйиб, туртиб кетди.

– Эй!.. – деди Салим кўлларига тиралиб ўрнидан турар экан. – Сендай тоғаниям... донга тўйган хўроздай қип-қизариб... бу ердагилар буғдой бошоқдай эгилиб, тўкилиб бораётганини сен қайдан биласан?..

Салим ҳам оқсоқланиб хирмонга кетди. Яна шу куюктут унинг ғам куюгини англагандай икки гўдакни овутиб қолаверди.

Куюктутнинг бошидан қанча булутлар ўтди, қанча изгирин, қанча гармсел унинг-да бағрини эзиб кетди. У эса эридан "қора хат" олиб тул қолган аёлдек сукут сақлаб тураверди. Орадан беш йил ўтди, урушдан ким қайтди, ким қайтмади. Ҳар нега кўниб кўниккан эл эл-масми, бировга кулиб, бировга лаънат айтмади.

Норсулувнинг "кўнгилли" бўлиб кетган эри эса дом-дараксиз кетди. Норсулув йиғлашини ҳам, кули-

шини ҳам билмай "кўнгилли" эрини кута-кута яшашдан кўнгли қолди. Фақатгина эндигина уч ёшдан ошиб, "Отинг нима?" – деган саволга, – "Муйоджон!" – дейдиган ўғлига овуниб энди бор муроди ўғли эканини англади.

Вақт ўтаверар экан, эркаклар қайтиб Жовдот биргадирнинг боши эгилди. Кимлиги фош бўлди, беваю бечоранинг ризқини егани ҳам бўлмади. Одамларнинг айтишича ҳозир ичагининг бир кулоч ери чириб ўсал бўлиб ётган ерида, тегишган қизи ҳам онаси билан келиб мол-мулк даъво қилаётган эмиш. Эшитганлар: "Тавба, бедаводан яна нимани даъво қилишар экан", – дейишди.

Самат қора қўлтиқтаёқда келди, ҳозир сўқишларига яна сўқиш қўшилганмиш, фақат русча, хотини эса, – шу ўрисчани билмаганимга ҳам шукур, – дейди. Қора қизи улғайиб отасига парвона.

Элда гап кўп-да... Салим опқочиб уйланган эди, энди хотини эрини опқочганмиш... Эшитганлар "Салимам энасиникига кетипти", – дейишяпти.

Бугун ҳам Норсулув куш уйғонмай уйғонди. Бахмал жилдга – китобларнинг ёнига зоғоранон, ёнғоқ, майиз, туршак солди.

– Мени уйлама, болам, кўни-кўшни, тоғаларинг бор. Сен ўқишинг керак, ўқиб одам бўлсанг, элга кўшилсанг дейман, – дедию йиғлаб юборди.

Муроджон онасини муродбахш кунларга қолдириб йўлга отланди. Катта шаҳарда онасининг айтишича, катта ўқишга – техникумга, кирган эмиш.

– Вой катта ўқишмиш, анов қишлоқдаги Солиҳ тунув кун шаҳарга борган экан, ўқишдаман деб Мурод бир қиз минан журиптиймиш, – деди аёллардан бири.

– Уят-ей, – деди яна эшитганлардан бири, – йўлидан озипти, отаси мундайчикин эмасди, энасига дард бўлмасайди, – деди яна биров. Норсулув унисиниям, бунисиниям эшитди.

– Ўзимдинг болам, йўлидан озмайди, ҳали ўқиб катта бўп кеса, одамлар бир тилини тишлаб қосин, – деди ўзича мийиғида кулиб, ички бир ишончи тантана қилиб. Мурод шунда ҳам ҳа деганда келавермади.

– Ўқишам осонмас-да, – деб далда берди у яна ўзига.

Норсулув туш кўрди, тушида Муроджон тинмай, "Эна, мендан рози бўлинг", – дер эмиш. Норсулув чўчиб уйғонди, уйғонса эшик тақиллар, тушими, ўнгими, нимага уйғонганини ўзи ҳам билмай, юраги ҳадик олди.

– Эй Худо, ярим кечаси келган хабардан кўрқаман, Муқаддам чечамикан ё?... Ишқилиб биров ўтиб нетган бўмасин-да, – дедию токчадаги лампачирокнинг пилигини кўтариб, бошига рўмол ташлади.

– Ким?... – овозлари қалтиради беихтиёр.

– Мен! Эна, Муродман! Очинг эшикни! – ташқаридан Муроднинг йигитларга хос залворли овози янгради.

– Вой болам! – эшикнинг занжири шикирлади. Остонада она бола кучоқ очиб кўришишди.

– Бир ўзим эмасман, эна! – Мурод орқасига ўгирилди.

– А?! – Норсулув энди гапга оғзини жуфтлаган ҳам эдики, хира чироқ ёруғида бошига катта рўмол ташлаган, қўлида тугун тутган бир қиз кўринди. Қошқўзи пиликдай, қизнинг юзида табассуми балқиб, чироқ нуридан-да равшан нур таралгандай бўлди.

Мурод, қизга бир назар ташлаб, "энди бир кечага бизга жой берасиз-да, эна," – деди. Норсулувнинг тили тутилди, ичига бир дард ютилди.

– Бир кеча нима, минг кечага жой бераман, – деди яна юраги қандайдир бир орзиқиш туйиб.

– Киравер, – Мурод яна қизга юзланди.

– Кираверинг, тортиниб ўтирманг, қизим.

Қиз бошқача илтифот кутгандек ҳадикда бўхчаси қўлида, секин девор тубига чўқди. Мурод онасининг ётган ўрнига ўзини таппа ташлаб, ёстикдан онасининг хидини излаб соғинчдан юраги ҳаприқди.

– Мен... у-бу топиб келай бўлмасам, – сукутни тушуниксиз сукут мавҳ этгандай бўлди.

– Ҳеч нарса керакмас эна, тонг отсин, айтгандай бу келинингиз...

– Ўзимам...

– Санобар, тугунингни кўйсанг-чи, – Мурод ўзи етаклаб келган қизга яна ўзи термулиб завқланди.

Норсулув тугунга узаниб, ҳаммасини тушунгандай бўлди. Қиз ҳомиладор эди.

– Вой ўлмасам!.. Ҳа майли, отанг йўқ... айб ўзим-даям... – Норсулув унсиз йиғлади. Қиз бирдан тугунини кўтариб ўрнидан туриб қотиб қолди.

– Вой ўтиринг, қизим, қаёққа?... Бошам, савдосиям ўзимизники, қаёққа борасиз... – бу сафар унинг овози меҳрли, самимий ва ялинчоқ эди.

Худо Норсулувга келин ҳам берди, сабр ҳам берди. Одамларнинг гапига ҳам қулоқ солмади. Негадир тил-забонсиз қолгандек, тилини ичига ютди. Кўнглига олмасин деб келинидан ҳам ҳеч нарса сўрамади. Келинини авайлади, минг йиллик ёлғизликни бошидан кечиргандек, бағри тўлганига шукур қилди. Муроднинг ўқиши чала қолса ҳам рўзғор ишларига берилганини кўриб, унинг юриш-туришида бедарак кетган эрининг дарагини кўргандай бўлди.

Кеч кириб ёмғир севалади.

– Мен ҳозир, тандирнинг оғзини ёпиб келай, – деди Норсулув.

– Мен ўзим, эна... – келин инграниб эшикдан чиқди. Норсулув жун титаётган жойида келинига хавотирли қараб қўйди.

– Э...на!.. – ташқарида зорланди келин.

– Ҳай, келин, – Норсулув ташқарига отилиб чиқди. Тандир эгнига суяниб дард чекаётган келинининг олди-га етиб, ўчоқдай ўтириб қолди. – Ҳозир, ҳозир, айтиб қўйувдим, – Норсулув йиғлаб кулар эди.

Мурод ёмғирда ҳам ташқарида ўтирди, Норсулув ўғлининг елкасига пахтали чопонни ташлаб ўзи ҳам ёмғирда ўтирди. Норсулувнинг кўзидаги ёшини ёмғир ювар, ёмғирми, кўзёшми, ишқилиб ёғиб турди. Бир пайт ичкаридан чақалоқ йиғиси эшитилди.

Доя хотин:

– Ўғил! Ўғил экан, – деди негадир кўзи ерда, ўзи терда. Кечаси зулмат эди, тонг ёришди. Она-бола суийб-суймалаб чақалоқнинг олдида боришди.

Норсулув келинининг йиғлаб ўтиганини кўриб, юраги сесканиб кетди, шошиб чақалоқни қўлига олди. Не кўз билан кўрсинки, чақалоқ оқ-оппоқ туғилган эди, сочию киприклари, ҳатто лаблари ҳам сутдек оппоқ.

Мурод ташқарига чиқиб сўкинди, Норсулув ташқарига чиқиб йиғлади.

– Бу нима, қарғишми?... Йўқ, Салим оқсоқ ҳам опқочиб... А!..

Норсулув ичкарига югуриб кирди, келини яна ўша илк бора эшикдан кириб келганидагидек қайнонасининг важоҳатини кўриб ўрнидан туриб шошиб қолди.

– Кимнинг қизисиз, қизим?! Отанг, энанг ким, деб ҳам сўрамадим, лаънатлаб сўраяпти демасин дедим, ота-энангизни сўрашгаям тилим бормади.

– Отам...
 – Отангиз... Салим оқсоқ эмасми?
 Келин бош ирғаб “ха” деди-ю:
 – Шундай дейишади, – деб қўйди.
 – Онангиз-чи, Ойсанамми?
 – Ҳа!..
 – Вой мен ўлай, фалакнинг гардишини қара, ҳеч нарса бежавоб эмасакан... – Норсулув яна жимиб қолди.
 Ташқарига чиққанида кўча бошида кимдир:
 – Лампамой!.. Лампамой! Чироқмой... – деб бақирар эди.
 Норсулув ичкари кириб, тоқчадан пул олар экан, келинига юзланди:
 – Менга кўшша қарисаларинг бўгани, болангизни жони омон, сиз куйинманг, – деди.
 Лампамой сотувчи эшагини тўхтатганида:

– Уч обжўш берсангиз бўлди менга, – деди. Буни кўриб атрофдагилар:
 – Невара қуллуқ бўсин, майли кўпроқ осин, чақалоқ бор-да, чақалоқли уй, – дейишди.
 Норсулув ичкари кириб лампачироққа лампамой солиб, пилигини ёқди, қолганини мис обдастага солиб, секин йўлга тушди. Юрганда ҳам секин юрди, лампачироқнинг олови ўчиб қолмасин, деди. Кўрганлар ёқа ушлади:
 – Кун кўрмаган кун кўрса кундуз чироқ ёқади деганлари шу бўлса керак, – дейишди ўзларича. – Йўқ, шу кейинги пайтлар сал ақлидан адашган, улниям номусига қўйди, – деди яна кимдир.
 Куюктут тутади, чўпонлар ҳайрон бўлди: “Ўзи куюктут бўлса, яна унга ким ўт қўйди экан?” – дейишди. Аммо, ёнаётган тут эмас эди...



Дилнавоз НАЖИМОВА,
 Чирчиқ шаҳри 26 мактаб ўқувчиси

Яшнар бу Ўзбекистон

НЕВАРАКУЛЧА



ҚАЛДИРҒОЧНИНГ ВАТАНИ

Ўзга юртни қалдирғоч,
 Асло макон деб билмас.
 Тинч, қадрдон ва гўзал,
 Мўъжаз ошён деб билмас.
 Уч кун турар кўпида,
 Қийнар ватан согинчи,
 Ширин орзу, хаёллар
 Бўлар унинг овунчи.
 Тўртинчи кун келганда,
 Ватан томон учади.
 Каталакдек инини,
 Жаннатим деб қучади.

ФИЛДЕК БЎЛСИН

Агар филлар тизилса,
 Аскарларга ўхшайди.
 Қадам босса, гурсиллаб,
 Навкарларга ўхшайди.



Ҳар куни эрта тонгда,
 Буйруқ берар қўмондон.
 Филлар борки, доимо,
 Тинч, осуда бу ўрмон.
 Лашкаримиз бўлсалар,
 Худди филдек паҳлавон.
 Ҳеч бир куч тенг келолмас,
 Яшнар бу Ўзбекистон.

МАККАЖЎХОРИНИНГ ТАҚДИРИ

Пўстин очиб қарасам,
 Маржонлар тизилибди.
 Сўнгра-чи тегирмонда,
 Бирма-бир узилибди.
 Сўнг уни беришибди,
 Бир йиғлоқи болага.
 Қочаман деб ем бўпти,
 Охир товуқ холага.



*Шоҳида ЭШМАТОВА,
Қарши шаҳридаги “Нуристон”
академик лицей ўқувчиси*

БУРЧ БАРЧАГА БАРОБАР

Сўнги йилларда барча жабҳаларда бўлганидек, санъат соҳасида ҳам ривожланиш, ўсиш кўзга ташланмоқда. Айниқса, кўшиқчилик санъати гуркираб ўса-япти. Деярли ҳар ой, ҳар куни янги ва янги номлар, шоу тили билан айтганда, юлдузлар кашф этиляпти. Ҳатто улар учун махсус кўрик-танловлар, мукофоту совринлар ташкил этилган. Албатта, бунинг ҳаммаси ҳукуматимиз томонидан маънавият, санъат ишларига кўрсатилаётган эътибор, ғамхўрлик натижасидир. Лекин тан олиб айтиш керакки, кўпгина кўшиқчиларимиз, “юлдуз”ларимиз томонидан бундай эркинлик ва имкониятларни суиистеъмол қилиш, маданиятимиз, санъатимиз шаънига нажоиз ишлар қилиш ҳоллари бот-бот учраб турибди. Хусусан, бировларнинг, айниқса, чет эллик ҳофизу хонандаларнинг куй-кўшиқларидан ўғрилаш, уларни худди ўзи ижод қилгандек халққа тақдим этиш ҳоллари, концерт томошаларида фонограмма найрангларидан кенг фойдаланиш ҳоллари учраяпти. Албатта, бундай кўнгилсизликлар юзасидан матбуотда, турли йиғинларда тез-тез гапириляпти. Ҳатто, баъзи бир қонуний чора-тадбирлар ҳам кўрилган. Лекин бари бир натижалар ҳали-ҳануз кўнгилдагидек деб бўлмайди. Менимча, бундай маънавий жиноятларга фақатгина маъмурий идораларгина эмас, кенг жамотчилик баб-баравар курашиши лозим. Шундагина кўзланган мурод ҳосил бўлади. Афсуски, биз аксарият ҳолларда одамларимиз орасида лоқайдлик, бепарволик аломатларини кўрамиз. Менимча бунга сабаб томошабинларимиз, кўшиқ-куй шинавандаларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмаслигидандир. Улар ур-тўполон, жанжал-тортишувлар билан концерт томошаларига чипта ундиришни билишади-ю, лекин томошабин, маданий ҳордиқ чиқарувчи сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқлари борлигидан анчайин беҳабар. Агар улар хоҳлашса, рисоладагидек талаб қилишса ҳар қандай “юлдуз” ҳам фонограмма ва бошқа техникавий кўмакларсиз, ўз сози-ўз овози билан куйлашга мажбур бўлади. (Буни эплай олса, албатта). Афсуски, ҳозирча бундай талаб-истакларга гувоҳ бўлмадик.

Агар эътибор бериб кузатсак, Россия ёхуд бошқа чет элларда бўлаётган каттаю кичик концерт томошаларида хонандалар ўз сози, ўз овози билан куйлашаётганига гувоҳ бўламиз. Тўғри, бунга биринчи сабаб ўша санъаткор ўз истеъдодига, ўз иқтидорига ишонади. Ҳар хил техник найранглар қилишга унинг санъаткорлик виждони, маънавий дунёси йўл бермайди. Қолаверса, зални тўлдириб ўтирган томошабинлар ҳар хил замонавий ашқол-дашқолларнинг имкониятларини синаб кўриш учун эмас, айнан ўзининг соҳир овозини, ҳузурбахш куй-кўшиғини тинглаб дам олишга келишганини у жуда яхши англайди. Зарур пайти, маданият даражаси юксак шинавандалар ундан ҳақиқий саъятини кўрсатишини талаб қилиб қолишлари мумкинлигини ҳам у тузуккина тушунади.

Бироқ минг афсуски, бизда бу масалада манзаралар, ҳали юқорида қайд этганимиздек, анча бошқача. Жамоатчилигимиз талаб-истак билдириш ҳуқуқи борлигини ё билишмайди, ё одатдагидек андиша қилишади. Лекин концерт томошалари ташкилотчилари ҳам анойи эмас. Улар қонун-қонидани яхши билишади. Шунинг учун ҳам ҳар эҳтимолга қарши, афишаларда, реклама эълонларида “Жонли ижро ва фонограммадан фойдалинилади” деган жумлани енг ичида қистириб ўтишади. Бу билан ўзларини қонуний жиҳатдан “оқлаб”, томошабинларни истасанг кир, истамасанг кирма қабилда огоҳлантирган бўлишади. Албатта, содда, оқ кўнгил кишиларимиз бундай писандаларнинг маъно-моҳиятини кўп ҳам англаб етишмайди. Улар азбаройи яхши кўшиқ тинглаб, яхши маданий ҳордиқ чиқарамиз деган умидда бари бир концерт заллари томон талпинаверишади. Албатта, санъатни, куй-кўшиқни севган, унга интилган яхши. Лекин не-не улуғ ҳофизу машшоқларимиз дунёга дoston этган ўзбек санъатининг шаъни-шавкатини ҳимоя қилиш, уни кўз қорачиғидек асраш ҳар биримизнинг вазифамиз эканини, бурч барчага баробар эканини ҳам ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.



*Дилдора ИСАКОВА,
Низомий номидаги ТДПУ талабаси*

СОДДАЛИК ЖОЗИБАСИ

Ҳар қандай нутқ бойлиги тилдаги имкониятларнинг қай даражада ўз аксини топганлиги билан белгиланади. Агар нутқда ранг-баранг тасвир воситалари ўз аксини топган бўлса, бундай нутқ бой нутқ саналади.

Нутқни тўғри ривожлантириш эса албатта, болаликдан бошланади. Болалар нутқининг ранг-баранг бўлишида адабиёт, айниқса, шеъриятнинг ўрни беқиёс. Зеро, мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб, то мактабгача бўлган даврларда ҳам бола нутқи ўсиб, ривожланиб, йиллар давомида янги-янги тушунчалар, сўзлар билан бойиб боради.

Болалар шеърияти содда, оддий ва самимийлиги билан беғубор кўнгилларни забт этади. Шоир Рауф Толиб “Содир ва Қодир” деб номланган шеърида ёзади:

*Содир жуда меҳнаткаш,
Сўзга нўноқ.
Қодир дангаса,
Гапга
Уста бироқ.
Йиғинларда бир четда
Қолар Содир.
Сўзга чиқиб улоқни
Олар Қодир.*

Бу содда сатрларда болаларча беғуборлик, ишонувчанлик (Содир мисолида) бор. Аммо шу билан бирга болаларча айёрлик, маҳмадоналик ва мақтанчоқлик (Қодир мисолида) ҳам маҳорат билан тасвирланган. Яъни шоир қисқа сатрларда икки боланинг бир-бирига зид феъл-атворини қиёслаб беради. Бу қиёсдан ҳар қандай ўқувчи ўз хулосасини чиқаради. Шеърда

меҳнатсеварлик ва камтарлик улуғланади. Дангасалик, мақтанчоқлик ва маҳмадоналик эса билвосита танқид остига олинади.

Шоир худди шу мавзуга ҳамоҳанг яна бир шеърида ёзади:


*Мени роса мақтар шер:
– Сен ақлли, доно, дер,
Ичинг тўла маъно, дер,
Сен оламда танҳо дер.
Мен гапга куламан,
Синаяпти, биламан.*

Шеърнинг номи ҳам “Синов” деб номланган. Бу шеърда ҳам мақтов, хушомад каби салбий хислатлар бироз табассум билан танқид остига олинади. Гап ана шу мақтовлардан қандай хулоса чиқара олишда.

*Укам, “икки” олишни
Тўхтатасан, айт, қачон?
Жавлон эса кулиб дер:
Каникулда, акажон!*

Дарҳақиқат, болалар шеъриятининг ўзига хос жиҳати қаҳрамон нутқи, ўзига хос топқирлик, зукколик ва соддалиқдир. Болаларнинг севимли шоири Рауф Толиб шеърлари ана шу жиҳатлари билан алоҳида ажралиб туради. Шоир болаларнинг дунёқарашини, фикрлашини, сўзларини яхши тушунади. Кечинмаларини қандай баён этишларини кузатади ва синчковлик туфайли содда ва самимий сўзларни топиб, қисқа, аммо мазмундор шеърлар яратади.





ҚОҒОЗ ПУЛИ

Ҳажвия

Кўпинча мендан нега кулгили ҳикоялар битмай қўйганим ҳақида сўрашади.

Бу қулоғимга, “ҳажвчилар ёзмаса ҳеч ким кулмай қўяди”, дегандек эшитилади. Гўё бизнинг кулдиришдан бошқа ишимиз йўқдай.

Шахсан мен, бирор кулгили ҳикоя ёзадиган бўлсам, аввал шу ҳикояга асос бўладиган воқеани танишларимга сўзлаб бераман. Сўзлаб туриб уларнинг афт-ангорларини кузатаман. Ҳикоям уларга таъсир қилса ёки кулдирса, ана ундан кейин уни қоғозга тушираман. Шундай қилсам, беҳудага қоғоз исроф бўлмайди. Бу менинг ёзиш услубим.

Саратоннинг сариқ кунлари, яъни ёзнинг чилласи эди. Вақт ярим кечадан оққан бир паллада уйғониб кетдим. Қалтираяпман, тишим тишимга тегмайди.

“Қизик, – дейман ажабланиб, – ёзнинг чилласида ҳам одам совқотадимми?”

Соатга қарасам, кечки учдан қирқ беш минут ўтган. Ҳа-ҳа, ўн беш минут кам тўрт: на у ёқлик, на бу ёқлик. Демокчиманки, на кечаси, на кундузи. Бу пайтда “Тез ёрдам”га қўнғироқ қилишга ийманасан. Ўзингнинг аҳволинг бу бўлса, боз устига бошқаларнинг ширин уйқусини бузиш ноқулай-да. Тўғри, бу уларнинг вазифаси, бунинг учун икки ҳисса маош олишади, буни тушунаман. Лекин барибир ноқулай-да, одамни ширин уйқусидан уйғотсанг, барибир ичида сўкинади. Қалтираб турганингда бегона одамнинг сўкиниши хуш ёқадими? Албатта, йўқ!

Хўш, унда нима қилиш керак?

Кўрпага ўраниб ётиш керак!

Шундай ҳам қилдим. Қалтироқ босиб, жиққа терга ботдим. Шунда алаҳсирадими ёки туш кўрдими, миямга оғриқ кириб, қўл-оёқ мушакларим зирқирай бошлади. Амаллаб тонг орттирдим. Кейин соат саккиз бўлишини кутдим. Чунки поликлиникада соат саккизда иш бошлади.

Роппа-роса соат саккизда поликлиникага бордим. Тўққизинчи ўринга ёзишди. На илож, кута бошладим. Навбатда турганларнинг бари ўзимга ўхшаган бепарволик оқибатида ё шамоллаган, ё бирор жойи лат еган. Имкон ва имтиёзларимиз тенг, яъни ҳеч ким навбатни бузолмайди. Таниш-билишчиликни-ку қўяверинг, ит эгасини танимайди. Пул қистиришни хаёлингизга келтирманг. Зўрлаб берсангиз ҳам олишмайди. Навбатда турганларнинг гапини эшитиб, ҳайрон қолдим. Кимдир олдинги замонни ўйлаб, дўхтирга пора бермоқчи бўлган экан, боёқишни

“қайси замонда яшаяпсан, уят эмасми”, деб кўпчиликнинг ўртасида изза қилишибди.

Буни эшитиб хурсанд бўлдим.

Кўз тегмасин, кишиларимизнинг қарашлари яхши томонга ўзгарган, пора деган сўзни билишмайди, ҳатто уни қандай олишни ҳам эсдан чиқариб юборишган. Уринг, ўлдиринг, пора нима эканлигини эслай олишмайди.

Шулар ҳақида ўйлаб, вақт ўтганини билмабман. Тўғри-да, бунинг учун эртадан кечгача навбатда турсанг алам қилмайди, кетган вақтингга ҳам ачинмайсан.

Шундай қилиб, тўққизинчи бўлиб навбатда турибман. Ҳар эшик очилиб-ёпилганда ичкаридан дўхтирнинг ёқимли овози эшитилади. Қабулга кириб-чиққанлар авваллари оҳ-воҳ, дод-вой қилишарди, энди мамнун бўлиб чиқишмоқда.

Навбатда мендан олдин турган бемор ичкарига кириб, хаёлимда узоқ қолиб кетгандай туюлди ва сабрим чидамай, ичкарига мўралаган эдим, дўхтир “кираверинг” дегандай им қоқди.

Мен ичкарига кирдим. Чиқиб кетиши керак бўлган бемор, яъни мендан олдин кирган кишининг эсига бир нима тушгандек бўлди ва у чўнтагидан пул чиқариб, дўхтирга чўзди.

– Сиздан пора сўрамадим, – дея тишларини ғижирлатди дўхтир. – Қоғознинг пулини ташлаб кетсангиз бўлди.

Бемор менинг олдимда хижолат бўлиб:

– Қоғознинг баҳосини айтсангиз, – деди.

Дўхтир “палон пул” деди, бемор қизариб-бўзариб айтилган суммани стол устига қўйди-да, апил-тапил хонадан чиқиб кетди.

Дўхтир пулни чўнтагига ураркан:

– Одамларга ҳам ҳайронсан, оддий ёзув қоғозининг нархини билишмайди, – деди-ю, сўнг менга юзланди. – Хўш, сизни нима безовта қиляпти?

Назаримда, чўнтагимда қоғозга етадиган пул йўқдек туюлдими: “Қоғознинг нархи безовта қиляпти”, деб юборибман...

Йўқ, ўлар жойда эмасдим, ҳар қалай, қоғознинг пулини тўлаб чиқдим.

Азиз ўқувчи! Сизга бу воқеани шунчаки гапириб бердим, ҳали қоғозга туширганимча йўқ. Айтинг-чи, қоғоз маммоси долзарб бўлиб турган бир пайтда, ушбу воқеани қоғозга тушириш шартми? Шарт бўлмаса, мендан кулгили ҳикоя ёзишни талаб қилманг.